

АҲМАД ДОНИШ

РИСОЛА
ЁХУД МАНФИТЛАР
ХОНАДОНИ
САЛТАНАТИНИНГ
ҚИСҚАЧА
ТАРИХИ



Копия
2.1.2014
Возражаюсь

АҲМАД ДОНИШ

РИСОЛА ЁХУД МАНФИТЛАР ХОНАДОНИ САЛТАНАТИНИНГ ҚИСҚАЧА ТАРИХИ

Таржима, изоҳлар ва кириш сўзи муаллифи
Қиёмиддин Йўлдошев

“Ўзбекистон миллий энциклопедияси”

Давлат илмий нашриёти

Тошкент — 2014

УЎК: 94(575)
КБК 63.3(5)
Д 71

Масъул муҳаррир:
Фахриддин Ҳасанов
тарих фанлари номзоди

Дониш, Аҳмад
Д 71 **Рисола ёхуд манғитлар хонадони салтанатининг қисқача тарихи/А.Дониш. — Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2014. 144 б.**

Ўрта Осиёда маърифатпарварлик ғояларини илк тарғиботчиларидан бўлган Аҳмад Донишнинг ушбу рисоласида Бухоро амирлигини бошқарган манғитлар сулоласи тарихи қисқача баён этилган. Уша давр тарихий воқеаларининг шоҳиди бўлган муаллиф манғит амирларининг маиший бузуқлиги, сарой аъёнларининг лаганбардорлиги, укувсизлиги, мансабларини суиистеъмол қилишлари, оддий халққа нисбатан зўравонлик сиёсати юргизганларини ўткир ҳажв қилар экан, Бухоро амирлигидаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий, ахлоқий таназзул пировардида амирликни Россия империясига қарам бўлишига олиб келганлигини таъкидлайди.

Рисола ўзбек хонликлари даврини ўрганишда ўзига хос манба вази-фасини ўтайди.

Китоб кенг китобхонлар жамоасига мўлжалланган.

КБК 63.3(5)

ISBN 978-9943-07-254-1 © «Ўзбекистон миллий энциклопедияси»
Давлат илмий нашриёти, 2014

Сўзбоши

Ўрта Осиё чоризм мустамлакасига айланаётган ва айланган даврда эл-юрт озодлиги, унинг келажаги ҳақида қайғуриб курашган илғор ватанпарвар зиёлилардан бири Бухоро амирлиги ҳудудида яшаб, ижод қилган Аҳмад Донишдир.

XIX асрнинг иккинчи ярми Туркистон халқлари учун тарихан мураккаб давр бўлиб, Аҳмад Донишнинг *“Рисола ёхуд манғитлар хонадони салтанатининг қисқача тарихи”* асари юрт ҳукмдорларининг жаҳолат ва ғафлат ботқоғига ботиб кетиши, масъулият ва хушёрликни йўқотишлари, умрини ўтаб бўлган ақидаларга ўралашиб яшашлари оқибатида мамлакат ўз мустақиллигидан маҳрум бўлиши тарихига бағишланади.

Асар номи шартли қўйилган. Аҳмад Дониш фаолияти ва ижодий меросини ўрганган тадқиқотчиларнинг фикрича, асарнинг бешта ёзма нусхаси бўлиб, уларда асар турли номларда (*“Кичик тарих”* ёки *“Сафарнома”* деса, бошқаси *“Бухорои шариф амирларининг таржимаи холи”* ва ҳ.к) қайд этилган. Тожикистон ФА академиги Абдулғани Мирзоев беш нусхани таққослаб, *“Рисола ёки Бухоро манғит амирларининг қисқача тарихи”* деган номга тўхтайди.

Қайд этилган нусхаларнинг биронтасида ҳам асарнинг ёзилган йили аниқ кўрсатилмаган. А.Мирзоев асарда келтирилган тарихий далилларга асосланиб, у Аҳмад Дониш умрининг охирлари, яъни 1895—1897 йилларда ёзилган деган хулосага келади.

Атоқли тожик ва ўзбек ёзувчиси Садриддин Айний (1878—1954) Аҳмад Донишни кўрган, хонадониди бўлган, шунингдек, “Наводир ул-вақоеъ” асарини ўқиган бўлса-да, унинг “Рисола”си ҳақида деярли маълумот келтирмайди. Машҳур шарқшунос олим Е.Э.Бертельс биринчилардан бўлиб Аҳмад Донишнинг манғит амирлари тарихига бағишланган асарини (“Рукописи произведений Ахмада Калла”) (“Аҳмад Калла асарлари қўлёзмаси”) мақоласини эълон қилиш (1936) билан ўқувчиларни таништиради.

Р.Ҳодизоданинг “Чанд саҳифаи нав дар таржимаи ҳол ва ижодиёти Аҳмади Дониш” мақоласи (1957) ва С.Улуғзоданинг “Аҳмади Дониш” рисоласи (1959) нашр этилиши билан Аҳмад Дониш ижодини ўрганиш кенг авж олиб кетди.

1955 йилда Иброҳим Мўминов, 1957 йилда З.Ражабов, 1961 йилда эса А.Баҳовуддиновнинг XIX асрда Ўрта Осиёда фалсафий, сиёсий, ижтимоий фикрлар тарихига бағишланган монографияларида Аҳмад Донишнинг фалсафий, сиёсий, ижтимоий фикрларига алоҳида урғу берилган.

Мазкур олимлар илмий салоҳиятидан илҳомланиб, ушбу сатрлар муаллифи ҳам Аҳмад Донишнинг иқтисодий фикрларини ўрганишга оид бир неча мақолалар эълон қилган эди.

Собиқ шўролар тузуми даврида монография ва мақолалар асосан рус тилида ёзилар эди. 1960 йилда Аҳмад Донишнинг “Рисола ё мухтасаре аз тарихи салтанати хонадони манғития” асари араб алифбосида, тожик тилида нашр қилинди. 1967 йилда ушбу асар И.А.Нажафова томонидан “Трактат Ахмада Дониша “История мангитской династии” номи билан рус тилига ўғирилди.

Ҳозиргача ушбу ноёб асарни ўзбек тилида ўқиш кўпчиликка насиб этмаган.

Буни асар тилининг анча мураккаблиги ҳамда араб ва форс тилларига хос мураккаб унсурларнинг кўплиги билан изоҳлаш мумкин.

С.Айний “Эсдаликлар” ида “...бу китобнинг тили ҳозирги замон ўқувчиларига оғир (ҳақиқатда анча оғир)” деб, бежиз айтмаган. Шу туфайли ҳам бу оғир юкни ўз бўйнига олишга ҳамма ҳам журъат этмаган.

Мен ўзбек китобхонлари ҳам ушбу тарихий рисоладан баҳраманд бўлишлари учун уни ўзбек тилига ўгиришга жазм қилдим. Албатта, таржима осон кечмади. Айрим жумлаларни равонроқ ифода этишда И.А.Нажафованинг таржимаси ҳам анча мадад берганини эътироф этиш жоиз.

Аҳмад Дониш, ҳақиқатдан ҳам, XIX асрнинг донишмандларидан эди. Бошқа биронта олим “дониш” — “билимдон” лақаби билан ном қозонмаган. У донишмандлиги, турли фан соҳаларида билимдонлиги туфайли Аҳмад Калла, Каллалик Аҳмад деган ном билан ҳам машҳур эди.

Садриддин Айний Аҳмад Донишнинг улуғ зот эканлигини алоҳида уқтириб, унинг “Наводир ул-вақоеъ” (“Нодир воқеалар”) асари унда исёнкорлик фикри уйғотганини эътироф этади.

Аҳмад Дониш фалсафий, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий билимлардан чуқур мушоҳада этувчи кенг қамровли олим ва дипломат ҳам эди. У илми нужум, яъни юлдузшунослик, геометрия, меъморлик, рассомлик, табобат санъатидан хабардор эди ва шу касблар билан шуғулланар, шеър, рисолалар ёзар, ҳатто танбурда машқ ҳам қилар эди.

Аҳмад Дониш 1826 йил Бухорода мударрис оиласида туғилган. Бошланғич саводни онасидан олгач мактаб, мадрасада таҳсил кўрган. Хаттотлик, рассомлик, наққошликни яхши билган, мунажжимликдан пухта билимга эгаллиги туфайли амир Насрулло назарига тушган. 1857, 1869,

1874 йилларда Бухоро амири элчилари таркибида Русия пойтахти Петербургда бўлади ҳамда рус император давлатининг идора усули ва рус халқи маданияти билан яқиндан танишади.

Аҳмад Дониш “*Рисола ёхуд манғитлар хонадони салтанатининг қисқача тарихи*” асарида манғитлар сулоласидан амир Музаффар (1860—1885), амир Абдулаҳад (1885—1910) ҳукмронлик қилган даврнинг бево-сита шоҳиди бўлгани боис батафсил баён қилиб, уларга халқ бахтсизлигининг, Туркистоннинг мустамлакага ай-ланиб қолишининг, икки томонлама асоратга солиниши-нинг асосий сабабчилари сифатида қарайди.

Аҳмад Дониш 1857 йил биринчи марта Петербург сафарига бориши олдидан амир унга топшириқ берар экан, “Сен у ерлардаги ички вазият ва давлатлари аҳволини яхши ўрган. Бу ҳақда олий даргоҳга етказасан. Ҳар бир мамлакатнинг ташқи аҳволини савдогарлардан ёки сай-ёҳлардан билиб оламиз”, деб тайинлайди.

Аҳмад Дониш уч марта Петербургда бўлиб, шаҳар қурилишлари, иморатлар, базмхоналар, равон йўлларни кўриб, ҳатто Бухоро ва Россия ўртасида илиқлик келтириш мақсадида 1874 йил подшо Александр II қизи Марям- (Мария)ни таъриф қилиб, унга шеър бағишлаган бўлса-да, ушбу мамлакатда ҳам халқ ҳаловатда яшамаётганлиги-ни: “...ҳамма кишиларни ғамгин ва ҳазин бир ҳолатда кўрардим”, деган гувоҳлиги билан ифодалайди.

Аҳмад Дониш сарой тарихчиларидан тубдан фарқ қилган. У риёкорлик, иккиюзламачиликдан йироқ эди. “Мен ўзимни танигандан бери эркин юрганман, ҳеч қачон, ҳеч маврида асоратга тушмаганман, саройга мансуб бўлиб, маъмур ва машҳур бўлган вақтларда ҳам эркинлигимни қўлдан бермай асоратни тан олган эмасман. Подшога ёзган мактуб ва аризаларим ҳам риёкорлик ва хушомад-гўйликдан холи эди”, деб қайд этади.

Аҳмад Дониш ўз асарида XIX асрда халқимиз ўта аянчли аҳволда яшаганини, бошидан том маънода қора кунларни кечирганини, эл-юртимиз қандай қилиб мустамлакага айланиб қолганини аниқ фактлар орқали баён қилади ҳамда “бу аҳволни тузатиш лозим”, деган хулосага келади.

Аҳмад Дониш амирлик тузумида ислоҳотлар ўтказиш дастурини ишлаб чиққан мутафаккирдир. “Наводир ул-вақоеъ” (“Нодир воқеалар”) асарининг “Рисолаи дар назми тамаддун ва таовун” (“Мамлакатни бошқариш ва халқни маърифатли қилиш ҳақида рисола”) боби тўрт шарт, уч фаслдан иборат бўлиб, унда подшонинг одил бўлиши ва салтанатни машварат, маслаҳат йўли билан бошқариши лозимлиги ғояси илгари сурилади. Манфитлар салтанати тарихига бағишланган ушбу рисоласида ҳам бир қанча ислоҳотлар ўтказиш таклифи билан чиққан. Булар: 1. Зарафшон дарёси сувини Бухоро ва Самарқанд вилоятлари ўртасида адолатли тақсимлаш. 2. Бухорода мовут фабрикаси ва консерва заводлари қуриш. 3. Ер ости табиий бойликларини ўзлаштириш ва бошқалардан иборат бўлган.

Аҳмад Дониш комил ишонч билан дунёда катта ўзгаришлар рўй бериши, эски давлат сулоалари ўзгариб, янги давлат ва янги миллатлар пайдо бўлишини башорат қилган.

Мустақиллик шарофати билан озодлик, эркинликка эришган халқимиз, айниқса, ёшларимиз ўтган “қора кунларини” англамаса, билмаса истиқлолга азобу изтиробларсиз, курашсиз эришилмаганини теран тушуниб етмайди. Улар мустақиллик осмондан тушмаганлигини билишлари учун, ривожланиш, юксалиш, фаровонлик йўлида олға қадамлар ташлаб, кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтилаётганини қадрлай билиши учун ҳам шу каби тарихий асарларни ўқишлари керак. Шунда “Биз ким эдик ва ким бўлдик”, деган саволга аниқ жавоб берган бўлар

эдик. Бинобарин, ҳозирда барча ҳавас қилса арзийдиган фуқаролик жамиятини барпо қилмоқдамиз.

Қарийб 150 йил давомида халқимиз даҳшатли даврни, зулм ва истибодни бошидан кечирганини эслаш, бугунги бахтиёр онларнинг қадрига етиш учун Аҳмад Донишнинг ушбу тарихий рисоласидан баҳраманд бўлсинлар, деб унинг ўзбекча таржимасини эрксевар халқимизга ҳавола этмоқдамиз.

Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири Абдулазиз Мансур тафсири асосида келтирилди¹.

Мухтарам ўқувчиларнинг матнни эркин таржима сифатида қабул қилишлари ва баъзи камчиликлар назарга ташланса таржимонни афв этишлари сўралади.

Қиёмиддин Йўлдошев,

иқтисод фанлари номзоди, доцент

¹ Қуръони Карим маъноларининг таржима ва тафсири, Тошкент ислом университети, 2009.

“Эй, Аллоҳ, сенгагина ишонаман ва фақат
ўзинггагина таваккал қиламан”².

Муқаддима

Миллатларнинг етук (арбоб)лари ва китоб аҳли³ бўлган “Улу-л-албоб”⁴, яъни оқилу донишмандларга маълумки, буюк ва муқаддас Аллоҳ таоло бу дунёни яратди ҳамда уни фаройиб неъматлари, уларнинг ажойиб навлари билан безатди. Аллоҳ бу билан Ўз қудрати ва мартабасини инсонларнинг ҳам олий (улвий), ҳам қуйи (суфлий) табақаларига намоён этди.

Бироқ куч-қудратининг кучи тўлиқ намоён бўлиши учун Аллоҳга жуда қўп ва узоқ йиллар лозим бўлади. Бу мақсаднинг амалга ошириши учун эса жаҳон обод бўлиши шарт. Токи, у бирор ишни намоён эта олсин ёки инсонлар ўзлари обод қилган маконда яшай олсинлар ҳамда жаҳон ободонлигида барча восита ва имкониятларини сақлаб қолсинлар. Зеро, мамлакатдаги муҳим ишларнинг бажарилмаслиги голиб ва қудратли подшоҳнинг буюклик ва иқтидорига салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун, у воситачи ва хизматчиларини ишга солади. Улар, ўз навбатида, султон хоҳишига қараб, мамлакат ишларини, яъни “фақат буюрилган ишни”⁵ тартибга соладилар.

Шунингдек, Аллоҳ таоло ўзининг *комил* (мукаммал) илми ва *шомил* (қамраб олувчи) қудрати билан Ер юзини *Лавҳу-л-маҳфузда* келтирилганидек яратди ва яратишнинг барча гўзаллик нақшларини унда мужассам этди. Бу тупроқли замин ҳимояси учун унинг устини кўк чо-

² Раҳмдил ва раҳмон бўлган Аллоҳ номи билан бошлайман. Зеро, Басмала энг гўзал исмдир.

³ Тўртга илоҳий китоб — Забур, Таврот, Инжил, Қуръонга имон келтирганлар. Бу ерда мусулмонлар назарда тутилмоқда.

⁴ “Ақл эгалари”. Қуръони карим. “Бақара” сураси, 179-оят.

⁵ “Таҳрим” сураси. 6-оят.

дир (осмон) билан қоплади. Ернинг барқарорлиги ва давомийлигини таъминлаш учун, зарур озукани ташқаридан етказишлари учун юлдузлар ҳаракатини тартибга солиб, уларни идора қилувчи масъулларни белгилади. Ер устига одамзотни жойлаштирди. Инсонлар ерни унга зарар етказувчи нарсалардан холи қилишлари, вайронагарчилик ва нуқсонлардан пок тутишлари, эл фаровонлиги учун ҳаракат қилишлари зарур. Ер юзининг инқирози билан бир қаторда унинг давомий тараққиёти ҳам унга зарар келтириши мумкин.

Шундай экан, Аллоҳ аза ва жалла дунёнинг баъзан обод, баъзан эса вайрон бўлишини ихтиёр этди. Чунки, агар фаровонлик бардавом бўлса, ўлим, ёлғизлик кам бўлади ва, аксинча, очарчилик, етишмовчилик ва сиёсий беқарорлик бўлмаса, инсоният ҳаддан зиёд кўпайиб, ер юзи торлик қилиб қолади. Ернинг ўзи унумдорлиги пасайиб, ҳосил бермай, ҳайвонот ва чорванинг оёғи остида қолади. Ҳайвонот олами ҳам ҳалокатга юз тутди. Инсонларнинг тартибсиз ҳаёт кечирishi оммавий вабони келтириб чиқаради ҳамда барча тирик мавжудотлар қирилиб кетади.

Маълумки, шу каби вайронлик узоқ давом этса, жами мавжудотлар ҳалокатга юз тутди. Бирор янгилик вужудга келмайди ва бу дунё ўзининг борлик хусусиятларини йўқотиб, мутлақ йўқлик сари йўл тутди.

Бу дунё ҳаёт, сув ва адолат билан обод бўлиб, ўлим, сувсизлик ва зулм билан вайрон бўлади. Уларнинг бари олти юлдузнинг *улвий* (олий, юқори) олами орқали вужудга келади.

Вужудиёт (борлик) Қуёш, Зухра ва Муштарий таъсири натижаси бўлса, *адамиёт* (йўқлик) Миррих, Зуҳал ва Ой таъсири натижасидир. Аторуд уларнинг барчасига тааллуқли бўлган ҳолатда, ўша таъсир қайси юлдузнинг хосияти бўлганда, унинг маъдани ҳисобланади. Аторуд тик келганда (Ерга) зиён ва нуқсон етказди.

Бу юлдузлар осмон буржлари даражаларида ноқислик ва баракат келтирувчи ҳолатда турса, шунга кўра уларнинг таъсири камаяди ёки кўпаяди.

Аллоҳ таоло ҳаким (билувчи) сифати билан шуни тақдир этдики, агар бу шакл осмонлар ва юлдузлар вазиятида воқе бўлиб, ушбу бурж ва даражага етиб келса, дунё минг йил обод бўлади ва бу шакл аксинча бўлса, минг йил вайронагарчилик ҳукмронлик қилади. Ушбу муддат Аллоҳ тақдирига кўра беш юз ёки юз йилга камайиши мумкин. Аллоҳ таоло яна бу муддатларда юқорида зикр этилган юлдузларнинг Ер сайёрасига яқинлашиши, буржлари ва даражаларида айланиши Ер юзидаги тараққиёт ва вайронагарчиликларни кўпайтириши ёки камайтиришини ҳам тақдир этди. Бундан кўзланган асосий мақсад эса дунёда бир маромдаги бардавом ривожланишнинг олдини олиш билан бирга унинг батамом йўқ бўлиб кетишига сабаб бўлувчи давомий вайронкорликка ҳам йўл қўймасликдир.

Масалан, агар муайян бир вақтда Муштарий мижозига фалак ва юлдузларда бир вазият тўғри келса, дунёда минг йилгача тараққиёт, адолату эҳсон (яхшилиқ) ҳукм суришига олиб келади. Ўша жараёнда фалак ва юлдузда Зуҳал мижозига тўғри келувчи ҳолат вужудга келган тақдирда дунёда минг йил вайронагарчилик, очарчилик ва нуқсон юзага келишига таъсир кўрсатади. Кейинги шакл аввалгисининг нусхаси бўлиши мумкин эмас. Зеро, фалак шакллари, қасрий (муваффиятли) ва иродавий ҳаракати сабаб, соатма-соат ўзгаради. Жумладан, юлдузлар айланиши, фараз қилайлик, Миррих ё Зуҳал бўлса, аввал иккаласи Муштарий таъсирининг устуворлигига бутунлай барҳам беради. Лекин яна маълум вақтдан кейин Зуҳра Муштарийнинг ўрнини эгаллаб, Зуҳалнинг ёмонлигини барбод этади ва унинг таъсирини йўқотади. Бинобарин, бу вақтда Миррих Зуҳалдан ўтган бўлади.

Шундай экан, юқоридагилардан маълум бўлдики, тараққиёт ва вайроналик олам ва унинг аҳли ҳаётига таъсир қилиш орқали минг йилгача давом этади. “Йигирма-йигирма”, “қирқ-қирқ”, “юз-юз” ва “икки юз-икки юз” — мунажжимлар атамаси маъносида юлдузларнинг “Зуҳал даври”, “Муштарий даври” каби айланиш даври ҳисобланади. Ушбу айланишлар узоқлашиш (*қочиш-фиророт*) ва яқинлашиш (*боғланиш-қаронот*)лар таъсири натижаси бўлиб, дунё тарихининг минг йилликлари, юз йилликлари яқинида *мутадаийин* (диндор) ва *мутаварриъ* (тақводор) шахслар ҳар миллатда етишиб чиқиб, унга “*мужаддиди алф*”⁶ ва “*мужаддади миа*”⁷ дейиладиган иқтидорли подшоҳлар ва кенг қамровли, қомусий олимлар сифатида янгидан ҳаёт бахш этадилар.

Аҳли ислом истилоҳида *мужаддид* бир кишида ифодаланиши, бир вақтнинг ўзида дунёнинг барча мамлакатларида пайдо бўлиши ёки фақат исломий юртларда бўлиши шарт эмас. Чунки унинг фақат ислом оламига хос деб билиш ақлу мушоҳадага зид бўлади. Зеро, баъзи вақтларда мазҳаблари ботил насроний, маъжус ва шиа йўналиши вакиллари орасидан ҳам уларнинг ўзлари учун *мужаддид* вужудга келади. Шубҳасиз, ҳар бир миллатда дин ва мазҳабнинг ривожланиши ўша халқдан етишиб чиққан етук олимлар туфайли содир бўлади. Бирор-бир халқнинг *вахн* (пасайиш, инқироз)и ва секин тараққиёти ҳам, албатта, ўша миллат олимлари туфайлидир. Миллат ва халқ қанча вақт яшаса, шунча вақт унга ҳикматни юзага келтирувчилар керак бўлади. Аммо айтиш керакки, *куфр* ва ёмонликнинг узлуксиз содир бўлиб туриши ҳам лозим бўлган заруриятлардандир. Чунки дунё имонга қараганда *куфр* таъсирида кўпроқ тараққий этади. Бинобарин, имон натижаси Аллоҳдан бошқани тарк қилиб, уни ўзи-

⁶ Минг йиллик янгиловчиси.

⁷ Аср, яъни юз йиллик янгиловчиси.

дан йироқлатишдан иборат. Дунё тамаддунининг унга ҳеч дахли йўқ. Бу дунё инсоннинг қисқа вақт яшаши синов макони бўлиб, бу вақт тоғ дараси ҳам, бирор ғор ичида ҳам ўтиб кетаверади. Бу эса куфрга хилоф бўлиб, унинг асоси ҳақдан беҳабарликдир. У қиёмат ва ўлимдан кейин қайта тирилишни инкор этади, шунингдек, бу дунёнинг иморат ва зироати⁸га сабаб бўлади. Шундай экан, дин ўз фаолиятида муайян даражада куфрга ҳам зарурат сезади: **“Агар Аллоҳ истаганида эди, уларни ҳидоят узра жам қилган бўлур эди”**.

“Мужаддиди алф” ва “мужаддиди миа” ислом динида воқе бўлгани каби ислом миллати пайдо бўлишидан олдин ҳам мавжуд бўлган. Ҳақ маслаки ривожи учун келган Иброҳим алайҳиссаломнинг ханиф (энг тўғри) дини бўлиб, *Абу-л-Башар*¹⁰ Одам алайҳиссаломдан унгача ҳам ҳар юз йиллик ва минг йилликда пайғамбар юборилар эди. Бу ҳол ҳазрати *Хатмипаноҳ*¹¹ саллаллоҳу алайҳи ва салламгача шу зайлда давом этди. Улар илоҳий ҳақ *шариат* (тартиб-қоидалари)ни жорий этардилар ва нубувват силсиласи охирига етгач, *Хотаму-л-анбиё*¹² саллаллоҳу алайҳи ва саллам келишларида ҳам, яқин минг йиллик ва юз йиллик, ундан кейин ҳам *мутаварриъ* (художўй) ва *мутадаийин* (тақводор) шахслар ислом аҳлидан ҳам етишиб чиқиб, Илоҳий ҳақ аҳкомини тартибга солиб, жорий этадилар. Улар ханиф миллатида бўлган нуқсон ва бидъатларни тузатадилар. Илоҳий ҳақ шариа-ти Муштарий ва Аторуд таъсирлари натижасидандир.

⁸ Бинокорлик ва деҳқончилик ишлари.

⁹ Қуръони карим. “Анъом” сураси, 35-оят.

¹⁰ Барча инсонлар отаси, яъни биринчи одам. Бу ерда Одам алайҳиссалом назарда тутилмоқда.

¹¹ Паноҳ, нажот бўлувчиларнинг охиргиси. Бу ерда Муҳаммад алайҳиссалом назарда тутилмоқда.

¹² Пайғамбарларнинг охиргиси.

Зухра ёрдамчи бўлган барча даврларда исломнинг хос миллати вужудга келиб, ўша таъсирни камолга етказди. Мусойи *Калим*¹³ (*унга Аллоҳнинг салавоти бўлсин*) вақтида Зухал ёрдамчи бўлган. Бу эса *Бани Исроил*¹⁴нинг бошқа фирқалар устидан галаба қозонишига олиб келди. Ўз навбатида, ботил миллатлар мағлуб бўлди. Бинобарин, тўғри йўл ўша битта йўлдир ва гуруҳ ёки жамоанинг ихтилофи унинг йўлбошчиси ихтилофи сабабидандир.

Агар: “Энг тўғри йўл исломнинг ханиф динидир. У *“Ал-Ҳаққу яълу ва ла юъла (ъалайҳи)”*¹⁵ тақозоси билан ҳамма динлар устидан галаба қозониб, музаффар бўлиши керак”, деб айтмоқчи бўлсанг, айтамизки, “агар ушбу дин доим ғолиб бўлса, бошқа миллатлар мақхур (мағлуб) бўлиши сабаб савоб ва хато аҳли маълум бўлмайди. Дунёда бутунича ростлик, адолат ва омонат қарор топиб, Аллоҳ таолонинг *ғаффор* (кечирувчи) ва *интиқомия* (ўч олувчи) сифатлари амалга ошмай қолади”.

Шундай бўлгач, дини исломнинг заифлашуви ушбу диннинг баландроқ даражада камол топиши сабабидан рўй беради. Барча амалнинг муносиб тақдирланиши диннинг заифлашуви даврида икки баробар кўпроқ содир бўлади. Аммо қувватланиш, кучга тўлиш даври бир баробардир. Ушбу миллат — мусулмонлар бошқа қавмлар орасида *явму-л-жазо*¹⁶ (қиймат)да ўтган миллатлардан фарқли равишда ўз эътиқодларидан ифтихор қиладилар. Чунки кўпчилик инсонлар дин заифлашган вақтда уни рад этишга юзланиб, бузоқпарастлик¹⁷ ва бутпарастлик қилдилар.

¹³ Аллоҳ билан сўзлашувчи.

¹⁴ Исроил алайҳиссалом қавми.

¹⁵ “Аллоҳ улугдирки, ҳеч бир зот Ундан улуг бўла олмас”.

¹⁶ Мукофотлар бериладиган кун, Қиймат назарда тутилмоқда.

¹⁷ Сигирга сиғиниш, буддизм назарда тутилмоқда.

Шахс ҳолатидаги заифланиш ва тартибсизлик (*ихтилол*) рўй беришининг сабаби бу ҳақорат (*ихонат*) ва таҳқирлашдан эмас, балки бунга зарурат ҳам йўқ.

Эътибор қилинса, экинзор далалари кўп бўлган бой деҳқон ҳар турли маҳсулотлардан экади ва ҳар қайсисини навбат билан суғоради. Шу тартибда, экинларнинг кўплиги боис, яна ўн беш кундан сўнг парвариш этиб ернинг суғорилган аввалги қисмига навбат келади. Ўтган узоқ муддатда бу экинзор гуркираб, анча бўй чўзгани билан бир қаторда унда кўплаб бегона ўтлар ҳам ўсиб чиқади. Шу сабаб бу экин барбод бўлиши ва ўсувдан қолишига бир баҳя қолади. Деҳқон шунда бегона ўтларни териб, экинзорнинг ўсиши учун уни суғоради. Эгаси эътиборидан четда қолган вақтда бу экинзорга етган зарардан “эгаси бу экинзорга қарашни тарк этибди ва у кераксиз, номақбул экан” деган хулоса чиқарилмайди.

Шу каби Аллоҳ таоло “*Ҳар куни У (тинимсиз) фаолиятдадир*”¹⁸ ояти жалиласига мувофиқ, Зухра юлдузига шундай куч ва таъсир берганки, коинот дунёсидagi жинс ва навларининг бир *лак*¹⁹ миқдоригача таъсир кўрсатиб, динга шунча таҳорат ва поклик бағишлайди, яна шунча *сафо* ва *баҳо* (пок ва нурли) маъдан томонидан унинг *жавҳар* (асос, ўзак)ига, шунча хусн ва тароват эркак ва аёлга, шунча ранг ва ҳид гулу райҳонга, шу назокат созу овозга, шу тартибда, бу *муқаддарот*²⁰нинг ҳар бирига муддатлар керак бўлади.

Кўрибсанки, бирор жинснинг жавҳар маъданидан йиллар ўтади ва яна барҳам топиб, бошқа тур вужудга келади. Шу каби гулу райҳон ва созу овоз ҳам йиллар ўтиб ўзгаради, аввалги нав эса тарк этилади. Шу жараёнда бошқа шундай воситалар ҳам борки, улар йилма-йил, ойма-

¹⁸ Куръони карим. “Ар-Раҳмон” сураси. 29-оят.

¹⁹ Ўн минг. Бу ерда “чексиз” маъносида.

²⁰ Тақдир қилинганлар, яратилганлар.

ой ва кундан-кунга юқоридагиларнинг вужудга келиши-ни таъминлайди, яъни улар қисм ва таркибларининг вақт ва замон тақозоси билан камайиш ва кўпайишига таъсир кўрсатади. Бу ҳодиса шариат, файласуфлар ва мамлакатнинг маҳаллий тилида “*Раббу-н-навъ*”²¹ дейилади.

Шундай экан, биз “*фитрат*” деб атайдиган бу муддат ўша деҳқон ўз экинзорини навбат билан суғорадиган фурсатга ўхшайди. Фақат улар ўртасидаги фарқ шундаки, биз замон ва макон ичидамиз, бу муддат бизнинг назаримизда йигирма йил ва элик йил кўринади. Аммо Илоҳий санада бу муддат бир лаҳзада ўтиб кетади.

Юз йиллик ва минг йилликларнинг янгиловчилари бу дунёда, шубҳасиз, тўхтовсиз (*мутаволий*) келиб, доимо бир-бирини алмаштириб туради (*мутаоқиб*). Бошланиши бор нарсанинг охири ҳам бўлгани каби дунё тарихи минг йиллик ё юз йилликка етса, Муштарий ва Аторуд ва Зухра мижозига мос бир киши ислом миллатида етказилади. У дин ва мазҳабни таҳқиқ этади, табиийки, султонлар ҳам шу мижозга яқин бўладилар ва *мужаддиди замон*²²га тобе бўлиб, ишонадилар. Шу тариқа, ҳар бир миллатда ўша дин арбоблари мижозига мувофиқ шахслар етишиб чиқади ва ўз мазҳабларини *тансиқ* (тартибларини жорий) этади. Тафаккур билан чуқур ўйлаб кўрилса, *мужаддид* ҳамма касб ва санъатларда ҳам пайдо бўлади. Бунинг асосий ғояси инсонларнинг унга илтифоти йўқлигидадир.

Тарихдан маълумки, *нужум илми*²³ халқ орасида узоқ йиллар давомида шуҳрат топиб, инсонларнинг кўпчилиги у билан машғул бўлган. Шу тариқа, неча йил *наъма* (мусиқа), қанча вақт ўйин, рақс ва яна қанча масхарабозлик тарк этилди; улардан узоқлашилди. Шу каби тижорат ва деҳқончи-

²¹ Асосий тур.

²² Давр, замон янгиловчиси.

²³ Юлдузлар илми, астрономия, юлдузларга қараб фол очиш.

ликда мужаддиднинг вужудга келишидан кейин, агар у минг йиллик янгиловчиси бўлса, беш юз йил давомида ўша миллат ривожига тараққиёт рўй беради. Шунингдек, қолган беш юз йилда таназзул юз беради. Агар у юз йиллик янгиловчиси ҳисобланса, у мансуб миллат эллик йил тараққий этиб, қолган эллик йилида инқирозга учрайди. Табиийки, биринчи беш юз йилликнинг тараққиёти ҳам, таназзули ҳам иккинчи беш юз йилликниқидан яхшироқдир.

Биз учун барча минг йиллик ва юз йиллик мужаддидларини тайинлашимиз муҳим эмас. Агар бирор киши “*Тузуки Темурий*” билан яқиндан танишса, Амир Темур Кўрагонийнинг ҳижрий саккизинчи юз йиллик мужаддиди эканлигига амин бўлади. Ундан кейин ислом диёрининг ҳар бир гўшасидан мужаддидлар чиқдилар. Масалан, Султон Ҳусайн (Мирзо) Бойқаро тўққизинчи миа (юз, аср) яқинида Ҳиротдан чиқди. Амир Абдуллохон мингинчи йил бошида Бухородан, минг юзинчи йилда Субҳонқулихон, бир минг икки юзинчи йилда марҳум ҳазрат амир Маъсум, яъни амир Шоҳмурод чиқди. Мовароуннаҳр минтақасидаги мамлакатларда бу мужаддидлар билан бир даврда улар билан замондош мутабаҳхир (илми денгиз, қомусий) олимлар ҳам етишиб чиқишди. Бинобарин, ислом мамлакатларининг қолганларида ҳам шу каби подшоҳ ва олим мужаддидлар зухур этдилар. Жумладан, Ҳиндистон ўлкасида Аврангзеб, Шоҳ Жаҳон ва албатта, улар замонасидаги улуг алломаларни кўрсатиш мумкин.

Ислом даврида амир Маъсум Шоҳмурод каби мужаддид чиқмаган. Зеро, уни “*Иккинчи Умар*” деб атасалар ҳам арзийди. Бинобарин, Умар ибн Абдулазизда бўлмаган фазилат ва хислатлар амир Маъсум Шоҳмуродда мавжудлигини кўрадилар. У *Форуқ*²⁴ адолати ва

²⁴ Тарихда ўта адолатпарварлиги билан ном қозонган шахс, Пайғамбаримиздан кейин халифалик қилган тўрт халифанинг Абу Бакр (р.а.)дан кейин иккинчиси, яъни Умар Форуқ (р.а.) назарда тutilмоқда.

Сулаймон алайҳиссалом *фақр*²⁵ ининг камолига эга бўлиб, *фақр* либосида амирликда тартиб ўрнатиб, зулм ва душманлар илдизини жаҳоннинг боғида янчиб ташлади ҳамда адолат ва эҳсон ниҳолини парвариш этди.

Унинг салтанати замонидан тахминан бир минг уч юзинчи санагача миллат ва давлат ишларида рўй берган тараққиёту таназулни мумкин қадар қисқароқ баён қилиб, биринчидан, авлоди *киромлари* тавсифидан сўнг, бундан кейин бу диёрнинг султонлари бўладиган ушбу хонадоннинг ўринбосарлари учун дастуруламал бўлсин деб, уларнинг яхши маслакларига амал қилиш, уларнинг салтанатига зарар етказган нарсалардан ўзларини тортсинлар деган мақсадда амир Маъсум Шоҳмуроднинг яхши хислатларидан намуналар зикр этамиз.

Шу тариқа, замон ва маконга тўғри келадиган тарзда амирлик *низомини* баён этамиз, токи бошқалар уни адолат ва сифат мезони тариқасида қабул этсинлар ҳамда ўз дин ва дунёларини обод этиб, бу билан охиратлари ободлигига эришсинлар.

“Ҳидоятга эргашганларга салом (омонлик) бўлу”²⁶.

Амир Дониёл замонида амирлик тузумининг хароблиги ва амир Шоҳмуроднинг салтанатни бошқариш тарзи

Амир Дониёл бошқарув даврида амирлик пойтахти Бухорода миллат ҳаётида қабих ўзгаришлар юз берди: аксарият мадрасаларда дарс, масжидларда намоз тақиқланиб, мадрасаларнинг хужралари гоҳо мешкобчининг эшаги учун офилхона, баъзан эса баққолнинг ғалла омборига айланди.

²⁵ Камбағаллик, хокисорлик.

²⁶ Қуръони карим. “Тоҳо” сураси, 47-оят.

Бундай тартибсизликнинг сабаби манғит мардум²⁷ининг давлат ишларига аралашуви бўлди. Улар ҳар ердан нима топсалар, унга эга чиқдилар. Бева хотинларнинг чироғдонидан ўт-оловни, вақфларга тегишли омбордан нонларни ўғирлаб, уларни барчасини ўз қоринларини тўйгазишга, турли эҳтиёжларига сарфлар эдилар. Ҳеч ким уларни тўхтата олмас эди. Амир ва ҳокимлар ўртасида майхўрлик, қиморбозлик, фисқу фасод кенг тарқалган эди. Фуқаро ва раият эса зулмнинг кучайиши, олуқ ва солуқ, аминона ва вакилона²⁸ дастидан эркин нафас олмай қолдилар, никоҳ ўқитиш нархи қимматлашди. Масалан, маҳр²⁹ ўн дирҳамга, қозининг никоҳ далолатномаси ўн динар ва бир ман буғдой, тарозидан фойдаланиш учун ўн беш танга ва бошқалар.

Амирликда лавозиму мансабларнинг аксариятини амир Дониёлнинг ўғиллари эгаллаган бўлиб, улар фисқу фасод билан шуғулланар эди. Бухорода вазирлик тўлалигича золим, фасодчи, қонхўр Давлат қушбегининг итоатида эди. Қози калон мансаби қози Низомиддин қўлида бўлиб, ўзи улуг сайидлар авлодидан бўлса ҳам, очиқдан-очиқ тамаки чекар, шароб ичар, золим ва порахўр эди.

Амир Дониёлнинг ўзи эса кексайиб қартайган ва давлат ишларини тартибга солишдан ожиз бўлганидан, охири, муҳим давлат ишларини бошқаришни фарзандлари, амакилари, амирларга топширди. У давлат ишларининг яхшилашуви ва ёмонлашувидан, адолат ва зўравонликдан беҳабар эди. Амалдорлар шариат қонун-қоидаларини менсимас ва бажармас, ҳеч ким мазлумларнинг доду фарёдларига эътибор бермас эди.

²⁷ Кишилар, эркакар. Бу ерда манғитлар қабиласи вакиллари назарда тутилмоқда.

²⁸ Солиқ турлари.

²⁹ Шариатда куйвнинг келинга бериши шарт бўлган мажбурияти. Одатда, маҳр ҳадисга мувофиқ нўхат катталигидаги тилла билан белгиланган.

Амир Маъсум ўша вақтлар ёш бола эди. Балоғатга етгандан кейин эса у бу тартибсизликларга чидай олмади ва кўп ҳолларда отаси ҳузурига бориб, биродарлари ва асхоб³⁰лар устидан: “Фалончи бундай қилибди, фалончига зулм қилибди”, деб шикоят қилар ва “Буларни тартибга солиш, давлат ва диннинг вазифасидир, акс ҳолда, фуқаронинг аҳволи шу даражага борадики, мамлакат харобаликка юз тутгай”, дер эди.

Бу сўзлар амир Дониёлнинг қулоғигача бориб етмас эди. Ёки ҳокимлар ва ўғилларидан ҳайиқар эдими, ҳар ҳолда давлатда ҳеч қандай ўзгариш содир бўлмади.

Табиатан зулм, ноҳақликларга тоқат қила олмайдиган Маъсум отасига: “Мен бундай ҳолни кўришни ҳам, эшитишни ҳам истамайман, илм олиш учун мадрасага бораман”, деб арз қилди. Мадрасага бориб, илм олиш билан машғул бўлди. Золимлар эшигига боришни ўзи учун ор деб билди. Оддий фуқаролар орасига кириб, шайхлардан бирига шогирд тушди. Табиий қобилияти туфайли қисқа вақт ичида динга оид билимларни пухта эгаллади ва суфийлар сулукидан баҳраманд бўлди.

Ўзини ейишдан тияр эди, чунончи бир куни егулик учун меросий ердан³¹ галла олгунча ўз пиридан ярим ман буғдой қарз сўраган. Шаҳзоданинг Давлат номли ғуломбаччаси бир куни ўзига берилган буғдойдан тўкилган донни тирноқлари билан тераётган эди. Шу вақт ичкаридан чиқиб қолган шайх: “Кимсан ва бу ерда нима қилаяпсан?” деб сўради. “Мен амирзоданинг ғуломбаччаси бўлман, қарзга буғдой олиш учун келгандим, энди тўкилганларини термоқдаман”, деди. Шайх бу жавобдан хурсанд бўлиб: “Амирзодага жону дилинг билан хизмат қилгин.

³⁰ Дўстлари. Бу ерда “амалдорлар” маъносида.

³¹ Отаси мулкидан.

Сен ва авлодинг унинг даврида вазир, ҳукмгир бўласизлар”, деди. Фулом бу хабарни амирзодага етказди. Шаҳзода бунга жавобан шукроналик намозини ўқиб: “Пиримнинг гапи ёлгон бўлмағай”, деди.

Шу орада кўчманчи қабилаларнинг бебошликлари ҳаддан ошиб кетди ва халқнинг дод-фигони ниҳоят амир Дониёл қулоғига етиб боради. Шунда у амирзода олдига бир кишини юбориб: “Мен қариб қолдим, келсин ва менинг дуоимни олсин. Олган билими етарли. Мамлакатни менинг номимдан ноиб сифатида шариатга мувофиқ бошқарсин”, деди.

Шаҳзода бу таклифни ҳеч ким дин ва давлат салоҳиятини мустаҳкамлашда унга қаршилиқ кўрсатмаслиги шарт билан қабул қилиб отаси саройига келди. Аскарлар, фуқароларга оид муҳим масалаларнинг аксариятига ўзи имзо чекар эди. Айрим ҳолларда қози ёки вазирнинг аралашуви туфайли масалани ечолмаса, отасининг ҳукми билан ҳал этар эди. Ўзи гоҳида Аркда, гоҳида Бухоро минорасининг ёнидаги ҳовлисида халқнинг арздодини эшитар, кўп вақтини рўза тутишга сарфлар, қотган нон ва совуқ сув билан қаноат қиларди.

Ҳокимият тепасига келгандан кейин у ҳамма балоларнинг сабабчиси вазирнинг иродасизлиги ва қозининг кўплаб жабр-ситамлари натижаси эканлигини англаб етди.

Бир куни саройда одамларни қабул қилиш (кўриниш) ва катта мажлис ўтказиш билан боғлиқ мажбуриятларини ўтаб бўлганидан сўнг отасини тахтга ўтказиб, ўзи эса беш-олти маҳрамлари³² билан Арк дарвозаси олдидаги тўпчихонада яшириниб туради. Шу вақт қози Низомиддин отига минаётган эди. Амирзода шаҳд билан пистирмадан чиқиб, уни ханжар билан киндигигача ёриб ташлади. Қозининг бир оёғи узангида, бир оёғи ерда қолди.

³² Яқин, сирдош кишилари.

Шаҳзода жасадни Арк жиловхонасида отларнинг оёғи остига ташлашни буюрди ва халққа қилган мурожаатида “Адолат қарор топмоғи учун қози Низомиддиннинг мол-мулки талон-тарож қилиниши лозим, ким нима олса, ўшаники”, деб қайд этилди.

Шу вақтда ҳокимлар, сайидлар, қабила бошлиқлари саройдан қайтишаётган эди. Бу воқеани кўрган зулмкор, фисқ-фасодчиларнинг этлари қотди, қўрқувдан ранглари ўчди, яшашдан умидлари узилди.

Андак муддатдан кейин зиёфат қилиш баҳонасида бир неча аъёнлар билан вазир таклиф этилди. Шаҳзода даҳлизга ўз одамларини қўйди ва уларга: “Уринглар, десам, вазирни ўртадан йўқотасизлар”, деб тайинлади. Бир соатча суҳбатлашдилар. Вазирнинг белида қимматбаҳо тошлар билан безатилган пичоқ осилган эди. “Бобо, сизнинг пичоқингиз жуда ҳам ажойиб кўринишли экан. Бундай пичоқ салтанатда бошқа бирорта амирда бўлмаса керак”, деди. Вазир: “Балли, аслида, бу пичоқ менга *давлатхона*³³дан теккан эди. Қимматбаҳо тошлар билан безалган эди. Мен уни яна марварид ва бошқа қимматбаҳо тошлар билан безадим”, деди. Шаҳзода: “Унга қарасанг, кўзни чақнатиб юборади”, деди. Вазир шу заҳоти пичоқни ечиб, амирзода олдиға қўйди. У узоқ томоша қилиб, одоб юзасидан ўрнидан турди ва вазирни уринтириб қўймаслик баҳонасида унга томон йўналди. Вазир ҳам одоб юзасидан амирзодани безовта қилмаслик учун ўрнидан турди. Икковлари йиғилганлар ўртасига келдилар. Шаҳзода вазирнинг пичоғи билан унинг қорнини ёриб ташлади. Гилам қип-қизил қонга бўялди. Шаҳзода: “Бу ифлосни кўчага чиқариб ташланглар”, деб буюрди. *Тиғдор*³⁴лар уни парча-парча қилиб, ташқарига чиқариб ташладилар. Унинг барча мол-мулки вазир томонидан жабр кўрган мазлумларга тегди.

³³ Сарой.

³⁴ Қуроли. Бу ерда “аскарлар” маъносида.

Шундан кейин, фисқуфасодчилар, золимларни бош кўтариб юришга журъати қолмади. Аста-секин салтанатдаги етакчи лавозимларни муносиб одамларга топширди. Ўзи *худотарс*³⁵ бўлганлиги учун каттаю кичик ундан ҳайиқар эди. Ҳеч ким унинг буйруқларини инкор қилишга ҳадди мажоли йўқ эди. Отаси ҳаёт бўлишига қарамасдан, амирзода давлат тахтига ўтирмаган бўлса-да, ҳамма уламою сайидлар, амиру ҳокимлар унинг амру фармонига бўйсунадиган бўлди.

Бир куни Кўкалдош мадрасаси майдони саҳнида домолло Қаландар Охунднинг фарзанди ҳамроҳлари билан дарсни муҳокама қилиб турар эди. Улардан бири оч қолиб, нонфуруш боладан нон сотиб олмоқчи бўлди. Нонфуруш эса: “Бу нон жуда қиммат ва у муллолар учун эмас”, деди. Охунднинг ўғли буни ҳақорат деб билиб: “Бу кофир итбаччани уринглар”, деб буюрди. Муллобаччалар кўпчилик эди. Ҳар бири мушти, оёғи билан уриб, нонини талаб, ўзини ўлимга маҳкум этдилар. Амирзодага унинг отаси мурожаат қилиб: “Мулло Қаландар махдумнинг ўғли менинг фарзандимни сабабсиз ўлдирди”, деб арз қилди. Амирзода хизматкорига махдумни таҳқирлаб сўроққа олиб келишни буюрди. Вакил бориб қарасаки, махдумзода Кўкалдош мадрасаси майдони саҳнида катта оломон билан суҳбатлашмоқда. Унга бирон сўз айтишга журъат қила олмади ва унинг отаси ҳузурига келиб: “Сизнинг кўз нурингиз Фалон номли нонфурушни ўлдирди, унинг отаси эса тўрага арз қилди, менга махдумни олиб боришим буюрилди. Лекин махдумга бирон сўз айтолмадим, айтсам, ўша нонфурушнинг куни бошимга тушишидан кўрқдим. Буни ўзингиз ҳал қилинг”, деди. Охунд бу воқеани эшитгач, юзида ҳеч қандай ўзгариш юз бермади. У бир гуруҳ жам бўлиб турган муллоларга: “Боринглар, ўғлимни бу одамга у хоҳлаган тарзда топширинглар. У ўзини ҳимоя қилсин”, деб дарс

³⁵ Аллоҳдан кўрқувчи, тақводор.

беришда давом этди. Муллалар чиқиб, махдумга хабар бердилар. У ўзини топширди ва биз билан бирга равона бўлди. Талабалар махдумнинг тўра олдига олиб борилаётганини билиб, ғалва кўтаришди. “Биз зулм қилинаётган жойга махдумнинг пиёда боришини хоҳламаймиз”, деб уни отга миндириб, ўзлари у билан ёнма-ён бордилар. Махдум то минор тагига, тўранинг ҳовлисига келгунча атрофида икки-уч минг *толиби илм*³⁶ жам бўлди. Мен улардан тез ажралиб, тўрага воқеадан хабар бердим. Амирзода саросимага тушиб чопиб ташқарига чиққанида махдумзода отдан тушишга ҳам улгурмаган эди. Шу тахлитда майдондаги меҳмонхонагача етиб борди, талабалар тўдаси ҳам унга эргашиб келди. Амирзода одоб билан қўлини кўтариб, махдумнинг олдига борди ва нонфуруш боланинг ўлдирилиш сабабини сўради. Охунднинг ўғли шундай деди: “У илми, илм аҳлини таҳқирлади. Динни ҳақорат қилди. Шунда мен “ҳайданглар, уринглар”, деб буюрдим. У нажот йўлини топа олмади. Биродарлар зарбидан вафот этди. Буёғи энди сизнинг ҳукмингизга ҳавола”. Амирзода даъвогарга: “Сенинг ўғлинг қатл қилиниши вожиб эди, уни тошбўрон қилиб, ўтда куйдириш керак эди. Биз махдум номидан сенга уч юз танга *сулҳона*³⁷ берамиз. Сен ўз даъвоингдан кеч, зеро агар ўшанда уни бизнинг олдимизга олиб келишганида биз ўғлингни минорадан пастга улоқтирган бўлар эдик”, деди.

Даъвогар: “**Мен сулҳонадан воз кечдим**”, деди. Амирзода унга **уч юз танга** ва сарупо беришни буюрди ва махдумзодадан уэр сўраб, узангиси томон бир неча қадам ташлади.

Марҳум амир Ҳайдар амир Маъсумнинг катта ўғли эди. У кўп вақтини уламолар суҳбатида ўтказар эди. Унинг даврида ҳам ўша махдум обрўли уламолардан бири эди. У ҳар сафар амир ҳузурда бўлиб, сўзлаганда ўзини

³⁶ Илм талаб қилувчи, талаба.

³⁷ Келишув, товон пули; хун, яъни қон ҳақи.

такаббуруна тутар экан. Амир Хайдар ўзига яқин ходимларининг бирига: “Фалончи ўзини кибрли тутмоқда. Мажлис одоби ва уламолар билан суҳбат қоидаларига риоя қилмаяпти. Қўлларини палахса қилиб, беодоблик билан сўзлаётир”, деди. У жавоб бериб: “Махдум ҳар нима қилса, ўзи билади. Ҳозирги даврнинг ҳамма уламолари унинг ёки отасининг шоғирдларидир”, деди.

Ўшанда Амир Хайдар кайфиятини бузмасдан махдумни кечирди. Уша даврда фан ва илм аҳлига нақадар катта эътибор берилганлиги, уламо, султонларнинг сўзлари қатъий бўлганлиги айтилганлардан маълум бўлади. Умуман, олганда амир Маъсум ҳали шахзодалик давридаёқ халқ елкасидан қўшимча йиғимлар, олуқ-солиқларни олиб ташлади. Адолат ва яхшилик таянчи бўлди. У дин ва давлат душманларининг аксариятини йўқотди. Масжидларга имом ва муаззин³⁸, хонақоҳларга шайх, мадрасаларга мударрислар тайинлади. Кучини йўқотган вақф³⁹лар ёрлиқларини тиклади. “Бухоро ҳукмдорлари бундан кейин халқдан олиқ ва солиқ олмасин, тарозидан урмасин, ўлчовда алдамасин. Агар кимдир шундай қилса, Худо, фаришталар, одамлар газабига дучор бўлсин”, деб тошга ёзиб қўйдилар. Чиройли ҳуснихат билан ёзилган тош жоме масжидининг катта айвонига қўйилди.

У ҳижрий 1198 (милодий 1785) йили отасининг боқий дунёга кетиши билан Бухоро тахтига ўтирди. Уламолар, аёнлар ва халққа зиёфат берилди. Давлат ва элатни бошқаришда янги тартиб ўрнатди. Эл ва улус унга қулоқ соладиган ва бўйсунадиган бўлди. Бир неча бор гафо нияти билан Техронга қадар юриш қилди ва шиаларни қатлу ғоратга етказди. Охири, ўз амалий ишларидан қониқиш ҳосил қилиб, Аллоҳга сифиниш — ибодат билан машғул бўлди.

³⁸ Азон айтувчи.

³⁹ Масжидлар мулки.

Амир Маъсум 17 йил ҳокимиятни бошқарди. Хижрий 1215 йил 12 ражаб ойи жума куни (1800 йили 30 ноябрь) фоний дунё билан хайрлашди. У хижрий 1163 (милодий 1749-1750) йил туғилган эди. Унинг фазилатлари, бошидан ўтганлари ҳақида алоҳида китоб ёзса бўлади. Биз унинг олийжаноб хулқ-атворидан бир нечта ғаройиб ҳикоялар билан чекланамиз.

Амир Ҳайдарнинг хатна тўйида уламолардан домулло Аёз ва домулло Исобекка ўхшаганлар иштирок этади. Ёғоч товоқда ичида турли хил сабзавотлар солинган шўрва, косада сув, нон келтирилиб қўйилади. Хатна қиладиган уста хатна ишларини бажаргач, кетишга рухсат сўрайди. Амир унинг ҳақиғага узоқ дуо қилиб, дейди: “Сабр қил, мен сенга бир нарса топишга уринай. Қўлинг қуруқ кетмасин”. Ўрдага бориб, анча вақтдан кейин қўлида бир сиқим пахта олиб келади. Уни устанинг қўлига бериб: “Сен учун бундан бошқа муҳимроқ, ҳалол нарса тополмадим. Хотинлар бундан менинг тўним учун ип йигирадилар”, деди.

Яна ривоят қилишларича, Бухоронинг Регистонига янги узилган қовунларни келтиришади. Лекин битта қовун олиш учун ҳам амирнинг қўлида нақд пул йўқ эди. Маҳрамига *кулоҳ*⁴⁰ ини ечиб: “Буни қовунфурушга элтиб бер, қандай қовун берса, олиб келавер”, деб буюради. Кулоҳ йиртиқ, тердан чириган, хароб аҳволда эди. Қовунфуруш бу кулоҳ амирники эканлигини билди ва бир қовун берди. Амир ўз қўли билан қовунни тилик-тилик қилиб, суҳбатдошларига берди, ўзи эса лабига ҳам текизмади.

Бошқа бир куни харажатга мутасадди вакилига: “Бугун рамазон оқшомида кўнглим палов истаяпти. Хазинадан менинг харжимга бериладиган қисмидан ол. Етмаса, қарз олиб, ифторга бир товоқ ош тайёрла”, деди. Шомга ёқимли таомни тайёрладилар. Амир қизгин суҳбат қуради. Бирдан: “Бориб, мадрасадан тўрт нафар қашшоқ та-

⁴⁰ Махсус бош кийим.

лабани келтиринглар”, деб буюрди. Келтирдилар. “Бу ош тамом бўлгунча ейсизлар, қолмасин, шунда яна хазинадан сизларга бир динордан бераман. Агар ошни орттириб қолдирсаларинг, тилло ҳам йўқ”, деди.

Талабалар ошни шавқ ва иштаҳа билан едилар. Амир бу вақтда ўтириб, тасбеҳ ўгириш билан машғул бўлди. Кейин: “Уларга бир динордан беринглар, рамазон ойида ифторликка сарфласинлар”, деди. Ўзи эса қоқ нон, совуқ сув сўраб, ифтор қилди. Ошга қўл ҳам урмади.

У ҳеч қачон шариатга кўра ўзига уламолар томонидан белгиланган миқдордан ортиқ маблағни давлат хазинасидан олмас эди. Ҳафтада атиги икки марта ўзи ва аёли учун ёғли овқат тайёрлатар эди. Унинг ёғли овқати ўрик, жийда, нўхат, мош, майиз мойидан иборат эди. Қоқ нонни тўғраб шўрвага соларди. Нон моғорлаб ҳидланганда ейиш у ёқда турсин, уйда ўтириб бўлмас эди. Лекин унинг ўзи уни паққос туширар ва Аллоҳга шукрона айтар эди.

Кечалари тонгга қадар ибодат қиларди, сўнгра кун бўйи кечгача одамларнинг арз-додини эшитар эди.

Ёмғирли кунлардан бирида амир, зарбоп тўн кийиб, заррин камарлар боғлаган давлатманд амалдорлар ҳамроҳлигида катта жоме масжиди томон борарди. Амир эгаржабдуғи йўқ ориқ отга миниб борар ва ҳатто отни бошқариш учун қамчиси ҳам йўқ эди. Шу туфайли от юрсин деб оёғидаги катта ковуши билан от қорнига туткиларди. Ковуш юз пора ямоқ бўлиб унинг туткилашлари отни юришга ундамас эди. Бир вақт ковуш маҳсидан ажралиб, лойга тушиб кетди. Йўлнинг икки томонида султон ва амалдорларни томоша қилиш учун аҳоли йиғилган бўлиб, раия⁴¹лардан бири чаққонлик билан ковушни кўтарди. Тозалади-да, амирнинг оёғига кийгизиб қўйди. Султон отни тўхтатиб — от шуни кутарди — қўлини дуога очиб, одамлар эшитсин деб баралла баланд овоз билан узоқ дуо қилди. Орқада ва ёнда амирлар саф тортиб турар эдилар.

⁴¹ Фуқаро.

Унинг ғайрати, шижоати шу даражада эдики, агар “ўғрилар фалон ерда ўғирлик ёки йўлда босқинчилик қилиб дилар” деб эшитса, ўша замон отига миниб, атрофига йирилган қўшин билан бу фитнага барҳам берар эди. Хоразмлик Айтназарнинг талончилигини эшитгач, Бухородан чиқиб, бир кечада Амудан ўтиб, ўша жойда унинг жазосини берди.

Унинг каромат соҳиби ҳам бўлгани ҳақида кўп нақл қиладилар. Чунончи, бир куни аскарлар шиалар (Эрон) томонга юриш қилганда қўшин таъминотида етишмовчилик бўлиб, Техрон атрофига борганда пул бўлмаганлиги учун оч қолиш хавфи кучаяди. Бу ҳақда амирга етказдилар. Амир: “Сабр-бардошли бўлинглар”, деб *диловарлик*⁴² қиларди. Шу вақт ҳавода ғозлар учиб ўтарди. Амир биттасини нишонга олиб отди. Жароҳат оғир бўлмаганидан ғоз бирдан ерга қуламади. Амир деди: “Султоннинг тиғи камдан кам ҳолларда нишонга тегмайди. Мен ғозни нишонга урдим. Боринглар, қаерга тушган бўлса ҳам, топиб олиб келинглар”. Маҳрамларидан бири ўша томонга кетди ва қуш соясидан уни катта тоғ яқинидаги тошлар орасига йиқилганини англаб, югуриб бориб, ғозни кўтармоқчи бўлди. Бироқ келиб ғозни кўрмади. Ахтарди ва кўзи қоронғу ғорга тушди. Ўзича “шу ерга тушгандир”, деди. Кирди. Жой жуда ҳам қоронғу, аммо кенг кўринди. Ёришгунча бир оз кутиб турди. Тўсатдан йиқилиб ётган ғозга кўзи тушди. Кўрдик, унинг ҳар тарафида ўралар бор. Биттасига тушиб, кўп миқдорда мол-мулк топди. Қолган ғор ўраларида ҳам аҳвол шундай эди. Ғозни олиб келиб, воқеани тахт эгасига баён қилди. Амир: “Бойлик бизники бўлди. Боринглар, олиб келинглар”, деб буюрди.

Аскарлардан кўпчилиги у ерга бориб ашё-буюмларни ташиб келтирдилар. Майдон қимматбаҳо буюмлар ва матолар билан тўлиб тошди. Шунингдек, юк ичида ширинликлар, озиқ-овқат ва ғалла ҳам кўп эди.

⁴² Кўнгил кўтариш.

Маълум бўлишича, шиа жамоаси “Бухоро қўшини талаб кетмасин”, деб уй-жойлардан йиғилган ва аскарлар учун мўлжалланган ҳамма мол-мулкларини ўша жойга яшириб қўйган эканлар.

Амир Аллоҳнинг марҳамати билан унга туҳфа этилган ушбу захирани аскарларга бўлиб берди ва сафардан тўла ғалаба билан қайтди.

Ушбу мартабали олийжаноб инсон ҳақида шундай ажойиб ҳикоялар аёнлар ва оддий халқ орасида кенг тарқалган эди.

Шоҳмурод вафотидан кейин аён ва уламолар иттифоқликда амир Ҳайдарни Бухоро тахтига ўтказдилар.

Амир Ҳайдар салтанати замонидаги баъзи воқеалар

Унинг подшолик тахтига ўтириши 1215/1800 йил якшанба, ражаб ойининг 14 да, қуёш чиққандан уч соат кейин бўлиб, юлдуз ва сайёраларнинг жойлашиши шундай эдики, мунажжимлар башоратига кўра унинг даврида қўшин орасида нотинчлик ва амирлар билан подшонинг ўртасида эса келишмовчилик содир бўлади. Султоннинг ўзи эса Аллоҳ иродасига бўйсунушга ва солиҳ амалларни қилишга мойил эди.

Дарҳақиқат, унинг давлатдорлик даврида амирларнинг кўпчилиги унга қарши муҳолифат ва адоватда эдилар. Бухорога тобе қалъалар ва эл-улус орасида бузғунчилик кучайди, элатлар ўртасида уруш ва жанжаллар узлуксиз давом этди. Бу подшо ёшлик давридаёқ дин илмини чуқур ўрганиш, Қуръонни ёд олиш, кунора рўза тутишни аҳд қилган бўлиб, бу уч мажбуриятни ўз аҳдига мувофиқ адо этарди. Ҳукмдорлиги даврида ҳарбий юриш ва ғанимларни бартараф қилиш оралиғида дарс бериш, уламолар

билан суҳбатлар, мунозаралар уюштиришга ҳам фурсат топар эди. Дунёвий лаззатлардан воз кечиб, рўза тутар, ифторда ҳам ортиқча емас эди. Бир сўз билан айтганда, шариат буюрганга қаноат қилар эди.

Унинг уламоларга илтифоти ва инояти юқорилиги амирларнинг гашига тегарди. Подшодан ортиқча маош ва совғалар олиш учун элатларни унга қарши қўзғатиб турар эдилар. Чунки ҳамма жойда тинчлик бўлса, подшо ҳеч вақт хонақоҳ ва мадрасадан ташқарига чиқмас, уламолардан бошқаларга илтифот қилмас эди. Шунинг учун ҳар уч ой, олти ойда гоҳ у вилоятда, гоҳ бу вилоятда исён уюштириб амирни бу ҳудудларга аскар тортишга ундар эдилар. Шу тариқа, қўшимча маош ва танҳо(иқто) олар эдилар.

Тинчлик ҳукм сурган вақтларда амир пойтахтда бўлса, уламо⁴³нинг кўпчилиги унинг олдига борар, суҳбатида бўларди. Бухоро ақобир⁴⁴ларининг фарзандлари, махдумзодалар гуж-гуж бўлиб, Бухоро Аркига чиқиб, амир ҳузурда машғулотлар ва илмий мунозаралар ўтказар эдилар. Тарихда бундай бошқарув шакли бўлганлиги ҳеч кимнинг ёдида йўқ. Бунинг овозаси бутун ислом диёрига тарқалиб, турли масканлардан одамлар илм олиш учун Бухорога кела бошладилар. Бухорода диний илмлар, шариат қоидалари шунчалик ривожландики, исломият даврида ҳеч бир подшоликда олимлар бунчалик ютуқларга эришмаган эдилар.

Ўз табиати, мизожига мувофиқ амир қўлаб хотинлари бўлишга интилар ва гарчи у таом ва маишатлардан ўзини тийса ҳам ҳар сафар аёлга уйланарди. Риёзату ибодатга мойил эди. Бу унинг ҳиссиётидан эмас, балки табиатидан келиб чиқар эди.

⁴³ Дин арбоблари.

⁴⁴ Катталар, оқсоқоллар, обрўли шахслар.

Амир Ҳайдарнинг ўлими ва амир Ҳусайн ва амир Умарнинг салтанати замони

Амир Ҳайдар салтанат тахтига чиқиб, жами 27 йил ҳокимиятни бошқарди. Арзирли умр кечириб, оламдан ўтди. 1189/1775 йил туғилди, 1242/1826 йил раби ул-аввал ойининг пайшанба куни 6 октябрь тушга яқин вафот этди. У 52 йил яшади. Ундан кейин Бухоро тахтига унинг катта ўғли Ҳусайн ўтирди. Унинг подшолиги узоқ давом этмади. У тахтга ўтиргандан кейин икки ойу ўн тўрт кун ўтгач оламдан ўтди.

Бу амир ғоят фазлу камолга етишган бўлиб, кўп фанларни пухта эгаллаган, шеър ёзиш, кимё, тиббиёт илмидан хабардор, фол очишни билар эди. У 30 йил умр кўрди. 1212/1797 йил муҳаррам ойининг 15 да (11 июль) тушдан кейин туғилган эди.

Ундан кейин уламолар ва аъёнлар иттифоқлигида жумод ул-аввал ойининг 23 да (1826 й. 23 декабрь) қуёш чиққандан бир соат ўтгач, амир Ҳайдарнинг иккинчи ўғли Бухоро тахтига ўтирди. Маълум вақт ўтгандан кейин уни ағдардилар ва у Бухородан қочиб кетиб, ғурбатда ҳалок бўлди. У 1224/1810 йил зулқаъда ойининг 11-сида пайшанба куни (19 декабрь) туғилган. Тўрт ойдан кам ҳукмронлик қилди. Табиатан фиқҳу фасодга мойил бўлган бу инсон оз фурсатда айшу ишратга берилиб, бутун умрига етарли, ҳатто ортиғи билан ҳаётдан лаззатланди. Оқшому кундуз маишат, мусиқа, винога берилиб, доим масту беҳуш юриш шу даражага етдики, ҳукмдор бўлатуриб, укаси Насруллонинг Самарқанддан келиб Бухорони қамал қилганидан хабарсиз қолди. Шаҳар ташқарисидан милтиқ ва камон ўқларининг овозлари келганда унинг яқинлари: “Овчиларингиз шаҳар ташқарисида нишонга олиш машқини қилмоқдалар, сиз хотиржам бўлинг”, дер эди. Бу ҳол амир Насрулло аскарлари Бухо-

рога кириш дарвозасини синдириб, Арк ичкарисига бос-тириб кириб, Бухорони эгаллаган соатгача давом этди.

Амир бу вақтда арфа, доира ва ноғорада чалинган куй-ни эшитиш билан банд эди. Шу вақт уни машҳур уламо-лардан бири қутқариб қолди. Унга хотинлар паранжисини кийгизиб, Бухоро Аркидан ташқарига чиқариб қўйди. Шундан кейин амир боши оққан томонга кетди.

Амир Насрулло салтанати замони ва унинг мамлакатдорлик тарзи

Давлатнинг барқарорлиги, ҳаётнинг асоси тўлалигича осмоннинг иродасига боғлиқ. Уни олдинга суриш ҳам, кейинда қолиш ҳам, камайтириш, кўпайтириш ҳам мумкин эмас. Шунинг учун ердаги ҳаёт ҳамма вақт осмон ҳолатига мувофиқ бўлиб келади.

Амир Ҳайдар вафоти ҳангомида юлдузлар гуруҳи шундай жойлашган эдики, Бухорода *қаҳатчилик*⁴⁵, танглик, қотиллик, вилоят ҳокимларининг исёнлари бўлишидан дарак берар эди. Амир Ҳайдарнинг ўғли амир Насрулло подшоликка ўтиргандан кейин фитналар, қўзғолонлар пасайди ва барҳам топди, айни пайтда осмон жисмлари ҳолати ҳам ўзгарди.

Умуман, амир Насруллонинг Бухоро тахтига ўтириши 1242/1828 йил рамазон ойининг охири, пайшанба куни содир бўлди. Олам яна тоза тиниқ рангларга бурканди. Бу амир мустабид, қатъиятли, шафқатсиз, ишбилармон подшо эди. Ҳукмдорлик даврида кимки эл ва улус орасида фитна, қўзғолонларда қатнашган, кўрнамаклик қилган бўлса, ҳаммасини жазолади. Ўз давлати хайрихоҳларига эса кўп илтифотлар кўрсатди. Отаси йўлидан бориб, дин ва илмнинг ривожланишига эътибор берди ва шарият йўл-йўриқ-

⁴⁵ Очарчилик.

ларига риоя қилди. Муҳтасибларни тайинлашга шунчалик эътибор берилдики, унинг даврида “узум навдасининг қизи ифбат пардасида ўтирарди”⁴⁶. Най ва доиранинг овози даҳлиздан ташқарига чиқмас эди. Отаси даврида мухолифатда бўлган вилоятларни қилмишига яраша жазолади.

Унинг давлат чегараси кенгайди. Хўқанддан Кешгача бўлган бутун мамлакат унга бўйсунди.

У табиатан гўзал йигитлар, болаларнинг суҳбатини ёқтирарди. Аксари мансабларни шу тоифа одамларга беради. Унинг ҳузурида чиройли йигитлар кўп бўларди. Амир уламо ва фузалоларга зарурат бўлгандагина мурожаат қилар эди.

Ўз давлати барқарорлигини таъминлаш учун элатлар бошлиқларини ўз жойларидан қўзғалмай ўтиришга мажбур қилди. Тожиқлар ва мусофирларнинг аксариятига мансаб ва амаллар берди. Бу йўлни отасидан ўрганган эди. Амир Хайдар эл, улусда фитна, фасод, хусумат пайдо бўлганини эшитса, қабила бошлиқларини ўз ерларида қимирламасдан ўтиришга буюрарди. Шундай қилиб, фароғатда ҳукмронлик қилар эди. Лекин бу услуб кўринишдан давлатни ҳимоя қилишга қаратилган бўлса-да охир-оқибат, салтанатни тангликка етаклади. Амир Насруллонинг ўғли бошқарган замонда бу усул ўзини оқламади. Вилоятлар душман ҳужуми хавфи остида қолди.

“Шундай ниҳол экинги,

У доим ҳосил берсин!”

Бир сўз билан айтганда, 1250-1834-1835 йилдан кейин дин ва давлат ишларида таназул юз бера бошлади. Чунончи амир Насрулло сипоҳлар мулкани мусодара қила бошлади ва жарималар белгилади. Натижада, солиқларни йиғувчи амалдорлар ноилож куч ишлата бошладилар.

⁴⁶ Май ичишни тақиқлаган эди.

Уламолар ҳам унинг инжиқликларидан ҳайиқиб, хушомад қилар ва енгилроқ фатволар берар эдилар. Лашкар ва уламоларнинг подшога шариат ҳақиқатини айтишга ҳадди йўқ эди. Нимаики амир хоҳишига тўғри келмаса, уни шариатга хилоф, тўғри келса, шариатга мувофиқ деб билар эди. Ношаръий ишларга уламолардан фатво беришни талаб қиларди. Кимки унинг раъйига қарши, шариатга мувофиқ фатво берса, маълум муддатдан кейин жиноятчига чиқарилар, мол-мулки мусодара қилиниб, ўзини ҳайдаб юборишга амр қилар эди.

Амирнинг ўзи шариатга ошкора тажовуз қилишни раво кўрмасдан ўз гуноҳларини уламолар бўйнига юклар эди. Бу масалада “*Равзатус-сафо*” нинг янги бобида ёзилганидек, уламолардан муфтий Намангоний фатвосига мувофиқ амир Насрулло ишратпарастликни ҳалол ва уни баччабозликни қораламайдиган ҳужжат деб билган. Амир аҳоли, қўшин ва уламоларнинг аҳволдан яхши хабардор эди. Ҳар бир кишини муносиб ҳимоя қиларди. Халқнинг улуғларини сабабсиз обрўсизлантирмас эди. Унинг замонида ҳамма фуқаро: раият ва қўшин тинч, осуда, фароғатда, арзончилик, ободончиликда яшади.

Унинг амир Музаффардан бошқа фарзанди йўқ эди. У ўз фарзандининг табиатида ғаразгўйлик ва шафқатсизликни кўрди. Ўзи раият ва қўшинга ғамхўр бўлганлиги туфайли фарзандининг ўзидан кейин давлат тепасида туришини истамади. Шу туфайли, ўз набираларидан бирини валиаҳдликка тайинлади ва айрим амирларга давлатни унга топширишни васият қилди. 1277/1860 йилнинг мезон ойида бу фоний дунёни тарк этди. 35 йил давлатни бошқарди. Эллик олти йил яшади. 1221/1806 йил раби ул-аввал ойининг 13 да (1 июнь) туғилган эди.

Амир Музаффар салтанати замонидаги баъзи воқеалар, унинг ҳаёт тарзи, мамлакатни бошқариш усуллари

Амир Насруллодан кейин амирлар ва аъёнлар ҳокимиятни набирасигами, ўғлигами бериш масаласида иккиландилар. Баъзилар “давлат илгаридан ота мерос” десалар, бошқалари “васиятни бажариш лозим” дедилар. Охири, ўғилни олиб келиш тарафдорлари жамоаси голиб келиб, Амир Музаффарни Карманадан чақирдилар. У 1227/1860 йил раби ул-аввал ойининг еттинчисида (23-сентябрь) Бухоро амирлиги тахтига ўтирди. Юлдуз ва сайёраларнинг жойлашишига кўра бу даврда гўё илм аҳли ривож топади, аммо Марс билан Венеранинг учрашуви имонни сустлашуви, фуқаро, раия, аъёнлар, иззатли-обрўли кишилар зарар топишини билдиради. Ҳақиқатда ҳам шундай бўлди.

Амир Музаффар давлат тепасида мустаҳкамланиб олгандан кейин васият тарафдори бўлганларни илдизи билан қуритди. Меросхўр деб аталган шахс зудлик билан Бухорони тарк этди. Қочишга улгурмаган авлоди, яқинлари, зурриётларини амир қатл қилди. Отаси даврида мансаб эгаси бўлган барча аъёнлар, амирлар, вазирларни ҳайдади, уларнинг мол-мулкларини мусодара қилди ва давлат тепасига ўз яқинлари ва тарафдорларини ўтказди. Қўшин ва раиятга зулм қилинди. Амир хизматига Карманадан келганларнинг ҳаммаси разил кишилар эди, чунки Амир Насрулло ўзи рад қилган кишиларни “сенинг хизматингда бўлсин ва қадримизга етсин” деб Карманага (Музаффар олди) юборар эди.

Улар ўзлари кутмаган ҳолда ногоҳдан юқори мансаб ва амалларга қўйилгандан кейин аҳоли қонини ича бошладилар, қўпол муомала қилар, унча-мунчани назар-писанд қилмас эдилар. Шу жиҳатдан Кармана кишилари Бухоро одамлари наздида шум кўринар эди.

Хуллас, халққа зулм қилинди. Раият (деҳқонлар) солиқни зўрға тўлар эди, хирождан яширар эдилар, иш арз-додгача бориб етар, лекин ҳеч ким уларга қулоқ солмас эди.

Хукмронлигининг дастлабки бир-икки йилида отасидан қолган давлатга таянган ҳолда Хисор ва Хўқанд томон лашкар тортиб, баъзи мавзеларни куч ва шафқатсизлик билан эгаллади ва аҳолисига омонлик бермай, қатлга етказди, яъни аҳвол илгаригидек хусумат ва фасод⁴⁷га қайтди. Жангу жадалда икки-уч ғалабадан кейин амирга фиръавн димоғдорлиги йўл топиб, дунёда ўзидан бошқани тан олмайдиган, шариат кўрсатмаларини ўз хоҳишига қараб мослайдиган бўлди.

Масалан, киши чақа тангани ўғирласа ҳам, қатлга етказарди, бирон шахсни ўлдирган қотил эса жазоланмас эди. Одамларни озгина гуноҳи учун қамарди. Қамонинг муддати уч йилдан етти йилгача эди. Турмалар тўлганда маҳбусларни гуруҳ-гуруҳ чиқариб, қатл қилар эдилар. Шу тариқа, отаси давридаги амалдорларнинг аксариятини қатл қилди, мулкларини мусодара этиб, ер билан яқсон қилди; қабих кишилар ва қулларни халқ бошига кўтарди.

Мовароуннаҳрни Россия томонидан истило қилиш бошлангунча шундай давом этди. Қўшинга ҳар тарафлама жабр қилинар саркардалар ҳимматсиз, ғайратсиз, нодон эди. Аскарлар қулларга хизмат қилишни ор билиб, орқасини ўгириб қочишга юз тутди, шундай қилиб, ҳамма вилоятлар Россия тасарруфига ўтди.

Сабаби шундаки, бир аскарга бериладиган маош тўрт кишига бериладиган бўлди, бир саркардага бериладиган танҳо⁴⁸ иккитасига бериладиган бўлди.

⁴⁷ Бузуқлик.

⁴⁸ Хизмати эвазига амалдорларга бериладиган вақтинчалик ер-мулк, иқто деб ҳам аталган.

Ўша даврдаги хўжалик мутасаддилари бундан рози эдилар. Бошқа бир сабаби, беодоб кишилар, бозор одамлари ва ҳаммом гўлаҳидан эндигина бўшаганлар давлат мулкини ўғирлашни қонуний ўлжа деб билар, ҳам бундан хурсанд эди. Улар “бугун ўтса бўлди, эртага бир гап бўларда” қабалида ҳаёт кечирарди.

Бухоро вазирлиги Муҳаммадшоҳ қушбеги қўлида эди. Бу одам калтафаҳм, саводсиз, беақл эди, доим касал бўлиб, тўғри сўзни ҳам подшога етказа олмасди. Ҳеч ким давлат фойдасига бирон нарса дейишга журъат қила олмас, шу сабабдан миллат ва давлатнинг ишлари тўлиқ инқирозга юз тутди, қўшин ва халқ ўртасида осийишталик йўқолди. Аслида, мамлакат равнақи вазирнинг зийраклиги, қатъиятлиги, тўғри мулоҳаза юритишига боғлиқ. Агар вазир бемулоҳаза бўлса, бундай давлатнинг ҳолига вой.

Воқеалар қисқача шундай ривожланди. Амир Насрулло давлат бошқарувининг ўргаларида руслар Сирдарё лабига келиб қалъа қурдилар. Зийракроқ кишилардан баъзилари кўп мулоҳазалардан кейин, воқеанинг оқибатларидан ташвишланиб, амирга: “Россияни у жойдан даф қилиш керак, андак муддатдан кейин у ердан мамлакат ичкарасига кириши ва мусулмонларга кўп заҳматлар келтириши мумкин”, деб арз қилди. Амир шундай жавоб берди: “Рус давлати бузруг⁴⁹ дир, биз унга қаршилик кўрсата олмаймиз, унга фаранглар, турклар қарши тура олиши мумкин, холос. Бундан ташқари, эгаллаган ерлари бизнинг мулкимиз эмас, қарши чиқиш учун асос йўқ. Улар бизга “Бу ерлар керак бўлса, нега келиб эгалламадинглар” деб бизнинг душманимизга айланиши мумкин, алҳол, биз билан дўстона сўзлашмоқдалар, вақти келиб биз томонга юриш қилсалар, у вақтда иш бошқача тус олади, улар нимани эгаллаган бўлсалар, ўшани оладилар, бизникини эгалласалар, у вақтда биз билан улар ўртасида фақат қилич ишлатиш қолади, холос.”

⁴⁹ Буюк.

Воқеа, охир-оқибат, шундай бўлдики, амир Насрулло ҳаётлик даврида Россия Сирдарёдан ўтиб, тажовуз қилмади. Улар амирни Туркистон диёридаги бошқа ҳукмдорлардан энг қудратлиси деб билар, ҳурмат қилишар ва шунга риоя қилиб, Сирдарёдан бу томонга ўтишмади. У ўлгандан кам муддат ўтгач, Тошкент устига юриш бошлаб, унча қийинчиликсиз шаҳарни босиб олишди.

Тошкент Россия томонидан қамал этилаётган бир вақтда Амир Музаффар Хўқандга юриш қилишни ихтиёр этди. Маслаҳатчиларидан баъзилари Хўқандга юриш қасдидан қайтиб Тошкентга қараб юриш қилинса, мусулмонларга кўмак бўлишини маслаҳат бердилар. Аммо бу маслаҳатни амирга маъқуллата олмадилар. Амир Хўқанд устига юриш қилди ва уни босиб олиб, Ўзгангача етиб борди, кўплаб мусулмонларни асир олиб, талаб, фораг қилиб, тезда орқага қайтди. Ортиқча зулм-ситаг қилганликларини учун халқ улардан юз ўгирди. Одамларнинг кўпларини тун қоронғулигидан фойдаланиб қочиб кетишди. Баъзилар амир аскарлари қайтгандан сўнг ўз юртларига қайтди, вилоятлар Россия тасарруфига ўтди.

Вилоятларнинг амир ҳокимиятидан юз ўгиришининг аслабаби аскарларнинг забт қилинган вилоятлардаги бебошлиги, қаердан нима топсалар зўрлик, зулм билан олишлари, у ердагиларнинг оиласи, фарзандларига зулм қилишлари бўлди. Худди шунингдек, подшонинг ўзи ҳам у ерларнинг фуқаро ва аскарларини ўз томонига ағдариш учун ҳеч қандай чора кўрмади. У ўз нафсини қондириш билан машғул бўлди ва ҳар ким бу ишда воситачи бўлса, маъқул бўлар, бошқалар эса рад қилинар эди. Шунинг учун султон қайтгандан сўнг бу вилоятлар душман бўлиб қолди.

Тошкентни руслар босиб олмасдан аввалроқ, амир Хўқанд томон сафарга отланаётганда бу сатрларнинг муаллифи (Аҳмад Дониш) бир иш билан султон ўрдасида бўлган

эди. Амирлар мажлис ўтказиш учун амир ҳузурига йиғилишган эди. Мажлис тугагандан сўнг вазирлардан бири ташқарига чиқди. Мен мажлис мавзусини сўрадим.

— Лашкарбошилардан баъзилари Тошкент устига юриш қилишни афзал кўрдилар. Амирга бу маъқул тушмади ва шундай деди: “Тошкент устига юриб, ғалаба қилган шахс рус қўшинининг навкаридир, бу навкарга қарши чиқиш мен учун ор ва уят, мен агар отга минсам, тўппатўғри Москов устига бораман.”

У бу гапларни Россия давлатини худди Мовароуннаҳр давлатларидек деб билганлиги учун, улар устидан осонгина ғалаба қозонаман, деб ўйлаганлиги сабабли айтган.

Ҳа, инсон бирон нарсани эшитса-ю, кўрмаган бўлса ҳам, уни ўзи шоҳид бўлган нарсаларга қиёс қилади, миясида шу фикр ўрнашиб қолади. Истанбулнинг “азим, обод, маъмур” эканлиги хабари бизгача етиб келган бўлса, биз уни ўзимиз билган бошқа бир шаҳарга хаёлан қиёслаб, “Бу шаҳар ҳам ўшандай шаклу андозада бўлса керак”, деймиз. Ваҳоланки, хориждаги шаҳарлар ўртасида катта тафовутлар мавжуд. Шунингдек, “Истанбул подшоҳининг давлати шундай, шунанга” деб эшитсак, бизнинг онгимизда “Унинг давлати бизнинг амир давлатидек бўлса керак” деймиз, ваҳоланки, улар ўртасида катта фарқ бор. Агар бизда озгина ақл бўлганда эди бу эътиқодга қаноат қилмасдан обдон текширардик. Истанбул ва султон давлатининг равнақ топганлиги даражаси ҳақида аниқ маълумот олиб уларнинг биздан қанчалик юқори, устунлиги ва аксинча, бизда йўқ нарсаларини билар эдик. Амир табиатан нодонлиги, калтабинлиги туфайли бу икки давлат ўртасидаги фарқни билолмади.

Бу диёр ҳукмдорлари ақлсизлигига яна бир қанча сабаблар бор. Уларга болалигидан хат-саводларини чиқариш учун муаллим тайинланар, кеча-кундуз хизмат қилиш учун икки-уч ғуломбаччалар бириктириларди. Муаллим бир бурда нонидан маҳрум бўлмаслиги учун дарс вазифа-

ларини сўрашдан ҳайиқар, шаҳзода дарсни хоҳласа ўзлаштирар, хоҳламаса муаллим ундан ўзлаштиришни талаб қила олмас эди. Шаҳзодалар ёзиш ва ўқишни ўргангани заҳоти бирор вилоят ҳокими қилиб тайинланарди. Уларга эргашган ғуломбаччалар ҳам лавозим ва мансаб эгаси ҳисобланиб, ҳеч ким уларга бирон маънили сўз айтолмас, аслида, улар қулоғига ҳеч қачон мазмунли сўз етиб бормас эди. Шаҳзодалар, ўз навбатида, ёйиш, ичиш, хотинбозлик ва от чоптиришдан бошқа нарсани билмас эди. Уларнинг суҳбатдошларидан ҳам маънили бир гап чиқмас эди. Ёшлиқдан кулфат ва ғурбат азобини, очлик-ташналикни кўрмаган, ақл ва одобдан йироқ, умумий таълим олмаган, тарихдан беҳабар, уни ўқимаганлар ҳокимият тепасига келганда ўйфикрларини *фиръавн* димоғдорлиги эгаллаб, ўзларини осмонда кўрар эдилар. Ҳар қандай ҳукми ўзларининг нуқсонли фикрларига мувофиқ чиқарар, шарият ва ривоятлар ҳам шу ҳукмга бўйсундирилган эди. Шунинг учун улар шубҳасиз ҳақиқий бахтга эриша олмас эдилар. Доимо беҳаловат яшаб, халқни азобга қўйишар эди.

Ҳеч бир мамлакатда зийрак мулозиму ақлли арбобларсиз осойишталик ўрнатиб бўлмайди, бу хомхаёл. Аммо улар вақтини тамомила ёйиш, ичиш, фаҳш ишлар билан ўтказар ва шундан роҳатланишарди. Бу хислатлари билан уларга юк ҳайвонларини шерик қилиш мумкин.

Умуман олганда, русларнинг Тошкент устидан ғалаба қилиши ва у ерни истило қилишларидан кейин Бухоро сарҳадига ўтишда Самарқандга кириш дарвозаси бўлган Жиззахни ҳимоя қилиш зарурлигини англаб, бу борада юз минг танга сарфладилар ҳамда мудофаа деворини қурдилар. Русларнинг олға юришига тўсқинлик қилиш учун кўп сонли илғор гуруҳни қалъага гарнизон сифатида юбордилар.

Шу даврда умрида милтиқдан отилган ўқ овозини эшитмаган, уруш маъракасини, жанг майдонини кўрмаган амир ғуломларидан бири Яъқуб қушбеги лашкарбо-

ши этиб тайинландики, энг оддий навкар ҳам унинг лашкар бошлиғи этиб тайинланганлигидан ор қилар эди.

Россия Жиззах устига юриш қилмасдан бир оз аввал Бухоро шаҳрида мадраса талабалари, уламолари жиҳод⁵⁰ қилиш фарз деб сағиру кабирлар⁵¹ни кофирлар устига ташланишга чақириб, катта ғавфо кўтардилар. Амир бу ҳодисадан қийин аҳволда қолиб, иложсиз лашкар тортиш, жиҳод асбобларини тайёрлашга фармон берди.

Катта қўшин, ўттиз олтита тўп, бир неча туяга ортилган артиллерия анжомлари билан саросима ва ҳадикда шаҳардан чиқдилар. Душман билан юзма-юз келганда эса порох ва тўп ўқлари, ўқ-дорилар Бухорода қолгани, ҳамма уруш жиҳозлари яроқсиз ҳолда эканлиги маълум бўлди. Ўқ-дорилар шу даражада эдики, уни алангалатиш, шуъла бериш учун бир лаган *оташ*⁵² керак эди.

Аскарлар душман томон кетганлариданоқ *ғазоват*га чиқинглар деб шаҳарда умумий даъват бошланди ва ҳар уй эшигини “Тез чиқинглар” деб калтак билан тақиллатар эдилар. Шаҳар аҳолиси ҳеч қачон тўп овозини эшитмаганлиги, уруш майдонида бўлмаганлиги учун *ғазот* майдонда кураш, *пойгоҳ*да чопиш бўлса керак деб гумон қилар эди. Ҳар қайсилари уч газли таёқ кўтарган, баъзилари таёқ учига темир қоплаб олиб, агар душман таёғини улоқтирса, улар ҳам унинг бошига таёқ билан “солмоқчи” эдилар. Фаройиб ва даҳшатли замон эди, уламолар доду фарёд кўтариб, *жиҳод* қилиш фарз эканлигини исботлашга уринар эдилар. Лекин қаерда қайси сабаб билан *жиҳод* қилиниши, у қандай асбоб билан амалга оширилиши кераклигини билмас эдилар. Душман қандай қуролланган, оломонни қайси томонга йўналтириш кераклигини ҳам сўрамас эдилар.

⁵⁰ Жаҳд қилиш, бир нарсага қаттиқ киришиш.

⁵¹ Ёшу кекса.

⁵² Олов, чўғ.

Бир умр вилоятлардан тушган солиқ ҳисобидан маош оладиган қўшиннинг нима кераги бор; едириш, ичириш халқ зиммасидаги оғир юк экан уларни боқшининг не ҳожати бор; мунтазам қўшин уддалай олмаган ишни халқ лашкарлари қандай уддалайди? Биринчи жангдаёқ, аскар енгилиб, душман уни таъқиб қилиб олға юрса, навбат аҳолига етиб келишини улар англашмас эди.

Аслида, аскарларни боқшдан мақсад мамлакат ва халқни душман хавфи, босқинидан ҳимоя қилишдан иборатдир. Улар ўз қонлари пулини ҳарбий воқеалар бошланмасдан оладилар. Шунинг учун *раия муҳораба*⁵³ даврида аскарлардан олдинда турмаслиги керак. Тинчлик даврида аҳоли қонини ичсаю, уруш даврида аҳоли олдинга чиқса, бу эшитилмаган янги тартиб бирон миллатда учрамаган. Аслида, ёмон кунларда иш бериш учун амир ва ҳокимлар уруш хавфи гумон қилинганда аҳолини тиру тўфанг ишлатишни машқ қилдиришлари керак. Умумий сафарбарликка чақириш ўргатилган, тайёр одамларни сафарбар қилишни англатади, билъакс хотинлар жамоасини эмас. Хотинлар ҳам шариат бўйича бунга алоқадор. Бу гапнинг маъноси шундаки, эркаклар жанг асбобларини тайёрлаш билан машғул бўлаётганларида аёллар ҳам бу ишлардан хабардор бўлишлари керак. Улар ҳам кейинчалик эгаллаган билимларига қараб душманга қаршилик кўрсатишлари мумкин. Аскарларнинг ўзи бирон жангда иштирок этмаган бир вақтда жангга ҳарбий ишни хотинлардан ортиқ билмайдиган камбағаллар тўдасини юборилиши ноҳақ қонлар тўкилишига сабаб бўлар, душманни ҳайдашга муваффақ бўлинмас, беҳуда ҳаракат қилинган бўлар эдики, бунинг асосида аҳмоқлик, нодонлик, жоҳиллик ётади.

Шу тахлитда турли табақа вакилларида иборат ҳаддан зиёд аскар тўпланди. Баъзилари шавқ, баъзилари ғазаб, баъзилар қизиқиш билан; айримлар ўн кун, айримлар бир ойга егулик олиб, *ғазот* нияти билан борар эдилар.

⁵³ Жанг, уруш.

Амир аъло ҳазратлари бу юришда “император пойтахти Петербургни фатҳ қилиш мумкин” деб мулоҳаза қилар, лекин икки фарсаҳдан нарига ўта олмаслигини билмас эди.

Юз минг пароканда лашкардан

Икки юз мард жангчи афзалдир.

Жуда катта дабдабаю савлат билан ҳар ярим фарсаҳда икки кеча-кундуз тўхтар эдилар. Най, доира, созларнинг овози кўкка бўй чўзарди. Ўзларини Фаридун, Афросиёблардан юқори деб билардилар.

Икки ой деганда Сирдарё бўйига етиб келиб, Сассиқ кўл деган жойда тўхтадилар.

Хумоюн аскарлар манзилга етиб келмасданоқ ўз ишларидан пушаймон бўлиб, қочиш тараддудига тушдилар, кўтариб келган емишлари йўлда тамом бўлиб, гадолик қилишдан бошқа иложлари қолмаган эди. Энди улар муқаддас урушдан тўйган эдилар.

Руслар душманнинг ҳақиқий аҳволини билмас эдилар. Улар ўз китоблари орқали Темур салтанати ва ўзбек қўшинининг куч-қудратидан хабардор бўлиб, бутун дашт-ни мўру малаҳдек эгаллаб келаётган сипоҳларни кўриб сулҳ тузишга рози эдилар. Улар ўзларига катта шикаст етишидан хавотирда эдилар. Ҳар қанча одам юбормасинлар, хат ёзмасинлар, давлат амирларидан бахт-омад юз ўтирганиданми уларга сўз уқтириб бўлмади, эҳтимол улар (хатлар)нинг маъносини тушунмагандирлар ва бу билан амирни ишонтира олишмагандирлар.

Чор-ночор Сиффин⁵⁴ да бўлганидек тўқнашув бошланди. Карнай ва ноғора овози кўтарилди. Рус аскарлари бир ярим, икки мингдан ошмаса-да, темир девордай келар эдилар.

⁵⁴ Ислом тарихида содир бўлган буюк жанг. У тўртинчи халифа Али (р.а.) ва Муовия ўртасида кечган.

Бизнинг аскарлар орқага чекиниб бостириб келаётган рус аскарларини ноқулай жойга тушириб, ўраб, асирга олмоқчи эдилар.

Амир тўхтаган жойда шоҳона чодир қад кўтарган эди. Жанг майдони ундан тахминан *бир фарсах*⁵⁵ келарди. Ногора овози унинг чодирига етиб келарди. Амир чодир соясида шахмат ўйини билан банд эди. Бир тўда ҳофизлар газал ўқир эдилар. Амир ногоранинг бир маромда урилишига мослаб оёғини тақиллатиб ўтирарди. Ҳар замонда хизматкорни чақириб: “Тўпхона амири Салимбий ва аскарлар амири Шерали Иноққа бориб айт, русларнинг хазинаси навкарлар қўлига тушиб талон-тарож бўлмасин, рус мардумини кўп ўлдирмай тирик олсин, улар сарбозлар қаторига қўшилсин ва ҳарбий хизматда бўлсин”, деб тайинларди. Охунд мансабига эга бўлган Яҳъё Хожа Туркман аҳмоқлиги билан машҳур эди, у чопонини кифтига ташлаб, қўлида катта бир саҳифани ушлаб, халққа *жиҳод* фазилатларини талқин қилар ва “*жиҳод* қилинг, маҳкам туринг” дерди. Бироқ шу вақт рус қўшинлари ҳужумга ўтиб тўпларни эгалладилар ва ислом розийлари томон икки уч марта тўпдан сочма ўқ уздилар, ҳамма гўё қочишга мунтазир бўлиб тургандай, тўп-тўп бўлиб қоча бошлади. Яҳъё Охунд чопонини ташлаб, биринчи бўлиб қочганлардан эди. Шу вақтнинг ўзида амир ҳазратларига “лашкар бевафолик қилди, орқага чекинди” деган хабар келтирдилар. Амир саросимага тушиб, довдираган ҳолда шахмат устидан туриб, тўни ва салласини ҳам кийишга улгурмай, эгарланмаган отга миниб қочиш қолди.

Бизнинг одамлар ҳеч қачон низомли жангни кўрмаган ва эшитмаган, эшитган бўлсалар-да, зафар топган қўшинлар душманни узоқ таъқиб қилмаслигига ишонмас ва ўзларига қиёс қилар эди. Шунинг учун ҳеч нимага

⁵⁵ Тахминан 6-8 км.

қарамасдан, нимага эга бўлсалар, ташлаб, бошлари оққан томонга кетдилар. Баъзилари қочаётиб ҳатто рус қўшинлари қўлига тушди, руслар улар аҳволдан хабардор бўлиб, сув ва озуқа бериб, қўйиб юбордилар. Баъзилар дарёга чўкиб кетди, баъзилар тоғга чиқиб кетган бўлса, баъзилар чўлга ёйилиб кетди. Анчаси чегарадан ўтди, қўплари йиртқич ҳайвонлар ва дарё маҳлуқларига ем бўлиб дом-дараксиз кетди.. Барча мулк, беҳисоб анжомлар, пуллар ҳатто товоқларга солинган тайёр таомлар, тўшаклар устига терилган косою пиёлалар ҳам ўша жойда қолди. Лекин рус аскарлари бунга эътибор беришмади. Даштлик қирғиз ва қозоқ элатлари келиб, ҳеч ким ҳисобига етмайдиган бу ашёларга эгалик қилди.

Амир қочаётган вақтда заҳар танг қилиб, ҳожатини чиқаришга вақт тополмай, эгар устида ёзилиб иштонини хўл қилиб қўйди. Ховос қишлоғига келиб отдан тушади ва етиб келган бир неча хизматкорларга либосларини ювиб қўйишларини буюрди. Эртаси куни тонгда ҳузурига айрим амирлар йиғилди, амир эгнига тоза либослар билан оройиш бериб, Самарқандга етиб келади. Беш юзга яқин киши амир хизматига келди, тахминан икки юз мингга яқин аскар уйларига тарқалиб кетди. Уларни илгари ҳам ўйламай жам қилган эдилар, яна ўйлаб-нетиб ўтирмай уни тор-мор этилишига йўл қўйиб бердилар. Ҳеч ким “қаердан келдинг”, “қаерга кетаяпсан” деб сўрамади.

Бу парокандаликнинг сабабчилари Амирнинг эл ва улус уларга хизмат қилишдан ор қиладиган мактабдош гуломларидан иборат лашкарбошилاردир. Элатия жангчиларининг оладиган хизмат ҳақлари 20 танга эди. Шу ҳам кўпинча бир неча кунга кечиктирилиб, тўлиқ берилмасди. Бозорлардаги нархлар ўзгарувчан, баланд бўлганлиги туфайли хизмат ҳақлари баҳодирларга етишмас эди. Шу билан бирга, нон учун жон қурбон қиладиган оч ва муҳтожлар жуда кўп эди.

Агар қўшин бошига ҳақиқий жангчи тайинланганда, хазина эшиклари очилиб, ҳар қайси жангчига 60 дирҳамдан ҳақ берилганда, бозордаги нархлар тартибга солинганда одамларнинг шавқи синмас ва душман билан жон олиб, жон бериб курашар эдилар.

Сипоҳдан зар дариғ тутилса,

У қўлини тиғ ушлашдан дариғ тутади.

Бинобарин, кийимсиз, егуликсиз лашкар заиф бўлади.

Амирлар ва сипоҳлар Самарқандга йиғилгандан кейин, бундай сусткашлик қандай рўй берганлигини суриштиришлари, аниқланган муаммони бартараф этиш давлат зиммасида эканлигини чуқур англаган ҳолда уни ҳал қилишга уринишлари керак эди.

Сипоҳларнинг жанг вақтида беҳафсалалигига асосий уч сабабни кўрсатиш мумкин:

1. Уларга берилган ҳақ ниҳоят даражада кам эди.

2. Паст, билимсиз одамлар фармон берувчи, лашкар-боши эди.

3. Жанг майдонида ўлгандан кейин унинг болалари муҳтожликдан ҳалок бўлишини билган ҳар қандай шахс жасорат кўрсатмаслиги табиий ҳол.

Ҳар бир киши ўзини бир балога урар экан оиласи: фарзанди, хотинининг тинчлигини кўзда тутади, бинобарин, ҳеч киши сабабсиз ўз нафси учун ўзини ўлимга ҳукм этмайди.

Аскарлар парокандалигининг яна бир сабаби шундан иборат эдики, улар душманнинг ҳолидан хабарсиз эдилар, эшитсалар ҳам ишонмас эдилар. Душман ҳолатини ўз одамлари ҳолига қиёслардилар. Шунинг учун уч газ узунликдаги таёқ билан душманни даф қилмоқчи бўлдилар.

Буларнинг қилган иши Гур вилоятидан бўлган киши аҳволини эслатади. У масжидда воизлардан Исломда ҳаж қилиш, Арафот тоғида тўхташ савоб эканлиги, Сафо ва Марва ўртасида тош отса катта мукофотга сазовар бўли-

шини эшитгач, масжиддан уйига бормасдан ҳеч нарсасиз, оловсиз ҳаж сафарига равона бўлди. Бир фарсах йўл юргач оч қолди — сув ичгиси келди. Йўлда баққолдан: “Бу ердан ҳажгача қанча йўл қолди?” деб сўради. Баққол унга деди: “Сўзсиз, сен девонасан. Қерда туриб сўраяпсан? Бу ердан ҳажгача минг фарсах йўл, сен ҳали шаҳар атрофидасан” деди. Ҳажга борувчи шу заҳотиёқ шаҳарга қайтди ва “Ҳаж қийин иш экан, менга бундай машаққатлар эвазига тегадиган мукофотнинг кераги йўқ”, деди.

Бизнинг ғазоватчиларимиз ҳам ғазо жаннатга олиб боришини, кофирлар тифидан азобсиз тез ўлсалар, ғозий бўлишлари, тагида дарёлар оқиб ётган жаннат боғига тушишларини эшитган эдилар. Шу шавқ билан ғазотга чиққан эдилар. Ҳали белгиланган ерга етмасданоқ сафар анжомлари тугади. Кейин душманни кўриш, уларга яқинлашиб уч газли таёқни улоқтириш билан душманни асло янчиш мумкин эмаслигини англаб, қочиш керак деган мулоҳазага келдилар. Оловли душман лашкарларига қарши юришга журъат қила олмадилар — жон ширинлик қилди. Улар қочишдан бошқа барча йўллар ёпиқлигини тушундилар.

Аскарларнинг жанг майдонида жасур бўлишлари учун султоннинг ўзи мард, қўмондонлари матонатли, довурак, қоравул бўлинмаси жангчилари ҳамма вақт жанг қилаётганлар орасида бўлишлари, уларга дилдорлик кўрсатиб, навкарларга “жасорат кўрсатсаларинг зару мол оласизлар”, деб руҳлантириб туришлари керак эди. Жанг майдонида динор ва дирҳамларни тахлаб, унинг бошлиғи этиб тайинланган амин кафтига дирҳам ва динорларни олиб, душманни тир билан ўлдирганга бунча, бошини узса унча, асир олиб келса мана мунча пулни нақд бериши керак эди. Бундай ҳолда ваъда ҳеч қандай фойда бермайди. Бу худди “бу ерда ишлайсан, нон билан шаҳарда таъминланасан, ёхуд душман енгилгандан кейин амалга миначан” дегандай бўлар эди. Ҳеч бир ақлли одам ваъда учун

жонбозлик кўрсатмайди, жонини бермайди. Бу ерда ваъда ўрнига нақд керак. Амалга тайинлаш буйруқлари ҳам ёзма тайёр бўлиши керакки, жонбозлик кўрсатганинг бошига дарҳол қўйилиши лозим.

Бир сўз билан айтганда, ўзбек қозонининг қопқоғи очилди, олтин дейилгани мис бўлиб чиқди, руслар керакли даражада уларнинг аҳволидан хабардор бўлди. Улар шу вақтнинг ўзида Жиззах, устига юриш қилдилар. Жиззахни мудофаа қилиш учун ўн икки минг аскар бир неча лашкарбоши амирлар бошчилигида Самарқандга юборилди. Ҳамма саркардалар бир-бирларига муҳолиф эдики, агар бири дам берса, бошқаси юриш қилар, агар бирининг оти лойга ботиб қолса, ҳеч қайсиси ёрдам бермас эди. Улар орасида мунтазам аскарлар ҳам бор эди, қўмондонлари афғонлардан бўлиб, тартибли жанг қилиш таълимини олган, катта маъракаларда иштирок этган эдилар.

Ҳамма Жиззах қалъасига йиғилди. Мунтазам аскарлар саркардалари “ҳаммамиз шаҳар ичида бўлишимиз дуруст эмас, ҳисор ташқарисига чиқиб жанг қилганимиз маъқул”, деб маслаҳат бердилар. Лекин амирнинг ғуломлари бўлмиш бош саркардаларнинг қулоғига бу гаплар етиб бормади. Барчалари аёллар йиғинида бўлганидек шовқин солиб бир-бирларининг гапини эшитмас эди. Иш шунга бориб етдики, мунтазам аскарлардан иборат афғон жамоаси рус аскарлари билан жангу жадал қилиб, шаҳид бўлдилар, қолган аҳмоқлар шаҳар дарвозасини тупроқ билан тўлдириб ташлаб, бу билан ўзларининг халос бўлиш йўларини тўсиб, ўлимларига катта йўл очдилар. Умаро⁵⁶ ва аскарлар қуршовда қолди.

Шу аснода руслар қалъага кириб, ярим соат ичида деворни тўпу тўфанг воситасида ер билан яксон қилдилар. Юзга яқин аскар қалъа ичига кириб, олдидан ким чиқса,

⁵⁶ Амирлар, лашкарбошилар.

отар эди. Газоватчиларни отиб, ўлдириб, ўзлари тупроқ билан ёпган дарвозахона томон ҳайдаб келтиришди. Ҳаммалари душман ўқи тегмасин деб бошларини бир-бирларининг орқасига яширишар, душманга орқаларини ўгириб ўтирар эдилар. Икки-уч минг орқасини ўгириб турган ғозийлар ортида уч-тўрт рус аскарлари бўлиб, уларга ўқ отардилар ва ҳар ўқ олтитасини тешиб ўтиб еттинчисининг орқасида тикилиб қоларди. Ғозийлар тўп-тўп бўлиб ерга ағдарилар, орқага қарашга журъат қила олмас эдиларки, зеро улар “орқамиздан бир неча минг рус аскарлари келаяпти” деб гумон қилар эдилар. Шу тахлит нажасга ботиб жаҳаннамга равона бўлар эдилар. “Эй, кофирлар, бу чекинаётган ҳаромиларни ўлдиришлар” деган нидолар ҳамма жойдан эшитиларди. Шу орада айримлари дарвозадан ошиб, ўзларини ерга ташладилар. Қўл-оёқлари мажруҳ бўлиб, йиқилиб-туртиниб Самарқандга етдилар ва авлодлар эшитсин, ибрат бўлсин деб уларни бу даҳшатли воқеалардан хабардор этдилар.

Руслар Жиззахни эгаллагандан кейин амир Самарқандда ортиқ туришни хоҳламади ва Бухоро томон отланди. Уламолар ҳақиқий аҳволдан хабарсиз *муллалар*⁵⁷ ва авом одамларнинг кўпини Самарқандга йиғдилар. Амир томонидан Самарқандга ҳоким қилиб қолдирилган Шерали Иноқ эса “шуларнинг шумлиги, ифвоси билан қанча жанг, фитналар содир бўлди, бу муллалар қатл қилинмаса, омма тинчимайди” деб йиғилганларни қатл қилишга буюрди. “Аслида, ғазот суннийларни ўлдиришдан иборат, шунда биз тинч бўламиз”, деди. Ўз амалларининг хатоси бўлмиш фармонни бир тўда мусулмонларнинг қони билан безадилар. Самарқанд фуқаролари бу бедодликни Шералидан кўриб, бутун аҳоли, мусулмон талабалари, эркагу аёл Самарқанд гарнизони аскарларига қарши кўтарилдиларки, кўчаларда одамлар қони оқа бошлади. Бу хабар дам-

⁵⁷ Бу ерда “зиёлилар” маъносида.

бадам душман қулоғига бориб етарди ва улар “қаерда ўлдирилмасин, бу бизнинг фойдамизга” дер эдилар. Ўшанда Самарқандда бўлган бухоролик айрим саркардалар енгил ваъдалар билан бу фитнани тинчлантириш йўлини топдилар.

Ҳеч ким ҳеч замон бу мамлакатда бўлганидек тартиб-сизликни кўрмаган.

Ҳайрон қоларлиси шунда эдики, бирон кишининг ҳаёлига бирон яхши фикр келса, уни ҳеч кимга маъқуллата олмас эди.

Ажабланарли яна бир воқеа. Шу аскарлар қўлида рус зодагонларидан бўлмиш бир асир бор эди. Ҳар сафар ким билан учрашмасин, давлат тинчлигини манфаати йўлида маслаҳат қилиб айтарди. “Агар сизлар истасангиз, шу ердан туриб ҳам ўртада келишувга эриштираман”. Дарё ёқасида уруш кетаётганда: “Мен ваъда бераман, руслар дарёдан ўтмайди, дарёнинг бу томони сизларники бўлиб қолади. Жиззах учун жанг вақтида эса мен Жиззахнинг бу ёғидаги ерлар сизларга қолишига эришаман”, дерди. Ҳеч ким бу гапларни қабул қилмас ва амирга ҳам айта олмас эди. Яна у айтарди: “Сизлар мени озод қилиб бир одамни қўшиб юборинглар, мен сизларнинг ишларингизни тўғрилай, сизлар русларга қарши уруша олмайсизлар”, дер эди. Олдида унинг гапини маъқуллар эдилар, аммо ундан узоқлашгач ўз ишлари билан банд бўлар, амирга ҳам етказмас эдилар.

Охир-оқибат, рус қўшинлари Самарқанд устига юриш қилди. Амир саркардалари “Самарқанд ери нотекис, русларни бу ерда осонгина тутиб оламиз, биронтаси тирик кетмайди, улар бу мавзенинг паст-баландлигини билмайди, биз уларни ўраб олиб, жаҳаннамга юборамиз”, деб ўйлар эди.

⁵⁸ Зарафшон дарёси.

Руслар Самарқанд дарёси⁵⁸ ёқасига келганда тўп-
римизнинг баъзилари Чўпонота қирга чиқарилган эди.
Тўпдан икки-уч марта отилди, бироқ ўқ-доримиз олов ол-
мади. Руслар сочма ўқ отиб, қийинчиликсиз шаҳарга кир-
ди ва Кўктош⁵⁹ни эгаллади. Ҳамма хаёлпарастлар ўша
замон Бухорога қадар қочиб борди. Шу тариқа, чору но-
чор сулҳга рози бўлдилар. Асиримиздаги рус зодагонини
текинга озод қилишди, амир русларга бир юз етмиш минг
динор қизил олтин беришга мажбур бўлди. Бухоро ери
Самарқанддан чегара чизиги билан ажратилди. Жони-
мизга омонлик тилаб:

Доно қилган ишни нодон ҳам қилади,

Лекин бунга кўп шарманда бўлиб эришади.

Русларга қилинган ҳарбий харажатларни қоплаш ва
биз томон ҳужумларни тўхтатиш учун яна шунча миқ-
дорда товон тўладик, итоат интизомини бажарамиз деб
ушбу маблағ билан Бухоро шаҳзодасини элчилар билан
бирга рус императори пойтахтига юбордик.))

Ажабланарлиси, Самарқандни рус давлатига қўшиб
олиш олдидан рус аскарларининг қўмондони “агар Бу-
хоро подшоҳи маълум шарт ва аҳд билан ўғилларининг
биронтасини юборса, биз бу ердан, яъни Жиззах атрофи-
дан қайтамиз. Шу тариқа, ўртамизда дўстлик ва садоқат
устувор бўларди” мазмунидаги хатлар юборган эди. Бу
таклиф саркардаларга ёқмади, амирга ҳам маълум қилин-
мади. Самарқанддаги ғалаёндан кейин уларнинг зимма-
сига ҳам товон тўлаш мажбурияти қўйилди. Иложсиз
итоат қилишни ўз зиммаларига олдилар.

Ҳукамо⁶⁰лар бир ҳикоя келтирадилар. Унингча, бир
ҳоким золим амалдорини қийноқ исканжасига олиб бую-
ради: “Қуйидаги уч жазодан бирини танлашинг мумкин:

⁵⁹ Ҳозирги Тепакўрғон.

⁶⁰ Донолар.

Бири, уч юз динор жарима тўлаш, иккинчиси, уч юз таёқ ейиш, учинчиси, бир товоқ одам нажосатини емоқлик”. Жаллодлар, миршаббоши ёрдамчилари бир қучоқ таёқ ва бир товоқ иссиқ нажосат келтириб, дедилар: “Сен уч жазодан бирини танлашинг мумкин”. Товоқни бўшатиш осон деб икки луқма олувди томоғидан ўтмади. У: “таёқлар яхшироқ”, деди. Унинг орқаси, биқинига эллик марта урдилар, фарёд қилиб бақриб: “Зар бераман, зар бериш менга осонроқ”, деди. Бефаҳмлигидан бечора ҳар уч жазонинг қурбонига айланди.

...Бухоро амирзодасининг рус давлатига элчи сифатида сулҳ тузиш учун расмий сафарига шу сатрлар муаллифи ҳам дахлдор эди. Ҳамроҳ бўлиб бордим, кўп ажойиботларни кўрдим, сафар хотиралари бу қўлёзмадан йироқ бўлса-да, катта фойда келтиради, ажабланишга сабаб бўлади ва бу ёзувлар мазмунини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Нимани кўрган, эшитган бўлсам, қисқача баён қиламан.

Кеш⁶¹ ва унинг ёнидаги вилоятлар амир Насрулло қўлига ўтиб, кенагас қабила бошлиқлари газабга учрагандан кейин Россия пойтахтига элчилар юбориш зарурати пайдо бўлди. Бундан бир оз илгарироқ императорнинг отаси Николай Қрим урушида Истанбул ва Фаранг (Европа) давлатларидан катта шикаст топди. Ўлимга олиб келувчи миқдорда заҳар ичиб, бу дунёдан халос бўлди. Унинг ўрнига Александр ўтирди. У етти йил давомида Истанбул давлатига ҳарбий товон тўлаш, ҳар қандай ҳарбий ҳаракатларни йигирма йилга тўхтатиш мажбуриятини олди ва давлат тузуми асосларини янгилаш билан машғул бўлди (1861 йил крепостной ҳуқуқнинг бекор қилиниши назарда тутилмоқда—муҳаррир). Тахтга ўтирган янги рус императорини табриклаш, унга машҳур ғалаба-

⁶¹ Ҳозирги Шаҳрисабз.

мизни (Кеш остонасида кенагаслар устидан — Й.Қ.) етказиш, икки давлат ўртасида дўстлик ришталарини муштаҳкамлаш зарурати элчилар юборишни тақозо қилар ва бу фуқарою аскарларни тинчлантирар эди.

Ушбу сатрлар муаллифи ҳам элчилар сафига киритилган ва сафар иштирокчиси эди. Сабаби шу эдики, мен бу давлатда бўлганим, маълум вазифани бажарганим учун амир “сен у ерлардаги ички вазият ва давлатлари аҳволини яхши ўрган, бу ҳақда олий даргоҳга етказасан. Ҳар бир мамлакатнинг ташқи аҳволини эса савдогарлардан ёки сайёҳлардан билиб оламиз”, деб менга тайинлаб топшириқ берди.

Амирзода сафарига зарур йўл анжомлари ва воситаларни тайёрлаш Муҳаммадшоҳ Қушбеги назоратида эди. Амир шаҳарда эмас эди. У баъзи қалъаларни кўриш учун отланган эди. Қушбеги амирга “шаҳзоданинг сафар анжомлари тайёр, лекин жамоанинг хат-хабарларига мутасадди бўладиган бир имом ва мирзо керакки, бу олий ҳазратларининг амрига боғлиқ” деб арз қилди. Амир “Фалончи Россияга сафар қилган эди, у йўл ва у ердаги манзилларни билади, ўша мирзо ва имом бўлсин” деб ёзиб юборди.

Тартиб бўлмаганидан сипоҳ ишлари билан машғул бўлиш, ҳокимлар хизматини бажариш мен учун самарасиз ва офир кўринарди. Сафарга таклиф қилинган бўлсамда, ўзимни орқага тортиб, мадрасада тинчгина қотган нонга қаноат қилиб яшай бошладим.

Қотган нону эски тўнга қаноат қилардим,

Халқ миннатида оғир меҳнатни афзал билардим.

Кечки томон вазирдан одам келиб, мени вазирилик маҳкамасига таклиф қилди. Бордим. Қушбеги деди: “Эрталаб амирзода шаҳардан чиқади, сен ўз тайёргарлигингни кўр, ҳамроҳ бўлиб кетасан”. Дедим: “Мен бу вақт ичида қандай қилиб сафарга тайёрлана оламан?!” У жавоб берди: “Сенинг харажатларинг тўғрисида амирга арз

қилдим, ҳеч нима демадилар”. Эртаси куни ҳузурига чорлаб деди: “От топиш тараддудини кўр, тезроқ бор, амирзода эрталаб йўлга чиққан, етиб оларсан.” Мен султон отларидан беришини сўрадим. У юзини қўпол буриштириб: “Бу ерда ортиқча от йўқ”, деди. Шу вақт назорат девони котиби ишора қилиб ташқарига чақирди ва эгар-жабдуғи бўлмаган султон отларидан бирини кўрсатди. Шундай қилиб, отга миниб, амирзода орқасидан боравердим. Бу сафарда хизматкорлардан ташқари қирқ одам бор эди: ўнтаси ясовул, қушбегининг ўнта мулозими ва ўнта савдогар. Амалдорларнинг маоши уч юз танга, ясовулларники юз танга, бошқаларники элик танга ва кийимбош. Мендек котиб ва имомнинг маоши дуои фотиҳадан иборат.

Фаройиб ишлар! Вазир бўлатуриб арзу жавобларга юз ёки уч юз танга бера олмаса, эшак бўлиши керак. У ўзи томонидан тўн ҳам бера олмас, динор ва дирҳам ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Энг ажабланарлиси, мени бу жамоада ҳеч ким танимасди. Ҳар қайсиси: “Мулла, қаерга бораёпсиз, кимда ишингиз бор?” деб сўрайверарди. Мен таажжубланиб кулар эдим-да, ҳеч нима демас, баъзан: “Сизларга ҳамроҳман”, дердим. Бу ҳол мени билган баъзи савдогарлар бизга қўшилгунига қадар давом этди. Қисқаси шу бўлдики, савдогарлар менинг отим ва аслаҳаларимни тартибга солдилар ва ўз ходимларига ундан хабардор бўлишни буюрдилар.

Уларнинг келгани ҳеч кимни қизиқтирмас эди. Савдогарлар ҳам амирзоданинг йўл ҳамроҳлари бўлса керак дер эдилар. Амирзода ёшлиги туфайли орқасидан келаётган жамоага эътибор ҳам бермас эди. У қаерга бораётганини, қаерга олиб борилаётганини билмасди. Сафар раяси бир қурумсоқ қария бўлиб, наша туфайли томоғи қуриган, ўзи билан ўзи овора, кўчанинг бир томонидан кетарди. Ҳатто ўзини бу одамларга даҳлдор эмасдек тутарди.

Агар кимдир бирор нарса сўраса, у: “Бор, тўрага арз қил!” дерди ва агар амирзода олдига борса: “Бобом билади, унинг олдига бор”, дерди.

Шу расвогарчиликда Самарқандга етиб келдик. Бухоро ва Самарқанд амалдорлари ва йўл нозирлари қаерга етиб келсак, қўнсак, обу таом қўяр, ҳадялар қилар эди. Амирзоданинг амакиси йўл халтасига ҳар хил молу матоларни тикарди. Ейиш-ичишга келганда эса кимки чаққонроқ бўлса чивиндек ўзини товоққа урар, бармоқларини булғашга ҳам улгурар эди. Қолганларини йўловчилар ва элчихона амалдорларининг хизматкорлари масриф⁶² қиларди.

Кеч кирганда ҳамроҳларнинг кўпчилиги оч, отлари емсиз қоларди; нону таом ва бекат отлари барчаси талон-тарож бўлар эди. Шундай йўл юришимизга намозу хатга эҳтиёж бўлмагани учун мирзаю имомга зарурат йўқ эди. Ким хоҳласа, таҳорат қилиб намоз ўқир, яна кимдир таҳоратсиз бурчакда ўқир эди. Бироқ Самарқандда икки-уч кун меҳмон бўлишимиз сабабли, руслар бепарволигимизни кўриб, таъна қилмасинлар, деб умумий намоз ўқиш зарурати пайдо бўлган эди.

Ушанда элчилар бошлиғи қушбегидан шикоят қилиб: “Бизга имом ва мирза тайинланмаганини давлатхонага арз қилсак. Амир жанобларига Самарқанд ҳокимларининг ишлари ҳақида маълум қилайлик”, деди. Савдогарлар жамоаси мени кўрсатиб: “Гилам четида ўтирган Фалончи сизларнинг имом ва мирзоларинг бўлади”, деди. Шу вақтнинг ўзида мени чақириб, доимий ўтириш жойимни аниқ қилдилар. Чунки “маъмурият одами ҳамроҳларимизда нимани кўрса, ёзишга буюрилган”, деб қўрқар эдилар.

⁶² Сарфлаш, харжлаш. Бу ерда “ейиш, еб тугатиш” маъносида.

Шу аснода каттаю кичик рус аскарлари бошлиғи берган отлар, от еми, таомлар устида жанжаллашар эди. Бирон кишига инъом қилиш лозим бўлса, тўра элчига, элчи эса тўрага ҳавола қиларди. Бордию, совға сифатида бирон нарса олиб келсалар, элчи “мен учун олиб келганлар” деса, тўра “мен учун” дерди. Кимга тегмасин, бошқаси “нега менга тегмади?” деб ғавғо кўтарар, низо қиларди. Шу масхаралиқда Тошкентга келдик. Губернатор билан учрашгандан кейин элчи махсус киши орқали оту амир ҳадяларини жўнатди. Руслардан бўлган у жойнинг ҳоқими отни жиловлаб, борган кишига йигирма беш танга инъом қилди. Элчи билан соиз (*сайис, отбоқар*)⁶³ ўртасида ўша йигирма беш танга учун бир кечаю кундуз тортишув бўлди. Элчи “Мен сени ҳар ойга ўн танга бериш эвазига олиб келганман. Бундан ортиқ олишга ҳаққинг йўқ, йигирма беш танга менинг ҳаққим деса, соиз ўзиники эканлигини таъкидларди. Охири, бу иш Россия судида кўрилди, суд тангани элчидан олиб, соизга берди.

Тошкентдан рус пойтахтига отланганимизда хазонрезги вақти-куз бошланди. Мен элчига: “Биз Россия пойтахтига қишнинг энг совуқ вақтида, чиллада етиб борамиз. Фараз қилайлик, рисоладагидек қабулдан кейин кетишга рухсат берилса, кўнманг, баҳоргача қолинг. Сиз кекса қариясиз, тўра эса ёш. Бу мамлакатда энг совуқ кунлар шу вақтга тўғри келади, бирон нарса бўлишидан Аллоҳнинг ўзи асрасин”, дедим. У: “Албатта, маслаҳатингиз маъкул”, деб қабул қилди.

Элчи ойнинг бошида нома ва ёрлиқни топшириб ўша заҳоти подшоҳдан қайтиш рухсатини сўради. Биз қайтишда йўлда яна элчи билан ёнма-ён келардик.

Мен (огоҳлантирган ҳолда): “Сиз сафаротда рус ҳоқимларига нима деган, нима қилган бўлсангиз, аксар ҳолларда

⁶³ Отнинг жиловидан ушлаб юривчи шахс, жиловдор.

таъсирли бўлмади — бекор кетди. Бундан кейин подшоҳ, вазир билан икки учрашув бор, икки-уч маъноли, тартибли сўз даркор”, деб Россия подшоси мажлисида, вазирлар суҳбатида бўлганим учун, рус подшоси ҳузуридаги қабул тартибини ва вазир билан суҳбатимни баён қилиб бердим. Қай йўсинда савол бериш ва улар билан қандай суҳбат олиб боришни тушунтирдим. “Шунча сўз хотиримда турмайди, ёзиб берсанг эсимда қолади”, деди. Мен баъзи бир саволларни асосли ва қисқа жавоблар билан ёзиб бердим. Уни кеча-кундуз грамматика қоидаларини ўрганаётгандек такрорлар эди. Подшоҳ қабулида бўлганда эса шундай сўзларни айтдики, на менинг айтганимга ва на таржимоннинг талқинига мувофиқ келарди.

Рус пойтахтига келганимизда бизни ҳурмат ва эҳтиром билан кутиб олдилар. Подшо шаҳарда бўлмай, шаҳар атрофига сайилга чиққан экан. Донишманд бир эроний бизларга таржимон қилиб бириктирилган эди. Подшонинг қайтиши яқинлашганда элчи таржимонга: “Менга қабул маросими одоби, гапириш қоидаларини яхшилаб тушунтир, подшога нима дейишни айт”, деди. У мен ёзиб берган гапларни такрорлади. “Ёзиб бер, бунча сўз хотирамда турмайди”, деди элчи. Таржимон мени чақирди: “Бу ҳазаф (аҳмоқ) мендан нима истайди?” “Бу гапларнинг ҳаммаси ёзилган, тайёр. Янада эслаб қолиш учун сенинг тилингдан ҳам эшитмоқчи”, дедим. Таржимон ҳам икки-уч калима ёзиб бериб: “Биринчи учрашувда подшога дўстлик, биродарлик, муҳаббат ҳақида гапирилади. Бундан бошқа гаплар бўлмайди”, деди. “Агар мен ерларимиз ҳақида гапирсам, қандай бўлади?” деди. “Зинҳор бунга журъат қилмагинки, агар подшо шу бобда бирор гап айтса, кейин уни зиёду кам қилиб бўлмайди. Бу ерда мулк вазири бор, мамлакатинг ҳақида гапирмоқчи бўлсанг, сенга истаганингча жавоб беради. Сенинг мамлакатинг масаласи ҳақида вазирлар маслаҳатлашишди; уларнинг фик-

рича турк подшоларидан бирортаси бизга итоат этган эмас. Мана энди Бухородан итоат интизомини бажариш учун Бухоро шаҳзодаси келибди. Шунинг учун, биз шундай иш қилишимиз керакки, бошқа давлатларга маъқул тушсин, яъни олган вилоятларимизни ортиғи билан қайтаришимиз лозим деган гап бўлган эди”, деди таржимон. Элчи бошини тебратиб: “Шундай қиламан”, деди.

Элчи подшо суҳбатига амирзода қўлидан тутиб кирди, муқаддимасиз ҳа йўқ, бе йўқ бирдан: “Амир ҳазратлари ўз нури дийдаларини император ҳазрати олийлари эгаллаган вилоятлар — Тошкент, Самарқанд ва Жиззахни қайтариб беради деган умид билан юбордилар”, деди. Подшоҳ таржимондан: “Нима деяпти?” деб сўради. У элчи айтганини рус тилига таржима қилди. Подшоҳ қўл силтаб, депсиниб: “У вилоятлар Тошкент губернатори ихтиёрида, ундан сўраш керак”, деди. Сўнгра подшоҳ элчидан юз ўгириб амирзода қўлидан тутиб у билан яхши сўрашди. Сарой хоналарини тамоша қилишни таклиф қилди ва бошқарувчига: “Тўранинг зерикишига йўл қўйманглар, ғамгин бўлмаслиги учун турли томошагоҳлар, корхоналарни кўрсатинглар”, деди. Кейин биз мажлисдан чиқишга ижозат олдик. Таржимон элчидан жуда жаҳли чиқиб: “Мен нимани тайинлаган эдим сен нима дединг? Уларни таржима қилишга ожиз бўлдим, аммо ноиложликдан таржима қилдим. Амирзоданинг меҳнатини зое кетказдинг, энди мулк ҳақида губернатордан бошқа киши билан сўзлаша олмайсан”, деди.

Шу сабабдан, элчи қаттиқ хафа бўлиб, бу мамлакатнинг диққатга сазовор жойларини кўришни ҳам истамай қайтишга рухсат сўради. Таржимон унга деди: “Шошила, баҳоргача тур. Амирзода бу ерлардаги ажойиботларни яхшироқ томоша қилсин. Биз сенинг номанг жавобига хат тайёрлайлик. Бу эса секинлик билан қилинади. У турли маҳкама ва назоратхоналардан ўтади. Машваратлар бўлади. Номани тайёрлашга камида бир ой вақт кетади.

Сенинг ҳадяларингга муқобил дурустроқ ҳадялар тайёрланади”. У рози бўлмади. Ўз сўзида қаттиқ туриб олди. Жади ойининг бошида кетишга рухсат олинди. Мен унга: “Бирон фойдали иш қилмадинг. Одамлар ва ўзингни совуққа ва ўлимга маҳкум этаяпсан”, дедим.

У эса: “Яратган парвардигор меҳрибон ва У бизни ҳимоя қилади”, деди.

Мен: “Агар подшо кимнидир отишга ҳукм қилса, ақлли одам “Мени Аллоҳ асрайди” деб тир билан нишонга олинганнинг орасидан ўтмайди. Ўтса, унинг нишонига айланади. Совуқ, қор, дўл худди ўққа ўхшайди. Уларнинг ўзлари йиғилади ва пастга қараб ўқдек ёғилади. Ҳамал ойида сустлашади. Қор ёғиши ғаллани сақлаб қолиш учун бўлса, эриши илдиэларнинг ёйилиши, уруғларнинг униб чиқиши, шудгор қилиш, ерни текислаш учун керак. Аллоҳ таоло бу миясиз аҳмоқ йўлга чиқди, деб ер ишларини тўхтатиб қўймайди. Совуқ фаслни иссиққа алмаштирмайди. Шу сабабли, ёзнинг жазира иссиғида ва қаҳратон қиш чиласида сафар қилиш ўта кетган аҳмоқликдир. Бунга нодонлардан бошқа ҳеч ким журъат қила олмайди”, дедим.

Ҳақиқатан, куз шамоли, хазоннинг тўкилиши қиш аломатларидан бўлиб, “эй, ерда яшовчилар, совуқдан ҳимоя қилиш асбобларини тайёрлаб қўйинглар. Эй, ваҳший ҳайвонлар, даштдан ғорларга киришглар. Эй, ҳашаротлар, ер остига киришглар. Бизнинг ер устида амалий ишларимиз бор. Сизларга зарар ва офат келмасин”, деяётгандек эди.

Фақат нодонгина бу хитобларни эшитмайди ва шу пайтда уйдан чиқади.

Ҳақиқатан, йўлда элчининг бурни музлаб, кўзага ўхшаб қолди. Мен: “Ғам ема, Аллоҳнинг ўзи меҳрибон”, дедим.

Дўстларимиздан кўпчилигининг оёқ-қўл панжаларини совуқ урди. Биз бир ярим ой Россиянинг йўл устидаги шаҳарларидан бирида яшашга мажбур бўлдик. Баҳор келгунча қўл, оёғимизни даволадик. Ёйиш-ичишимиз Бухоро

савдогарлари бўйнига юкланди. Ҳар қайсилари чор-ночор, у-бу олиб келар эди. Агар элчи нодон бўлмаганида эди, пойтахтда қолиб яшардик. Унинг ўзининг, ҳамроҳларининг барча сарф-харажатлари давлат ҳисобидан амалга ошар эди. Унинг мақсади Бухорога тезроқ етиб олиш, йўлда қолиб кетмаслик эди. Хуллас, у аҳмоқлигидан дўстона маслаҳатга қулоқ солмади.

Бошқа бир воқеа: биз Россия пойтахтидан кетганимиздан кейин Бухоро амири ўзининг тобе бўлганини билдириш учун ўз ўғлини юборди, деб эълон қилинибди. Фаранглар (французлар-муҳаррир) бунга ишонмай, бу хабарни аниқлаш учун бир шахсни чопар сифатида юборибди.

Бир кун таржимон тилни яхши биладиган бир фарангни элчихонага олиб келиб, деди: “Жаноблари, Фарангистондан келдилар. Сизни кўришни истайди”. Форс тилидан яхши хабардор бўлган бу фаранг Румга борган Бухоро элчиси ҳақида ҳикоя қилиб, деди: “Уч кун менинг уйимда яшади. Лекин нодон киши экан. Қизифи шундаки, сизларнинг одамларингиз сўзларига кўра, у Бухоро Бу Али (Ибн Сино)си сифатида ном чиқарган экан”.

Кейин элчига мурожаат қилиб: “Император — буюк подшоҳ. Сулҳ, осойишталикка келишиб, яхши иш қилиб-сизлар. Тўғри йўл танлабсизлар. Мактуб ва нома алмашинуви учун йўл очибсизлар. Энди шундай қилсаларинг, элик, юз йилга тинчлик шартномаси тузсаларинг, яхши иш бўлар эди. Халқнинг осойишталиги шунга боғлиқ”, деди.

Элчи жавоб бериб: “Султонлар ўртасида уруш ва душманлик барига қаноат қилмасликдан бошланади. Дастлаб фалон ерлар, фалон макон бизларники эди. Амир Насрулло афғон амири Дўстмуҳаммадга бу ерларни яйлов учун берди. У қочқин сифатида эди. Алҳол, улар сенинг қўлингда. Фалон ерлар, фалон жойлар ҳам бизники эди, ҳозир эса император давлати ихтиёрида. Агар

бу вилоятлар қайтарилса, ҳар ким ўз ери билан қаноатлан-
са, ҳеч қандай фитна ва хусумат бўлмас эди. Агар мақсад
тинчлик бўлса, сен ҳам у вилоятларни қайтариб бер. Им-
ператор ҳам қайтариб берсин. Бизлар орқага қайтамиз”,
деди.

Фаранг бу сўзлардан жуда ҳайрон бўлиб, таржимон-
дан рус тилида сўради: “Бу одам нима деяпти? Менинг
саволимга жавоб бермасдан аксини гапираяпти. Аслида,
бу гапларни биз айтишимиз керак, у эмас”. Таржимон жа-
воб берди: “У аҳмоқ ва қўпол одам. Калласига нима келса,
шуни гапираверади”.

Хорижлик: “Ўта нодон одам экан. Унга калтакни
беришлари номаълуму бутун иқлимга эга бўлмоқчи!” Кейин,
у элчидан сўради: “Сизлар пахтани қачон экасишлар ва
неча марта суғорасишлар? Агар амирқон ғўза нави керак
бўлса, уруғини берамиз. Экинлар, яхши нав.”

Элчи: “Пилла керакми?” деб сўради. Шунда мен: “Сўз
пилла ҳақида кетмаяпти, деб тушунтирдим. Элчи: Сафар
чоғи Сирдарё лабига келганимизда минг қанор пахта
олиб келганларини кўрдик. Агар йўллар очиқ бўлса, сав-
догарлар бундан ҳам кўпроқ пахта келтиришлари мум-
кин”, деди. Фаранг кулиб ўрнидан турди ва хайрлашди.

Ҳақиқатан, ўша мавридда элчи маъноли гапирганда эди
подшонинг ўзи биздан кетган баъзи вилоятларни қайта-
риб бериш ҳақида фармон берган бўларди. Агар жимгина
ўтирганда ҳам, амирзоданинг ташрифи муносабати билан
вазирларнинг ўзи баъзи вилоятларни қайтаришни рад қилмас
эдилар. Ёхуд, ҳеч бўлмаганда, биз билан Рус давлати ўрта-
сида юз йил мобайнида низо ва урушмаслик бўйича имзо
чекилган, муҳрланган аҳднома қўлга киритилган бўлар эди.
Албатта, бу бизнинг халқимизни бу йил уруш бўладими
йўқми деган хавотирдан халос қилар эди.

Хуллас, шундай аянчли аҳволда Тошкентга қайтиб
келдик. Амирзода “Тошкент губернатори вилоятларни

қайтариб берар”, деган умидда эди. У эса унга бир ҳовуч ёнғоқ ва писта бериб, хайрлашди. Бухорога келдик. Амир ҳам баъзи бир вилоятларнинг қайтарилишига умид қилар эди. Амир қуп-қуруқ қўл билан келганимизни кўриб, буни ўзининг эҳтиётсизлиги ва элчининг нодонлигидан деб билди ва мендан сўради: “Элчининг касофати сизларга ҳам тегибди-да?” Мен: “Элчи давлат манфаатларига қарши атайин бирон иш қилгани йўқ. Лекин нима қилган, нима деган бўлса, ўз ўрнида эмас эди. Бу бобда у гуноҳкор ҳам эмас. Бунинг жавобгарлиги авваламбор шундай одамларга мансаб ва амал берган давлат зиммасида. Унинг ҳоли худди қоровул маймунга ўхшайди”, дедим.

“У қандай бўлган эди?” деб сўради амир.

Мен ҳикоя қилдим: “Боғбон маймунни кўнглига яқин олиб, ўзига яқин дўст билди. Бир куни боғ саҳнида дам олаётиб, ухлаб қолди. Маймун елпигич олиб, пашша кўрирди. Елпигични ҳар қанча елпиб уни пашшалардан ҳимоя қилмасин, пашшалар боғбоннинг бурни, кўзига ўтираверарди. Маймуннинг жаҳли чиқиб, узум тортиш учун мўлжалланган ўн сир⁶⁴ келадиган тошни пашшаларга отди. Зарба туфайли боғбоннинг боши ёрилиб, мияси оқиб тушди. Бу ўз хонадони ва ҳаёти ишларига номуносибни масъул қилиб олганлиги жазоси эди”.

Амир: “Қушбеги шундай муҳим ишга уни қўйган бўлса, мен нима қилай?!”,- деди. Мен: “Қушбеги ундан ҳам аҳмоқроқ”, демасдан индамай қўя қолдим.

Бир куни император вазирларидан бирининг қабулида бўлганимда вазир мендан сўраб қолди:

— Бухоро вазири Муҳаммадшоҳ қушбегини яхши одам деб эшитаман. Лекин саводсиз экан, у қандай қилиб вазорат ишини бошқаради?

— У ёшлигидан кўп хизмат қилиб, амир орқасидан югуриб, кадрдон бўлиб қолганлигидан вазирликка эришди, — дедим.

⁶⁴ Тахминан 3,5 кг.

— Мен уни дорга осинглар, турмага ташланглар, ўлдинглар демаяпман, ammo вазир ақл ва қалам эгаси бўлсагина давлат ишларини бошқара олади. Вазирнинг зийраклиги подшонинг зийраклигига яқин бўлиши, подшо сирларини сақлай оладиган бўлиши керак. Агар вазир қалам соҳиби бўлмаса, давлат сирларини дабир⁶⁵га ишонishi керак. Дабир эса вазирдек хушёр бўла олмайди. У сирни фош қилиб қўйиши мумкин.

— Бизнинг мамлакатимизда давлат сирлари унчалик ҳам кўп эмас, чунки тинч-осойишталикда яшаймиз. Бизда кўпроқ кундалик ҳаёт сирлари бор. Улар эса катта зарар келтирмайди.

— Сир сақлаш инсонийлик, мардлик рамзидир. Подшонинг яширин гуноҳу айбларини ҳеч ким билмаслиги керак. Шу услубнинг султонларга нисбатан қўлланиши — шариат кўрсатмасидир.

Вазиримизнинг беақллиги яна шунда маълум бўлдики, бир куни бир неча россиялик бошлиқлар томоша қилиш учун Бухорога келган эди. Уларни ҳеч қандай сабабсиз ҳибсга олиб, мулкларини мусодара, талон-тарож қилдилар ва кейинчалик арзимас баҳона билан қўйиб юбордилар. Ҳақиқатан, яхшироқ эътибор бериб қаралса, бу салтанатда рўй бераётган барча тугёнлар, исёнлар, бу ердаги барча нуқсонлар вазирнинг калтафаҳмлиги, бўшлиги, сустлиги, ақлсизлигидан эканлиги намоён бўлади.

Давлатнинг шу ҳолатга тушгани ва таназзулининг чуқур сабаби бор. Унинг сабабчиси Муҳаммадшоҳ қушбеги эди. Агар унда озгина ақл бўлса эди, вазирликни бошқаришни зиммасига олмас ёки тарихдан вазоратни қандай бошқариш кераклигини билиб олар ва “мен бу вазифани бажара оламанми, йўқми?” деб ўзидан сўрар эди. Чунки ақлли одамлар инсонларга хизмат қила олишига имони комил бўлмаса, мансабга интилмайди. Ўз

⁶⁵ Орқадаги. Бу ерда “котиб” маъносида.

жонини асраш учун ҳеч бир ақлли киши лашкарбошилик ва вазирлик вазифасини зиммасига олмайди. Чунки бу дунёю у дунё офатлари улар билан боғлиқ. Агар ҳукмраволик лаззат бўлса, бу лаззат одамлар манфаатини назарда тутиши керак. Бахт қоринни тўлдириш, бўшатиш, ибодат қилишдан иборат эмас. Аслида бундай шахс одам суратидаги ахлат кўтариб юрувчидир. Шундай экан, қўрққанидан подшога тўғри сўзни айтолмас экан, қандай қилиб вазорат ишларини бошқара олади?! Агар унга эркинлик ва ҳокимиятни ўз ихтиёрича бошқаришга йўл бермасалар, у султоннинг ғазабини андиша қилмасдан дарҳол вазирлик юмушидан воз кечиши керак.

Ҳорун ар-Рашид амирларидан бирига Мисрни бошқаришни буюради. У шахс рози бўлмайди. Ҳорун ғазабланиб: “Одамлар воситачилар орқали мендан ўзларини Мисрга ҳоким этиб тайинлашимни сўрайдилар. Мен сени ўзим таклиф этсам ҳам, қабул қилмаяпсан?”, деди.

“Мен бир неча сабабларга қўра бу мансабга лойиқ эмасман: 1. Ахлоқийлик устидан назорат қилиш керак, буни эса қилиб бўлмайди. Чунки Аллоҳ бу шаҳарни бузуқлик шаҳри деб атаган. Фақат менинг ҳукмим билан бу ердан фисқу фасод йўқолмайди. 2. Мен паришонхотирман. Бунда мени ҳеч қачон кечирмайсан. Ҳатто раҳмдил ва жазоловчи Аллоҳ имон юкини еру кўкка топширди — қабул қилмади. Шунга қарамай, уларга жазо буюрмади”. Ҳорунга бу жавоб маъқул тушди ва кечирди.

Кунлардан бир куни шундай воқеа юз берган эди. Бир неча рус ва фаранглар савдогарлар ниқоби остида Бухорога келиб карвонсаройда тўхтайдилар. Рус вилоятларида бўлган Бухоро савдогарлари “беш-олти нафар рус ва фаранглар Бухорога борадилар. Улар жосус бўлишлари мумкин, уларни ахтариб, тезлик билан топиш керак”, деб хат ёзиб юборадилар. Қушбеги одам юбориб, уларни қамайди. Молларини мусодара қилиб, хазинага топширишни буюра-

ди. Маҳбуслар Арк турмасидан яҳудийлар ёрдамида Россияга “биз Бухоро амири қамоқхонасидамиз. Сабабини билмаймиз. Бизни талаб қилинглар” мазмунида хат ёзадилар. Маҳбуслардан бири подшо хотинининг укаси бўлиб, тижоратчи тариқасида саёҳатга чиққан экан. Дарҳол, рус пойтахтидан Оренбург⁶⁶га хат келдики, унда “Бухоролик савдогарлар моллари билан қўлга олинсин ва қамалган русларни озод этиш талаб этилсин”, дейилган эди.

Бухоро савдогарлари дарҳол қушбегига “маҳбусларни қўйиб юборинглар, биз молу ҳолимиз билан қамоқдамиз”, деб хат йўладилар. Қушбеги Бухоро савдогарлари нажот топсин деб маҳбусларни озод қилди. Бу ишларга тахминан олти ой вақт кетди.

Шундан кейин, Россияни Туркистон вилоятлари устига юриш қилиши ва тез орада Тошкент эгаллаши хабари тарқалди.

Шу аснода мазкур сатрлар муаллифининг қалъага борган савдогар дўстларимдан бири менинг олдимга келиб ҳикоя қилди: Мен Ғазали қалъасида эдим. Бир куни укпарли шляпа кийган бир киши, ҳашаматли извошда қалъага келди. Айтишларича у Петербургдан келаётган ва Бухорога боришни ният қилган экан. Икки кундан кейин у менинг олдимга келиб, бир нарса сўради. Мен уни дўконимдан топиб бердим. “Қаердансан?” деб сўради. “Бухородан”, дедим. Кейин ўтириб: “Мен Бухорога борсам, ҳукмдорингизга хизмат қилсам, эвазига менга нима беришадир? Мен ҳарбий тартиб-қоидалар, ҳарбий тактикадан тортиб кўп ҳунарларни ҳам биламан, шунингдек қўплаб тилларда таржима ҳам қила оламан”, деди. Мен: “Сени жосус сифатида қамайдилар ва занжирбанд этиб, қатл қиладилар”, дедим. У: “Мени қатл қила олмайдилар. Агар ўлдирсалар, менинг қонимга ўнта Бухорони берсалар ҳам, ўринламайди.

⁶⁶ У ер Бухоро савдогарлари йиғиладиган марказ ҳисобланган.

Мен тўртта давлатга хизмат қилдим ва ҳар биридан нишон олдим”. У давлатлар берган нишонларни кўрсатиб, деди: “Мен мусулмонман. Мусулмонларнинг тинчлигини таъминлаш учун Бухорога бориб, аскару сарбозларини ҳарбий ишга ўргатсам. Тез орада Русия давлати ва Бухоро ўртасида яна душманлик фитна ва тўқнашувлар содир бўлади”. Мен: “Сендан олдин ҳам сизлардан фазлу ҳунари кишилар келган эди. Уларни қамадилар, ўлдирдилар”, дедим. Шундан кейин, бу суҳбат тугади.

Бир ойдан кейин у ерда ишларимиз тугагач, Бухорога қайтдим. Қарасам, ўша одам озод этилган маҳбуслар қаторида борар эди. Мен унга салом бериб: “Бахайр, қаерга бораяпсиз, нима қилдингиз?” деб сўрадим. У: “Сен нима деган бўлсанг, барчаси тўғри бўлиб чиқди. Бухорога келганим замон ҳеч нима сўрамасдан булар билан бирга ҳибсга олдилар ва бир неча кундан кейин қўйиб юбордилар. Қамоққа олиш ва қўйиб юбориш сабаблари менга маълум эмас. Аслида, подшо мени ҳибсдагиларни қутқариш учун юборган эди. Подшонинг хотини: “Менинг укам Бухорода қамоқда. Одам юбориб, қутқаринглар”, деган. Подшо мени чақириб: “Сен мусулмонсан, улар қонун-қоидаларини биласан. Боргин-да, Фалончини қамоқдан халос қилгин”, деди. Мен Бухорога келдим. Ҳеч ким мендан “сен кимсан, аҳволинг қалай?” деб сўраб ўтирмасдан қамаб қўйдилар. Ҳамроҳларим нажот топгунча бирга бўлдик”, деди.

Бу ҳол таҳқиқ қилингандан кейин маълум бўлдики, бу киши теҳронлик Козимбек — рус ақобирзода, шаҳзодаларининг муаллими, донишманд — шоир, мунажжим, табиб экан. У Россия пойтахтига қайтиб келганда ўзи билан учта совға олиб боради: 1. Синиқ сопол офтоба. 2. Бухороликлар палов ёйишда ишлатадиган ярми куйган қошиқ. 3. Сополдан ясалган синиқ шамдон. Уларни император олдига қўйиб: “Бу Бухоро подшосининг офтобаси бўлиб, у

бу билан таҳорат қилади. Бу асбоб билан таом ейди ва бу нарса билан кечаси чироқ ёқади. Турк мамлакатлари султонлари фойдаланаётган бошқа ҳамма асбоб, ашёлар сенинг мамлакатингда ишлаб чиқарилган. Масалан, чит, сурп, керосин, темир, бронза, кумуш, тилла, қанду новвот ва бошқалар. Агар уларга бу ашёларнинг етказиб берилиши тақиқланса, оёқларига чориқ кийиб, бошларини эса уч газ жун мато билан ўрашган, тўнлари ва кийим-кечакларининг матоси қоп, қанор ва палос қиладиган қўпол иплардан тикиларди. Ерлари европаликларнинг бўлимига мувофиқ бешинчи-олтинчи иқлимга, давлат тўрт қисмга бўлинган. Унинг бир қисми Туркистон вилоятида бўлиб, Ёфас⁶⁷ авлоди ерларига бориб тақалади. У ерда кўчманчилар яшайди. Ҳар бир жамоанинг бошида ҳокимиятни босиб олган, ёхуд урушда ғолиб келган ёки уни мерос қилиб олган ҳоким туради. Уларнинг ҳеч қайсиси шоҳ уруғига мансуб эмас. Ҳар қайсиси ўзини эгаллаган ерининг эгаси деб билади. Улар дунёда бўлаётган ишлардан беҳабар, ўз хоҳишларига қараб одамларни қамайдилар, молларини мусодара қилиб катта мулк эгасига айланадилар. Улар ўз ерларидан ҳам бошқа ўлкалар борлиги, улардан ташқарида ҳам бошқа подшолар мавжудлиги ҳақида тасаввурга ҳам эга эмаслар. Бу ерларни эгаллаш бу давлат (Россия)-нинг энг муҳим вазифаларидан биридир. Бу ер саҳнида беҳисоб одамлар яшайди. Ҳамма ерлари сув билан таъминлаган, гулу гулзор, анвои меваларга бой, гўё оламнинг энг маъмур жойи дейсиз. Узоқ йиллар мобайнида бу ўлка худди Америкадек одамлар нигоҳидан яширин эди. Бу ерларнинг барча тоғу тепаликлари жавоҳирларга бой. Ер юзининг на жануби, на шимолида бунга ўхшаш обод, гуллаб-яшнаган, хушҳаво жой йўқ дейиш мумкин.

⁶⁷ Ёфас — Нуҳ алайҳиссаломнинг турк қавми тарқалган ўғли. Унинг Хом ва Сом исми ўғиллари ҳам бўлган. Улардан хом ва сомиё тиллар оиласи келиб чиққан.

Агар бу ерлар бизнинг давлат (Россия) тасарруфига ўтса, аскарларимизнинг умумий сони тахминан 500 000 га кўпаяр, маҳаллий аҳоли эса камаймас эди. Уларнинг вазирларини ҳоли шундай бўлгач, амирларининг ҳоли ҳам шундай бўлади қурол-воситалари ҳам шундай. Бу ерларни эгаллаш ортиқча маблағ ва ташвиш келтирмайди. Бу ҳудудни тўлалигича эгаллаш учун “бошидан охиригача” 10 000 аскар етади”, деди.

Ўшанда император: “Бу ерларни қурол кучи билан тасарруф қилинглари ва тартиб ўрнатинглари”, деб фармон берди.

Дунё эгасиз, мамлакат подшосиз бўлмайди. Ҳайвонларгина шундай яшайди. Ўзларини вазир ёки амир деб атаб, кучларига таяниб, халққа жабр-зулм қилиб, кўнгиллари истаганча яшайдилар.

Шу воқеалардан кейин Россия Тошкент устига юришга қарор қилди. Кейин нима бўлган бўлса, ўша бўлди.

Агар чуқурроқ фикр юритиб кўрилса, бу давлатдаги таназзул ва вайронагарчиликлар подшо ва вазирнинг ақлсизлиги ва ношудлиги туфайли рўй берди. Агар подшонинг ақли бўлганида вазирлик вазифасини шундай аҳмоққа бериб қўймасди. Агар вазирда куч-қудрат ва мулоҳазакорлик хислати бўлганида эди бухоролик савдогарларнинг гапига кириб, рус савдогарларини қамоққа олмас эди. Шундай бўлганда ҳам, ҳақиқий аҳволдан огоҳ бўлиб, уларни озод қилган бўлар эди.

Россиянинг Мовароуннаҳр мамлакатига юриш қилишининг бошқа сабаби Шоҳруҳбий иноқнинг ўлдирилиши бўлди. Техронлик Насриддиншоҳ императордан турк диёри султонларининг зўравонлиги, қотиллиги, одамфурушлик қилишларига барҳам беришга ёрдам беришни ва уларни жазолашни илтимос қилиб, буни фақат Россиягина удадай олади деб қатъият билан мурожаат қилади. Шундан кейин, Россия унинг хотирасини ҳурмат қилиб бу диёрни эгаллашга фармон беради.

Унинг тафсилоти қуйидагича: Насриддиншоҳ Эрон тахтига ўтиргандан кейин Шоҳроҳ исмли амакиваччаси янги Эрон ҳукуматидан қўрққанидан Техрондан Бухорога келади. У Эрон шахзодаларидан бўлгани учун амир Насрулло яхши муносабатда бўлди. Ғамхўрлик кўрсатиб, уни бош қўмондон, тўпхона бошлиғи этиб тайинлади.

Дарҳақиқат, у кўп жасоратлар кўрсатиб давлатга садоқатини намойиш қилди. Давлат душманларини синдирди. Аксари вилоятларни фатҳ қилди. Бухоро амалдорлари у ҳақда қанча макр ва ҳийлалар ишлатмасин, Абдусамдхон ноиб ўлдирилгандан кейин Бухоронинг марҳум амири ўз яқинларининг найранглари билиб қолди ва ўз ишидан қаттиқ пушаймон еди. Бу сафар амалдорларнинг найранги жойига тушмади ва амир Музаффар тахтга ўтирмагунча Шоҳроҳ ҳокимиятда қолди. Унинг даврида эса ҳарбий саркардалар “у хотинбоз, майхўр, марҳум амир набирасининг тахтга келишига тарафдор”, деб амирни ишонтиришга эришадилар. Турмага ташлатиб, занжирбанд қиладилар.

Ҳақиқатда, Мовароуннаҳр султонларининг ерлари тор, давлатлари кичик эди. Шулардан беш-олтита каттароқлари — Қўқон, Қашқар, Хоразм, Бухородан баъзи кичиклари — Ҳисор, Матчоҳ, Кўлоб каби кичикроқ мулклар мустақиллик даъвосини қилар эдилар. Бу диёрларнинг ҳукмдорлари амалга эришгач, ҳокимият қўлдан кетмасин деб толнинг баргидек қалтираб турар, доимий хавотирда бўлар эди.

Подшо бирон кишининг амалини кўтарса, унвон берса ҳам, “менинг жойимни эгаллайди, менга қурол кўтаради” деб хавотирланар, шу боис унга эркинлик, мустақиллик бера олмас эди. Ҳарбий саркардалар ҳам биронتانинг обрўси ошиб кетишини ишашмас эди. Акс ҳолда, ўзларининг нуқсонлари ва нодонликлари ошкор бўлиб қолади ва шу туфайли амалларидан маҳрум бўлиб қолиш хавфидан қўрқиб, иқтидорли фазилатли кишиларнинг

подшога яқинлашишига йўл қўймас эдилар. Шу сабабдан бу давлат аҳлининг тинчлиги, роҳати йўқ эди. Уларнинг қисмати-ташвиш, азоб-уқубатдир. Бу ҳолат ҳиммати пастларнигина қониқтиради.

Агар ахлат супурувчи ҳаммом супасига чиқиб ўтиргудек бўлса, буни ўзи учун буюк бахт ҳисоблайди. Олий-ҳиммат одамлар эса ҳаммомга кириш ва ҳаммомчи дийдорини кўришдан ор қиладилар ва ўз манзилларида ҳаммом қилишни маъқул кўрадилар.

Қисқаси, Шоҳруҳбий ҳибсда бўлган вақтда Козимбек билан бир гуруҳ рус жамоаси ҳам қамоқда эди. Шу аснода Мирзо Ёқуб номли бир киши Техрондан чопар тариқасида хат билан келди ва карвонсаройда жойлашди. У Эрон вакил (амалдор)ларидан бири томонидан юборилганди. У афгон савдогарларига: “Мен Эрон давлатидан учта талаб билан келдим: 1. Каёний⁶⁸ шоҳлар наслидан бўлган Шоҳруҳбий озод қилиниши ва Техронга юборилиши лозим. 2. Хоҳласа, шу мамлакатда қолаверсин, фақат уни ўлдиришмасин. 3. Эрон фуқароларини қул қилиб сотишни ман қилиш, Туркманларнинг Эрон тупроғидан асир олишлари ва уларни қул қилиб сотишлари тақиқлансин. Агар шу шартни қабул қилсалар, биз Россиянинг Туркистон устига юришини тўхтатишга мутасадди бўламиз. Ҳозир эса Россия Туркистонни қурол кучи билан тасарруф қилиши муқаррар бўлмоқда. Ахир биз ҳам қибла аҳли⁶⁹ бўлиб, мусулмонларни гуноҳкор кофирлар томонидан тепкиланишини истамаймиз”, деди.

Бу талаблар бора-бора вазир қулоғига бориб етади. У ҳеч ўйлаб ўтирмай Мирзо Ёқубни ҳам занжирбанд этиб фаранглар ёнига қамайди. Натижада, эронийлар ўз муддаоларини амирга изҳор қила олишмади. Охири, рус маҳ-

⁶⁸ Қадимги шавкатли подшоҳлар давлати.

⁶⁹ Мусулмонлар.

бусларининг расмий илтимосномаси билангина бу теҳронлик қўйиб юборилди-ю, қайта қамалмаслик учун қочишга юз тутди. Кўп вақт ўтмасдан Шоҳруҳбий иноқ укаси Ҳасанхон билан бирга қатл қилинди. Унинг ўлими ҳақидаги хабар ҳали қатл қилинмасдан аввалроқ Эронга бориб етганди. Насриддиншоҳ бу ҳақда императорга мактуб йўллаб: “Нима қилсангиз, қилинг”, деди.

Аллоҳ таоло кимни давлатдан маҳрум қилишни истаса, авваламбор, уни ҳимоя воситаларидан маҳрум қилади. Сўнгра, давлат эгасини ҳақиқат хусусидаги сўзларни эшитмайдиган қар қилиб қўяди. Аҳоли билан машварат ва маслаҳат йўлини ёпиб қўяди, ташқи ва ички ишлар келишиб ҳал қилинмайди. Тадбиру тартиб ишларида саришталик йўқолади.

Агар бу давлат мустаҳкамлиги Аллоҳ хоҳишига мувофиқ бўлганида эди амир Шоҳруҳ тўпхона бошлиғи мансабидан олинмас эди. У Аллоҳнинг каромати билан Кавказда Табриз остонасида руслар билан йигирмадан ортиқ тўқнашиб уларни шармандаларча тор-мор қилган саркарда эди. Унинг тафсилоти “Равзат ус-сафо” да баён қилинган.

Эҳтимол, русларнинг ўзи ҳам Туркистон устига юриш қилмоқчи эмасди. Чунки улар Шоҳруҳнинг у ердаги мавқеидан хабардор эдилар. Унинг ўлдирилиши руслар учун хушxabар бўлиб, ўз ғалабаларига тўла ишонч билан ниятларини амалга оширишга киришдилар.

Шоҳруҳ Мирзадан ташқари қўлидан иш, оғзидан гап келадиганлардан Иброҳим бий парвоначи, Қаноатшоҳ бий додхоҳ, Азизбий қушбеги (вазир), Ибодуллабий парвоначи тўпчибоши ва бошқалар қатл қилинди. Буларнинг ўрнига амирнинг мактабдош, бирга ўқиган синфдошлари — Шерали, Ёқуб, Муҳаммадшоҳ, Дурбин қушбеги, Салим бий ва Баротбек каби хизматкорлар юқори мансабларни эгалладилар. Улар Бухоро арки ҳибсхонаси мактабидан Кармана ҳибсхонасига бориб, умрларини бадгўйлик, шар-

мандалик билан ўтказмоқда эдилар. Бирдан фароғатли ҳаётга қадам ташлаб, Бухоро ҳокимиятида катта лавозимларга етишган бўлсалар-да, бир бурда нонларидан ва амалларидан ажралиб қолишдан қўрқиб, шундан бошқа нарсани ўйламас эдилар.

Қисқаси, қаерда ҳоким бўлган бўлсалар, хароб қилдилар. Кўп одамларга жабр қилдилар. Жанг бўлганда орқаларига қарамай қочдилар; вилоятларни душманга жангсиз топширдилар. Ўзларини жаҳонга ёмонотлиқ қилдилар, обрўсизлантирдилар. Салтанатни ҳалокатга юз тутишига маҳкум этдилар.

Амир Темур дунёнинг тўртдан бир қисмида жасорати, мардлиги билан ном қозонган бўлса, Бухоро амирлари бадахлоқликлари, иродасизликлари, қўрқоқликлари билан ўз номларини бадном қилдилар.

Бухоро ва Самарқанд адолат, инсоф, дину диёнат, илму амали билан дунёга довуғи кетган шаҳарлардандир. Булар ушбу шаҳарларни шунчалик бадном қилдиларки, бунинг шармандалиги қиёматгача қолади, тарих варақларидан ўчмайди.

Бир сўз билан айтганда, Россиянинг Самарқанд устидан ғалабаси 1285 йил муҳаррам/1868 йил апрель ойида амалга ошди. Бухоро аҳолисининг сувию нонига пашша ёпишди. Онда-сонда саёҳат ва элчилик баҳонасида бир гуруҳ руслар келиб, ўринсиз исроф ва харажат қилишга сабабчи бўлар эди. Амир уларни хафа қилиб қўйишдан ва бу билан ўзининг тинчини йўқолишидан қўрқиб, ишрату фароғатларини таъминлаш учун жабр-зулм билан солиқлар миқдорини юз мартага кўтариб, уларга берарди. Шу билан ўзини уларга дўст ва итоаткор қилиб кўрсатишга уринарди. Бизнинг диёрнинг бошқарилиши шу ернинг подшоларининг раъйи, хоҳишига боғлиқ бўлса, руслар ишларини белгиланган тартиб бўйича олиб борар эдилар. Бизнинг халқ билан муомаламиз уларнинг тартибла-

рига тўғри келмагани учун ҳар бир қадамни назорат қилар эдилар. “Сен дўстликка хилоф бундай иш қилдинг, “бу фармон итоаткорлик талабига хилоф, нима биз билан ихтилофга бормоқчимисизлар?!” дер эдилар.

“Мамлакат бошидан кет” демасинлар деб амир яна зулм эвазига фуқаро ва раиятдан зўрлик билан катта миқдорда пул йиғиб, уларнинг оғзини ёпиш учун пора берар, совға улашар эди.

Мамлакат ҳудуди, амирга тобе ерлар қисқариб, камайгач йиғимни янада кўпайтириш зарурияти пайдо бўлди. Шу сабаб, бозорда тарозилар ва товарлар олдида турадиган назоратчи шахслар тайинланди. Уларни “амин”⁷⁰ деб атадилар. Агар бир бева аёл уч фулус⁷¹га калава сотса, икки фулус амин ихтиёрига ўтарди. Агар бирон киши бир эшак (харвар) ўтин олиб келса ва уч дирҳамга сотса, икки қисми аминнинг ҳақи бўларди.

Шунингдек, султон мутавалли ҳисоблангани учун вақфлардан келган даромадларнинг ўндан бир қисмини хазинага тортдилар. Аслида, қонунга кўра мутаваллининг вазифаси камбағал толиби илмларга ажратилган улушни тўплаб ўқишига халақит бермасин деб уларнинг ҳақларини ўз вақтида беришдан иборат. Ҳозир эса ушр⁷²ни ҳам султон йиғади. Талабалар ва мутасаддилар вақфни ижарага олувчилар билан олти ой тортишдилар. Лекин ўзларига тегишлисини ола олмадилар. Худди, шунингдек, мусофирлардан бирон киши мадраса ёки саройда вафот этса, мулки эгасиз деб ҳисобланиб, меросхўри бўлса ҳам, исбот қила олмаган. Қандай маҳкамага арз қилиб бормасин, ҳайдаб чиқарилган.

⁷⁰ Ишончли, содиқ.

⁷¹ Пул, мис танга.

⁷² Ҳосилнинг ўндан бирига тенг солиқ тури.

Қўрбоши (миршаблар бошлиғи) билан ҳам аҳвол шундай эди. Агар бирон киши молини ўғирлаганни ушлаб, моли билан бирга қўрбошига топширса, у молни ўз ҳовли-сига юборар ва мол эгасига эса: “Бу ўғрининг қўлида кўп ўғирлик мол бор. Яхшилаб текширгандан кейин сенинг улушингни берамиз”, деб чиқариб юборарди. Мол эгаси қанчалик уринмасин, ҳеч нимага эриша олмас, алал охир, молидан ҳам, миршаблардан ҳам безор бўлиб, ҳеч нима олмас, иложини топса текинга ёки моли устига пул бериб аранг қутуларди.

Миршабларнинг пул ундириш усуллари шундай эди, хусусан мол эгаси молини талаб қилаверса унга ёлғон айб қўйиб, жазога тортар эдилар. Масалан, шундай дер эдилар: “Биз ўғрини сўроқ қилаётганимизда шу нарса маълум бўлдики, сенинг хотининг бу ўғри билан яқин алоқада экан. Баъзида кундузи, баъзида кечаси келиб, кўп пул олиб кетар экан. Ёки сенинг ўғлинг шу одам билан алоқада экан. Ўғрилар билан юрар, ўғрилик қилсалар, ўғлингга ҳам берар, ўғлинг ўғирланган нарсаларни сотиб, пул қилиб берар экан. Сенинг хотининг ёки ўғлингни жиноят судига юбориб, ўғри билан юзма-юз ўтказиб, сўроқ қилиш керак”. Мулк эгасининг бу гапларга ҳеч қандай алоқаси бўлмаса-да, тухмат, бўҳтон, обрўсизланишдан қўрқиб, қўрбоши ва унинг тобелари нима демасин, нима сўрамасин, берар эди. Иккинчи марта умр бўйи миршабхона ва бек маҳкамасига яқин бормас эдилар.

Сув масаласида ҳам аҳвол шундай эди. Сув ҳали манбаъ(булоқ)дан чиқмасдан туриб биринчи бўлиб сув олиш учун мироб деҳқондан пора талаб қилар эди. Сув келарди, кетарди. У шахсга эса сув етмасди. Сув келтириш, ариқларни тозалаш учун вилоятлардан бир неча марта мардикор олиб келиш талаб қилинарди, бунда келганлардан ҳам келмагандан ҳам зўрлик билан икки тангадан олинарди. Бу пулларнинг ҳаммаси хазинага юбо-

риларди, чунки ҳар ой ёки, икки ойда мироб ёки миршаб номига расмий ҳужжат билан расмийлаштириб юз минг танга юборилар эди. “Бунча танга — маблағни давлатхонага юборинглар ёки Фалон шахсга беринглар”, деб ай-тиларди.

Бундан ташқари, ҳар бир овул ва қишлоққа йўлларни қароқчи ва ўғрилардан ҳимоя қилиш учун шу йиғилган пулдан ҳақ оладиган қоровуллар, назоратчилар тайинланди. Бироқ агар бирон киши қоровулхона эшиги олдида ўлдирилиб, моли олиб кетилса ҳам, улардан бирон киши чиқмас, текширмас эди. “Нега қоровул бўлатуриб хабардор бўлмадинглар?” деб бирор киши сўрамас ҳам эди. Аксинча, аксар йўлларда қоровулларнинг ўзлари қароқчилик қилар эди. Амир эса фалон ерда шунча аскар бор, улар одамларнинг борди-келдиларини ҳимоялайди, деб ишонарди. Шу аскарларнинг ўзи йўлларда пистирма қуриб талончилик, босқинчилик қилаётганини у билмасди. Ташвишланидиган, ери йўқ, зеро ўғрилар бу ерларга яқин ҳам юрмайди деб биларди. Аммо йўлларда кўп одамлар ўлдирилар, қароқчилар қишлоқларга ҳужум қилиб зулму бедодлик қилар, гуруҳ-гуруҳ одамларни қатлга етказсалар ҳам, амирнинг қулоғига бориб етмасди. Буни эшитиш унга малол келиши ва бу хабарлар амирни хафа қилиб қўйишини истамас эдилар.

Бу амир даврида исрофгарчилик ва нағмаю бидъатлар ҳаддан ошиб кетди. Бир ясовулга ҳам етмайдиган танҳо⁷³ни тўрт аскарга бўлдилар. Мансабларга тайинлашда шундай ўзгаришлар юз бердики, баъзи мактаб кўрмаган, ўқимаганлар қозилик, раислик мансабига тайинланди. Мударрис ва имом лавозимига муносабат ҳам шундай ҳолатда эди. Аҳвол шу даражага бориб етдики, ҳар бир маош тўланидиган амалга даъвогарлар тўрттадан қирқ-

⁷³ Қ. 48-изоҳ.

тагача бўлиши мумкин эди. Натижада, мадрасаларда маш-
ғулот ўтилмай, масжидларда намоз ўқилмай қолди. Бошқа
тўловларда ҳам аҳвол шундай эди. Темуражорий қилган
дахяк⁷⁴ текширувчи вакиллар бўлишига қарамасдан, аб-
жад китобларини ўқиётганларга ҳам жорий қилинди, ўта
интизомсизлик, тартибсизлик туфайли бегона одамлар
барча ишларга аралашиб, назоратчиларни қўрқитар ва
сердаромад мансабларга эришар эдилар.

Салтанат ҳаётида ҳеч бир асрда бўлмаган, тарихда
учрамаган кўплаб фосиқлик ва золимликлар содир бўлди.
Амир, вазир, уламолар — ҳаммалари ҳамфикр эдилар.
Устозу шогирд ҳам бир-бирига ўхшарди. Инсоннинг бу-
тун ўй-фикри тирикчиликка қаратилганди. Аммо хор-
зор бўлмай туриб очликни қондириб бўлмасди. Қорин
тўйиб юришни обрў, давлат дер эдилар. Ҳимматли ва ту-
бан одамларнинг ҳаммаси бирдек ҳашаматли тўнлар кияр,
саллаларини безатишар, ҳеч кимни назарларига илмас,
ўзларини гўё амирдек ҳис этишар эди. Уларнинг ҳар
қайсиси султон унга назар солармикан, қози ёнидан жой
берармикан, раис дастурхонга таклиф қилармикан каби
ташвиш билан яшарди.

Султонга яхши разм солиб қаралса у фосиқ, золим, қонхўр
эканлиги; қози—порахўр, ҳаромхўр, ситам қилувчи одам;
раис— бузуқи ва диёнатсиз, қўрбоши — қиморбоз, пиёниста,
йўлтўсарлар гуруҳининг бошлиғи, ўғриларнинг сардори
эди. Амир Музаффар томонидан халқ эътиборини жалб
қилиш учун ўтказилган фойдали тадбирлардан бири шу
эдики, уруш қилиш ва қўшин сақлаш учун халқдан тўплан-
ган ҳамма нақдина — дирҳаму динарлар хазинага жамлан-
ди. Кимнинг дирҳаму динарга эҳтиёжи тушса, давлатга
бўйсунishi, амирнинг муайян хизматини қилиб, сўралган
пул олиши мумкин эди. Иккинчидан, фуқароларнинг акса-
ри ерлари султон боғига айлантириш учун сотиб олинди.

⁷⁴ Солиқ тури.

Қаерда яхши чорбоғни кўрсалар, подшо учун сотиб олдилар. Мева, сабзавотлар давлат омборларида сақланди. Агар бирон кишининг узум, бодринг егиси келса, саройга бориши, хизмат қилиб бериши керак эди. Шунингдек, мусиқачию ашулачи, ғазалхону эртак айтувчи, шунингдек, раққослар ва масхарабозларни зўрлик билан от ортидан югуртирар эдилар. Агар кишининг тўй қилиш, базмни томоша қилиш, эшитиш майли бўлса, ундан баҳра олиш учун шу юқори даргоҳни айланиши керак эди.

Шунингдек, амир қаерда ёш қизлар борлигини билиш, дарагини етказиш ва саройга келтириш учун эркагу аёллардан махсус одамлар тайинлади. Агар бирон киши хотин олишни истаса, давлатсаройни хабардор қилиши керак эди. Давлатхонада хотинликка бериладиган номзод саройдаги хотинлардан белгиланар ва шу тариқа, у оилали бўлар эди.

Қизиқ ҳолатлар яна шундан иборат эдики, баъзи бетайин шахслар дирҳам ва динор олиш учун амалдорлик хизматига борар эди. Улар элчилик ёки шу каби хизматларда бир икки йилдан ўн йилгача хизмат қилар, юқори амалларга кўтарилар ва ҳар қандай йўл билан бойишарди. Подшо эса уларнинг бу даромадларини тахминан ҳисоблар, хотирасида сақларди. Қулай фурсат келиши билан кичкина баҳона билан уларни ҳибсга олиб, мулкани мусодара қилиб, исканжага оларди. У эса кўчма ва кўчмас мулкларини текинга бериб, нажот тиларди. Лекин унга муяссар бўлмас эди — қатл қилинарди.

Кимки неъмат истаб амирга яқинлашмоқчи бўлса, бир кесим бодринг учун гарданидан юзлаб мушт ерди. Агар давлатхонага томоша қилиш учун борадиган бўлса, ҳикоячи, раққосу ашулачилар очлик, ҳолсизликдан бошиларини, орқаларини зўр-базўр тебратиб, қандайдир овоз чиқаришганини кўрарди. У бу ерда оч қолгунча ўтирар, кейин қочиб қоларди.

Агар бирон кимса давлатхонага келиб хотин олмоқчи эканлигини маълум қилса, ҳар икки-уч кунда хотинини саройга юбориши шарт эди. Одат шундай эди. Шунинг учун давлатсаройга тентак, палид шахсларгина борар эди.

Яратгувчи Аллоҳ таоло одам аҳли миждозига бетайинлик, шубҳа, ва васваса киритганки, улар инсоннинг бутун умри давомида ижтимоий ва оилавий ҳаётда намоён бўлади. Агар баъзи бировлар бирон бир муҳим ишни қилишдан уни разолатлиги учун воз кечсалар, бошқа тоифадаги кишилар бу ишларни шу заҳоти шавқу завқ билан олишарди. Жаҳон равнақи ҳам мана шу қоидага асосланганди.

Адолатли ва ақлли кишилар қонхўр, сурбет Заҳҳонинг хизмати ва суҳбатидан безор бўлсалар-да, тақдир тақозоси билан у минг йил ҳукмронлик қилди. Шу сабабдан, давлат нодон, разиллар қўлига ўтиб қолади ва нопок (Заҳҳок)нинг хизматини бажараверадилар ва бу билан дунёни вайрон бўлишига олиб келадилар. Ушбу қаланғи-қасанғиларнинг қайси бирида озгина ақл бўлса, амир суҳбати *гулханчи*⁷⁵ суҳбатидан яхши эканлигини билади. Мажлиси ҳам иссиқ кул устида ўтиришдан яхшироқ. Қабул маросимларида унинг ейдиган таомлари бозорда гадоилар сотиб олиб ейдиганлардан яхши эканлигини ҳам билади.

Агар ҳар куни юз таёқ есалар ҳам, уларга шу суҳбатлар, мажлисларда, дастурхон атрофида ўтиришга рухсат бериларди. Шу туйғайли улар ҳар қандай ҳолатда ҳам остонада хизмат қилишни афзал биладилар. Чунки улар дунёдан хабарсиз, дунё ейиш, ичиш, бўшатиш, шаҳвоний алоқалардан иборат, бундан бошқа иш йўқ деб биладилар.

Олам пайдо бўлиш, емирилишдан иборат экан, баъзи иқлимлар миждозиди харобалик ғалаба қилса, Аллоҳ бирор мужаддидни юбориб, у жойларни адлу инсоф билан обод қилади. Бунинг сабабини муқаддимада баён қилган эдик.

⁷⁵ Ўтин ёқувчи.

Амир нафсини қондириш учун яна шундай тадбир қўлади: мансаб ва амалларга тайинлаш мезони даъвогар шахснинг қизи бор йўқлигига боғлиқ қилиб қўйилди. Агар қизи бўлмаса, Абу Али ибн Синодек донишманд бўлса ҳам, нодон ҳисобланиб, ҳеч қандай мартабага, ҳатто сипоҳ, уламо мансабига ҳам йўл берилмади. Агар қизи бўлса, ҳар қандай истаган мансабига эришган. Қизиги шундаки, бироз муддат ўтгач, уни амир назаридан тушириб, балчиққа булғаб, бадбахтликка гирифтор этар эдилар. Бу унинг қилмишига яраша бўлиб, бунинг сабаби дину диёнатга, одамгарчиликка хилоф иш қилгани, қизини фоҳишалик қилишга беришга рози бўлганлигидир. Чунки султон саройида у шаҳват асирига айланиб ҳеч қандай ҳимоя қилинмасди.

Султон бошқарувининг бошида шарм-ҳаёнинг бузилишидан тортиниб ёхуд камтарлик қилиб бир кечаю кундузда икки ёки уч қиз билан никоҳдан ўтар эди. Унда шариатга мувофиқ одатларга риоя қилиб, васий ёки вакил иштирокида никоҳ ўқилар, унда куёв ҳам иштирок этар, кейин уларни амир саройига юборишар эди. Аммо бу тадбир, катта харажат талаб қиладиган амирликнинг давлат ишига айлангач, куёв хузурида хутба ўқилиши шарт эмас деб топилди. Куёв: “Мен сени хотинликка қабул қилдим”, келин: “Мен шаҳварликка қабул қилдим”, деса бўлаверарди. Маълум муддатдан кейин бу ҳам малол келиб, фақат бир шартга ижозат бердилар. Агар бирон қизни кўргандан кейин маъқул топса, у билан ҳирсини қондирган, бошқа ҳеч нарса талаб қилинмаган.

Қизлик иффатини йўқотган, бахти синган қизларни элик-юзтага етганда подадек бирваракайига ташқарига чиқариб, ким истаса, аскар бўладими, бошқа бўладими, текинга берар эдилар. Яна янгиларини ахтариш бошланарди. Шаҳар аҳолиси бу одатга шунчалик ўрганиб қолган эдики, қизлари балоғатга етмаган бўлса ҳам, уларнинг

аксарияти “уймизда давлатхонага муносиб фалон товар бор”, деб маълум қиларди. Ҳамма каттаю кичик бу ишга кўникиб қолди. Бу ҳақда ҳамма ерда — йиғилишларда, мажлисларда кўпчилик ичида очиқ гапиришар, ҳикоя қилишар, эслашар, тасвирлаб беришарди. Бу уларга ёқарди. Бу ишлари билан фахрланар эдилар.

Шу асрнинг аввалида туғилиб, олам юзини кўрганлар бу дунё яратилгандан бери шундай тартиб бўлиб келган, дин ва қонунлар ҳам деб бунга ишона бошлашди. Кекса чоллар ёшларнинг бу номуносиб ҳаракатларини мушоҳада қилиб, эски эътиқодларидан қайтиб, ёшларга ён босиб, “умримизни ғаму кудуратда, ваҳму ҳаросда ўтказибмиз, киши шу тахлитда яшаса ҳам бўлар экан, ҳеч нима бўлмас экан, ер ёрилиб, осмон қулаб тушмас экан”, дер эдилар. Шундай бўлдики, кексаю ёшлар кўлидан дину диёнат кетиб йўқ бўлди, миллатнинг муомаласи, маданияти, *рафтор*⁷⁶ида шундай ўзгаришлар содир бўлдики, “ким нимани хоҳласа, шуни қилсин” деган ақида ғолиб келиб, ҳеч ким дину диёнатга риоя қилмасликдан тортинмас, кўнгли истаганини қила бошлади. Бирон кимсанинг “нега бундай қиляпсан?” дейишга мажоли йўқ эди. Масалан, шайх хонақоҳдан майхонага борса, майхоначи ўзини Боязиддек тутса ҳам, ҳеч ким қандай қилиб, нега, қачон? деб сўрамасди. Бозорларда бир ман буғдой 20 танга, нон 100 тангага баҳоланганда ҳам, ҳеч ким бунинг сабабини сўрамас, сўраганда ҳам, ҳеч нима ўзгармасди. Чунки султон беҳад аҳмоқлиги туфайли ҳамма мансабу амалларга нокасу номуносиб кишилар қўйилган бўлиб, улар бирорта ҳам муҳим ишни султоннинг рухсатисиз бажара олмас эдилар.

Фуқаро ва сипоҳларнинг арз-додларини султонга оширар эдилар. Султон эса аҳоли арз-додини бир-икки кун эшитар, учинчи кун сабр-тоқати тугаб, халқ ташвишини ва-

⁷⁶ Юриш-туриши.

зиру қозиларга ҳавола этарди. Улар бир-икки кун хоҳлаган номаъқулчиликларни қилар эдилар. Халқ амирга қайта шикоят билан бориб, “вазир менга зулм қилди, қози менинг арзимни сўрамади” деса, амир аҳмоқлигидан аризанинг моҳиятига эътибор бермасдан таъна қилиш билан чекланар ва “бу важ билан мени ташвишга солманглар, арз қилманглар”, дер эди. Халқ амир ва вазир эшигидан маъюс қайтарди. Ҳар кимни кўрсалар, ҳар кимни учратсалар, фарёду фиғон кўтариб, дардларини дoston қилар эдилар. Лекин бундан ҳеч бир наф чиқмас, ҳаракатлар зое кетиб, ундан қутулишнинг иложи йўқ эди. Ҳақиқат, адолат номини эшитмаган, одил амирни кўрмаган, туғилгандан бошлаб бу бебошлик, тартибсизликни кўриб, саросимага тушар эдилар. “Агар биз сув, зулм каби жуда муҳим масалаларда султонга арз қилолмасак, амир бизга нима учун керак, қизларимизни қучоқлаб ётиш учун керакми?” деган саволни бериш хаёлларига ҳам келмас эди. Агар келса ҳам, оғизларини очиб, изҳор қила олмас эдилар.

Амир бутунлай ичкилик, бузуклик, шахвоний нафсга берилиб кетди. Қаршидан Кешгача ҳудуддаги унга бўйсунадиган қалъаларда ғавво ва фасодга йўл очилмасин деб, паст табақали одамларни оқсоқол қилиб тайинлади. Иззатобрўлиларини эса олиб ташлади. Бу вилоятларга кўнгил очиш мақсадида борганда шу ердаги оқсоқолларнинг ҳар кунни таъзим бажо келтиришларини талаб қилар ва вилоят қизларини мендан қочирмасин деб йил давомида уларга шоҳона тўнлар кийгизарди. Ким бу йўналишда ўзини кўрсатса, кўпроқ мурожаат қилса, мавқеи ошар, совға ҳам қуюқ бўларди. Бу тартибдан мақсад вилоятларга кўрсатилаётган ғамхўрликдек туюлар ва оқсоқоллар халқ норозиликларининг олдини олади, уларни тинчлантиради деб ишонар эдилар. Аммо аслида агар халқ қўзғалса, калтак биринчи бўлиб оқсоқоллар бошига тушиши назарда тутилганди.

Ўз эҳтиёжларини қондириш учун, фуқаропарварлик, вилоятпарварлик ниқоби остида шу қалъаларга гўё Амир Темурнинг Ҳиндистонга шавкатли юришидек 10 000 кишилиқ қўшин, тўпу тўпхона билан юбориларди. У фуқароларнинг экинларини поймол, иморатларининг аксариятини хароб қилиб, тўрт ойгача туриб қайтарди. Шу муддатда тўрт юз, беш юз нафар оқсоқоллар қалъага қизларни келтириш билан машғул бўларди. Худди шундай ўнлаб араваларда вазирнинг махсус одамлари, мулозимлари Бухородан келар эди. Улар қизларни топиб, амир қаерда бўлса, кечаю-кундуз ўша ерга олиб боришар эди. 10 000 аскар хизматкорлари билан 20 000 га етарди. Улар ўша диёр хотинлари, фарзандларига кўз олайтирар, ҳайвоний хирсга берилар эди. Уларнинг Бухорода қолган хотинлари эса ҳар оқшом 20 000 одам билан яқинлашарди. **“Аллоҳ асраганлари бундан мустасно албатта”** (Қуръон, 7, 142(145)).

Хуллас, Мовароуннаҳрнинг Бухоройи шариф жойлашган қисми ялписига Лут Шаҳристонига айланди. Фисқу фасод, тартибсизлик шунчалик кучайдики, мамлакат фиръавнлар Мисрига ўхшаб “фосиқлар шаҳри” номи билан машҳур бўлди. Шундай шарафли Бухоронинг Лут шаҳрларига ўхшаб ифлос маконга айланишидан қўрқиш керак эди. **“Аллоҳим, бу ер одамларини бу фасоддан сақла”**. (Қуръон, 15,74).

Амир Музаффар бошқаруви замонида ўрнатилган тартиблар жумласига гулхан атрофида базму томошалар, болалар рақси, масхарабозларнинг чиқиши, дорбозлар ўйинининг жорий этилиши бўлиб, йил бўйи, ҳамма вилоятларда кечаю кундуз ҳамма ерда ногора, карнай садолари янграрди. Ҳамма жойда тинчлик ҳукмрон, фитнаю фасод тугатилган деган фикр ҳосил бўлиши учун шундай қилинарди. Агар давлатга хавфхатар туғилгудек бўлса, амир бу қадар хотиржам бўлмасди, доира овозини эшитиб ўтирмасди, деган хулоса ҳосил қилиш учун ҳам шу тахлит масхарабозлик қилинарди. Шаҳар аҳолиси

сувсизликдан, нархларнинг баландлигидан жон бераётган бўлсалар ҳам, сурнаю карнай ноғора овозлари пасаймасди, дорбозлар, раққосалар ўз ўйинларини давом эттирар эдилар. Зарафшон тўлиб оққанда, осмондан ёмғир ўрнига галла ёққанда шундай севиниш мумкин эди. Бўлмаса, жўшқин тантана, зиёфатлар нима учун қилинаяпти? Тавба қилиш, кечирим сўраш вақти, билъакс, асло рақс, дорни томоша қилиш вақти эмас эди. Чору ночор баъзилар шунчаки ёки оч қолсалар томошага борар эдилар.

Амир Музаффар даври узлуксиз байрамлару зиёфатлар замони бўлди. Масалан, агар ^{Кабул}янги йил кирса, икки ойгача сайилу зиёфат тўхтамасди. Кейин Қурбон ҳайити, Рамазон келарди. Агар бу байрамлар тугаса, хатна тўйлари, шаҳзода ва маликаларнинг никоҳ тўйлари уюштирилди. Олийҳимматли кишилар бу зиёфату байрамларда ўзларини бадном қилмас эдилар. Бу маъракаларда тубан, хасис одамлар, масхарабозлар, ўйинчилар, бесоқоллар совгаларини халталаб уйларига ташир эди. Саройга қизлар, фоҳишаларни етказиб берадиган қўшмачи кампирлар ҳаммадан кўп олар эди. Байрам кунлари айёмида султон саройида қанору қопларга солинган нон, майиз, қутиларга солинган ҳолваю қандни Арк тепасидан одамлар бошига сочардилар. Баъзиларининг боши ёрилар, айримларининг кўзи шикастланарди. Нону ширинликлар тўкилиб, оёқ ости қилинарди. Лекин ҳеч ким бундан баҳраманд бўлмас эди. Ваҳоланки, султоннинг саройида ҳамма хизматчилар, маҳрамлар, амалдорлар шунчалик оч эдиларки, гапиришга ҳам қурбилари етмасди. Кечга томон, хизматдан бўшаб уйларига кетаётганда, озгина қуруқ нон ва сувнигина топар эдилар.

Ажабланарлиси, ҳаётнинг шу тарзда кечиши шаҳарлик ва қишлоқликларнинг тўлиқ қониқтирарди. Аҳолининг тўртдан уч қисми “амир давлати бардавом этсин”, деб дуо қиларди. Учдан бир — ақлли қисми бу ҳаётдан норози бўлиб — Аллоҳдан паноҳ сўрарди. Улар: “Диндан узоқ-

лашгани, динсизларга яқинлашгани учун одамлар табиати-ни фисқу фасод эгаллади”, дер эдилар. Най, удни кўп эшитиш ва рақслар ҳақиқатда паст, тубан кишилар, нораства ёшлар мижозига тўғри келади. Шу сабабдан амирни дуо қилиш гумон қилинган, кураш, рақс, ашула айтиладиган жойларда, йиғилишларда қизиқчилар, дорбозлар, орқаси ювилмаган турли бебош дайдилар ва гадойлар қўл кўтариб жаноби амирни дуо қилар эди. Томошабинларни ҳам дуо қилишга даъват этар эдилар ва “амирни дуо қилинглари, жаҳонгир бўлсин”, дердилар. Бу йиғину тантаналарни, базму томошаларни шу амир даврида кўраяпмиз, ота-онамиз даврида кўрганимиз ҳам йўқ, эшитганимиз ҳам йўқ, “Илоҳим, ҳазрат жаҳонгир бўлсинлар! Белига белбоғини Ҳайдар Қаррор⁷⁷ боғласинлар”, деб қўл кўтариб, дуо қилар эдилар.

Ҳақиқий ҳолатни тушунган баъзи шахслар бошларини ушлаб, амир ва ўз ҳолларига кўз ёши қилардилар. Улар авомнинг пешонаси шўрлиги, аблаҳликлари, касофатлари бизга бир кун қайтиб келмасин, деб Аллоҳдан паноҳ сўраб, илтижо қилар эдилар.

Яна Лутнинг жинояткор қишлоқларини йўқотишга қарор қилинганда, бу хабарни фаришталар “Ижро қилиш вақти етди”, деб Жаброил алайҳиссаломга етказишди. Бироқ бу шаҳарда 13 кишигина намоз ўқир экан. “Ҳукм уларга ҳам дахлдорми?” деб сўрашди. Жаброил алайҳиссалом Аллоҳ таоло ҳузурурига бордилар. Аллоҳ таоло: “Ҳаммасини қолдирмай қатл қилинг. Агар улар яхши бўлганида бу шаҳарда яшамас эдилар”, деди.

Амирнинг фикрича, давлатнинг барқарорлиги, салтанатнинг ривожланишига олиб келадиган бошқа бир иш қамчи ва қилич эмас, балки дуою салавотдир. Қилич султонга зар⁷⁸ келтириш учун ихтиро қилинган эмас, қамчи ҳам султонга қизу хотин келтирмайди. У дуою салавот

⁷⁷ Бу ерда тўртинчи халифа Али ибн Абу Толиб назарда тутилмоқда. Чунки бу халифанинг Қаррор лақаби бўлган.

⁷⁸ Бойлик.

давлатни муҳофаза қилади, деган ақидага ишонар, иш дуою тумор билан битмаслигини билмасди...

Аслида, дуою салавот одам тақдири, унинг табиатига ўзи бунга амал қилгандагина натижа беради. “Сизлар менинг номимдан бу иш (намозу дуо ўқиш) билан шуғулланинглар, мен ўз фисқу ёмонликларимдан қолмайман” деб буюриш билан мақсадга эришиб бўлмайди.

Ўзиники бўлмаган пулдан бошқаларга маош тайинлайди ва уларни ҳам ҳаром пулга шерик қилади. Султон давлат маблағларини шунча кўп шахсларга сарфлашга ҳақли эмаслигини тушунадилар. Ҳақиқатда эса, султоннинг ўзи ёлланган, жамият уни ўзига хизмат қилиш учун танлайди. Унга “агар бизнинг молимизни муҳофаза қилишга мутасадди бўлсанг, йўлларимиз, уйларимизни ҳароми ўғрилардан ҳимоя қилсанг, сенга ердан олинган ушру хирождан маблағ берамиз. Сен бу маблағларга одамларни жам қил, бу муҳим ишда сенга кўмакчи бўлишларига фармон бер, чунки якка ўзинг бу ишни қила олмайсан”, дер эдилар. Бинобарин, шунга ўхшаш одамлар қадамини катта босса, бошқалар ҳақиқага зиён келтиради. Бечора гадо нима қилсин?! Султон денгиз бойликлари ва конларни очса, душманлар вилоятини эгалласа, ҳаддан зиёд бойликларни қўлга киритса, шу вақтдагина саховат қилиши дурустдир. У вақтда ҳар кимга ҳар нима хоҳласа, берсин. Унинг маоши фуқаро бўйнига тушмасин. Одамлар ҳақи доим унинг назарида бўлсин. Қўлидаги омонатни ақлга мувофиқ тасарруф қилсин, билъакс, исроф қилмасин. Ободончиликка пул ажратилса, султон уни саройлар қуришга, одамлар қатнамайдиган масжидларни безашга сарфламасин.

Бундай султон одам суратидаги шайтон бўлиб, Аллоҳнинг қаҳру ғазабига учрайди.

Амир Музаффар бошқаруви замонида аҳоли тавба қилиши ва гуноҳидан кечишни илтижо қилиши керак эди. Чунки Аллоҳ ғазабига учраб, шу золимнинг қарамига айланган эди. Фаҳшга берилгани боис шарманда бўлишдан

қўрқиб кўп одамларга олтин берар, қабристонларни зиёрат қилишга, Қуръон ўқиш ва дуо қилишга буюрар, шу ожизона ҳаракати билан Аллоҳни алдамоқчи бўлар эди... Тез орада ундан сўрайди: “Сенга бу маблағни фалон мақсадда сарфла дейилган эди. Сен эса ўзингга сарфладинг. Сен менга ибодат қиласан ва фахрланасан. Сенинг хазинадан бир дирҳам олишга ҳақинг бор эди! Лекин Фалончининг қизи учун минг дирҳам бердинг, қайси ҳисобдан бердинг?”

У (амир Музаффар — Й.Қ.) шундай хислатларим билан рус хавфидан халос бўламан, бу сифатларим бу ҳолатимда мени ҳимоя қилади, деб ишонарди. Ваҳоланки, рус амалдорлари агар бу мамлакатга ўзимиз эгалик қилганимизда бунчалик товон пули⁷⁹ йиға олмас эдик, деб билар эдилар. Чунки уларнинг қонунлари бунчалик зулму зўрликка асосланмаганди. Қонунда белгиланганидан ортиқ олишга журъат қила олмас эдилар. Амирнинг ўз халқи қонини ичаётганини кўрар ва хурсанд бўлар эдилар. “Қаерда, қанча ўлдирилмасин, бизнинг фойдамиз, шаҳар аҳли қанча заиф бўлса, биз ғалаба қилгандан кейин уларни итоаткорликда сақлаш шунча осон бўлади”, дер эдилар.

Русларга вилоятларимизни босиб олишни пайсалга солишлари фойдали эди. Қилиниши зарур бўлган харажатлар ўз зиммаларига тушар эди. Ундан ташқари, қандай қилиб кўп сонли қурама халқни тобеликда сақлаб туриш мумкин? Рус тартиби ўрнатилгандан кейин қўшимча харажатлар талаб этилмайдими? Нифоқ чиқиб, қўзғалиш содир бўлса, жамиятимизда ажралиш юз беради. “Хар ишни бошламоқчи бўлсанг, ундан чиқиш йўлини ўйлаб қўй”.

Бу масалага бепарво бўлишлари уларнинг узоқни кўзлаб қилган мулоҳазаларидан келиб чиқарди. Йўл очиқ эканлигини кўрсалар ҳам, бунга эътибор бермасликка уринардилар. “Жойингдан қимирлама, кет демасинлар”, дер эдилар.

⁷⁹ Контрибуция.

Амирнинг вақтичоғлик қилиши

Амир пойтахтда бўлса, хуфтон намозидан сўнг тундан тонггача вақтини харамда раққос бесоқол ёшлар ва аёллар билан фахш ишларга бериларди. Кеч киргач бир жамоа эркак ва аёл раққосалар, амир хизматидаги эркагу аёллар ўрда саҳнига рақс ва ашула билан кириб келарди. Шаҳар аҳолиси эшитсин деб қўшиқ нақоратида баланд овоз билан “Ҳазрати олийлари саломат бўлсинлар!” деб қуйларлар. Бу мажлиснинг бошланиши хуфтон намозига азон айтилиш вақтига тўғри келарди. Лекин азонга ҳеч ким қулоқ солмас, аҳамият ҳам бермасди. Тонгга яқин амир бир-икки уйқуси тарқамаган, бетаҳоратлар билан хуфтон намозини ўқир эди. Кейин бомдод намозини ўқишга бир соат бор бўлса ҳам, тонг намозини ўқиш буюриларди. Бомдодни ўқиб бўлгач соат ўнгача ухлар эди. Шундан кейин ҳожатхонага бориб, ўзини бўшатиб, юз-қўлини ювар, кейин ойна, тароқ ва сурма билан пардоз қилишга ярим соат сарфланарди. Ундан кейин, амалдорларнинг саломини эшитиш учун саломхонага чиқарди. Баъзида бу саломни қуёш чиқмасдан олар эди. Эрта-лабки намоздан кейин кундузги соат ўнгача сарой олдига кўп халқ тўпланарди. Улар бирон сабаб билан совға-салом, ҳадялар олиб келганлар ва бошқа тобе вилоятлардан чақирилганлар, арзларини айтиш учун келганлардан бўлиб, ўтириш жойи бўлмаганидан гоҳ бу оёқлари гоҳ унисига таяниб кутар эдилар. Баъзилари султонга салом беролмай қоламан деб таҳорат қилмасдан саройга югурарди. Бошқалари таҳорат қилиб-қилмай маҳалладаги масжидларидан сарой масжидига намоз ўқиш нияти билан борсалар, у ерда намоз ўқиб бўлинган, қуёш кўтарилиб кетган бўларди. Кейин қазо намозини ўқиб, соат ўнгача ўтирар ва амирни дуо қиларди. Амир шу тартибсизликда саломларни қабул қилар, юборилган арзномалар, ёзма маълум-

мотларни талаб қилар эди-ю, лекин уларда қандай арздод ёзилганини тушунмасдан уларни мунший, мушрифга юборар эди. Ижозат бўлса, бирон хат билан жавоб берар эдилар. Бўлмаса, натижасиз қолаверарди.

Масалан, Гиждувондан — у ернинг миршабидан: “Бу оқшом Фалончилар, Фалоннинг ҳовлисига кириб, шунча миқдорда мулкини кўтариб кетибдилар. Бир-икки кишини ўлдирибдилар. Бу ҳақда ҳовли эгаси хабар келтирди. Ижозат бўлмагани учун уларни тутмадик. Бу масалада марҳамат бўлмаса, бу ҳаромилар саҳрога қочиб кетсалар, уларни қўлга тушириш қийин бўлади” мазмунидаги хабар келса, амир уйқуда бўлса, берилган хабар бўйича қарор кун чиққандан кейин қабул қилинарди. Агар уйқуда бўлмаса ҳам, қарор кеч намози вақтида ёки эртаси эрталаб қабул қилинарди. Хуллас, икки кун ўтгандан кейингина қотил — ўғрини ушлашга киришиларди. Бу вақтда ўғри Хоразмда бўлар эди.

Шундан кейин, амир мажлис иштирокчиларини, яқинларини ҳузурига чақириб, койиб танбеҳ берарди.

Шу аснода наҳор нонуштаси тайёр бўларди ва амир нонушта дастурхони иштирокчиларидан хотинлар билан қўшилиш кайфияти, туяларнинг қўшилиши ҳақида сўрар ва бу сўроқлар овқат ҳазм бўлгунча, ҳайвоний нафси уйғонгунча давом этарди. Шунда сакраб туриб ҳарамига чопар ва никоҳидаги хотини ёки бошқа аёл билан қўшилди. Шу тариқа, ҳаммом қабул қилиш зарурати пайдо бўларди. Ҳаммомдан кейин сартарошни чақирар, кейин ухлашга кетарди. Хоҳлаганча ухларди. Тургандан кейин қабулхонага бориб, мулозимларини чақирарди. Тушлик таоми келтириларди. Овқат ҳазм бўлгунча, табиатида хотинлар билан алоқа қилиш талаби пайдо бўлгунча алжираб ўтирар ва шу замон ичкари чопар эди. Саройда бўлганида кечакундуз овқат ейиш, жинсий талабини қондириш билан вақтини ўтказарди. Ҳафта ўтмасдан саҳрога бориш майли

пайдо бўларди. Шу заҳоти вазир ўз одамларига фоҳишаларни келтиришни буюрар ва арава-арава хотинлар саҳрога келтириларди. Худди бир зарур ишни бажараётгандек отларни у ёқдан бу ёққа чоптирар эдилар. Ҳақиқатда эса, фоҳишалар учун сурма, мушк-анбар, оҳак олиб келиш учун шошар эканлар. Агар амир саҳрога чиқса, унга уч минг аскар ҳамроҳ бўларди. Улар деҳқонлар ерида чодирлар қуриб, кўп экинзорларни пайҳон қилар эдилар. Зерикмасликлари учун қароргоҳда мақомчилар гуруҳи узлуксиз ашула айтар ва раққос ва раққосалар эса рақсга тушар эдилар. Лекин мусофирликда, уйдан узоқ яшаганлиги, ўз ташвишлари билан банд бўлганликларидан уларга ҳеч ким қарамас ва ишлари йўқ эди.

Агар фуқаро ва раиятдан бирор кишининг арз қилиш зарурати пайдо бўлса, иссиқ ёки совуқ бўладими, шаҳардан ташқарига чиқиши, уч кундан ўн беш кунгача кутиши, шунда ҳам ишини битира оладими — йўқми, маълум эмас эди. Чунки мулозимлар, хизматкорлар амирга малол келишидан, қўрқиб, хабарни етказа олмас эдилар. Агар етказсалар ҳам, аризага мувофиқ аниқ бир жавоб олишнинг имкони йўқ эди. Амир бирор нарса деса, “амир нима деди ва нима демоқчи эди?” деб бир-бирлари билан бекорга тортишар эдилар. Ҳукм чиқарилган бўлса ҳам, муншию мушрифлар икки-уч хил жавоб берар эдилар.

Масалан, ариза сув тўғрисида бўлса, султон ҳукм чиқаргунча дарёнинг суви қуриб, экинлар сувсизликдан қовжираб қоларди. Шундан кейин даъвогар хатни олиб ариққа ташлаши ёки ташлаб юбориши мумкин эди. Чунки энди ундан наф йўқ эди. Ваҳоланки, бу хатни ёзишга 20-30 дирҳам бекорга сарфланарди.

Ариза агар қизиқчилар, фоҳишабонуларни излаш тўғрисида бўлса, дарҳол кўриб чиқилар ва ўша замон ҳукм чиқариларди. Бундай аризаларни кўриб чиқиш зерикарли бўлмай амирнинг хоҳишига мувофиқ келарди.

Сафарга чиқиш тартиби шундай эди: қўшин чиқишидан олдин дехқонларнинг туялари ва камбағалларнинг юк ташувчи араваларини зўрлик билан тортиб олиш бошланарди. Шундан амирнинг сафар қилиши маълум бўларди. Шу сабабли шаҳарга бир неча кун нон ва бошқа маҳсулотлар келтирилмасди. Нарсаларнинг нархи бирдан кўтарилиб, бева-бечораларнинг фиғону ноласи ошарди. Амир шаҳардан туяларни оларкан деб эшитсалар, ҳамма нарсаларини жой-жойига ташлаб, қочар эдилар. Унинг сабаби шундаки, аскарлар қўлига тушган ҳар қандай туя ёмон қаралганидан ўлар, улар қўлига тушган аравалар синар ёки ёқиб юборилар, отлар эса ориқланиб ҳалок бўларди. Чунки унинг эгасига отига суву ўт беришга рухсат этилмас, рухсат берилганда ҳам, озгина вақтдан кейин ўз оту араваларидан безор бўлиб қочар эдилар. Сабаби шунда эдики, оту туяларга ҳеч ҳам ачинмай оғир юк ортишар, камига бир нечтаси миниб олар, аммо от-туяларнинг емямоғига эътибор бермас, бир-икки манзил ўтгач, улар ўлибгина бу азоблардан халос бўларди.

Амир аскарларга от, туялар ёллаш учун бир неча минг дирҳам берарди. Бунинг устига хазинадан ўлган туя ва отлар учун бир неча минг дирҳам ажратиларди. Лекин туя ва арава эгасига бир дирҳам ҳам етиб бормасди. Улар шикоят ҳам қила олмасдилар. Султонга малол келади, деб бирон киши улар шикоятини етказмас эди.

Ажабланирлиси шунда эдики, харам ва султон хотинларининг сиру асрорлари халқ оғзида дoston эдию амирнинг сафарга чиқиш вақти эса давлат сири ҳисобланган. Бирор киши амирнинг шаҳардан қачон чиқишини, йўлга қачон тушишини билмаслиги керак эди. Ноғора чалингандагина амирнинг ўша соатда чиқиши маълум бўларди. Аммо қайси йўлдан, шаҳарнинг қайси дарвозасидан чиқишини билмас эдилар. Билгач, халқ амир истиқболига чиқишга шошиллар, вазир одамлари эса нонушта тайёр-

лаш ташвишлари билан банд бўлардилар. Лекин ошхона жиҳозларини қаерда ўрнатишни билмас эдилар. Шаҳардан ташқарига чиқадиган бўлсалар, икки-уч кунлаб шаҳар девори ташқарисида қолар эдилар. Аммо одамлар нафасларини ичларига ютиб, амирни отга миниб йўлга чиқишига мунтазир эдилар. Эртадан кечгача шу аҳвол эди. Отларнинг юки туширилмаган, амирнинг курсиси ҳам молларнинг елкасига боғланган. Шаҳардан чиқмай азобуқубатда бир ерда турар эдилар. Шом бўлгандагина амирнинг бу кеча шу ерда қолиши маълум бўлар эди. Шундан кейингина юкларни тушириб, таом тайёрлаш тараддудига киришилар эди. Шундай ҳам бўлардики, одамлар хотиржам, ноз-неъматлар тайёрланиб, таомлар пишган ёки пишаётган бир пайтда амир отга миниб, нообод, хароб манзилга йўл оларди. Шу билан ходимларни суву ўт топиш ташвишида қолдирарди. Шунингдек, қиш пайтида дашту саҳрода ётиб қолишга қарор қилар, бу билан қор-совуқдан яширинадиган жой тополмай қийналишларини истарди..

Амирнинг бир одати шунда эдики, у ҳар ярим фарсаҳда дам олиш учун тўхташга амр қиларди. Иссиқда бўладими, совуқда бўладими, аскарлар отларининг жиловидан тутиб юкларни отлардан туширмай, чодир қурмай, кетишга мунтазир бўлиб тураверарди. Шу тахлит баъзан бир ёки бир неча кун қолиб кетишарди. Баъзан, кечаси йўлга чиқиш учун буйруқ бериларди. Бундан одамларнинг охуноласи, норозилиги янада кучаяр, лекин уни изҳор қила олмас эдилар. Шу манзилларда ҳам қушбегининг одамлари фоҳишаларни етказиш билан шуғулланар эди.

Йўлда ем-хашак топиш қийин эди, шунга қарамай бу ерлардан нарида бўлиш учун бу ишга интилувчилар йўқ эмасди. Лекин бунга эриша олмас эдилар. “Аҳмоқлар бўлмаса, дунё хароб бўлади” деган гап рост ва тўғри айтилган.

Бу сафарларда ҳеч ким ўзига манзил танлай олмас эди. Масалан, қози аскар сафарда бўлса, йўлда ўзи хоҳлаган жой тополмасди. Иссиқ ёки совуқ бўлишидан қатъи назар, ноилож очиқ даштда тўхташга мажбур эди. Шунга қарамасдан, амир тўхташга қарор қилган манзилларда кишиларнинг саломга келиши шарт ҳисобланарди, бормаслиги мумкин эмас эди. Бормаган сиқувга олинарди. Бу сафарларда бир боғ (харвар) пичанни бир динорга сотсалар ҳам, ҳеч ким “нега бунчалик қиммат, юқори баҳода сотаяпсан?”, деб сўрамас ва индамас эди.

Сафарларда биронтанинг юки ағдарилса, унинг қўшниси ёрдамга келмас, ташналик ёки совуқдан ўлаётган одамга ҳамроҳи қарамасди.

Бир кун ушбу сатрлар муаллифига⁸⁰ шундай муборак бир сафарда ҳамқадам бўлишга тўғри келди. Қиш яқинлашиб қолган, сафар уч ойдан ортиқ давом этаётган эди. Ҳамма амир қачон отга минади, хайит намозини Кешда ўқиш учун қачон қайтади, деб мунтазир эди. Шу аснода вазирнинг вафот этгани ҳақида хабар келди. Амир хоҳласа, хоҳламаса, шаҳарга қайтади, деб хурсанд бўлдик. Мен шодлигимдан вазирнинг ўлими санасига таърих битдим:

Шоҳ Муҳаммад вазир қушбеги,

Бухоро давлатидан шукуҳликни кетказди.

Унинг давлатидан ёқалар йиртилди,

Кўйлак чўнтагининг ямоғи битмади.

Тириклигида ҳамма вақт бемор эди,

Минг ғам билан гўрга кирди.

Унинг ўлган кунини у дунё фариштаси:

Бу сана таърихини “занғар” деб атади.

Бу тарихий бахшидани амир саройида хизмат қилаётган фозиллар йиғинида ўқиб бердим. Уларнинг кўпчилигига шеър ёқмади. “Вазир шарофатли одам, давлатнинг таянчи

⁸⁰ Аҳмад Дониш.

эди. У ҳақда бундай ёзиб, яхши иш қилмабсан”, дедилар. Мен фарангларнинг қамоққа олингани, Козимбекнинг келиб-кетиши, у жамоанинг аҳволидан беҳабар бўлганлиги ҳақида баён қилиб бердим. “Давлатда юз берган ҳамма харобалик вазирнинг бадбахтлигидан”, дедим. Улар: “Аҳвол шундай бўлган бўлса, у ҳақда нима десанг ҳам, оз”, дедилар.

Вазирнинг ўлгани аниқ бўлганидан кейин амир Шаҳрисабздан чиқиб, Қаршига келди. У ерда ҳеч қандай заруриятсиз 15 кун яшади. Одамлар эса уйларини соғиниб, жонлари бўғизларига тикилди.

Шу кунлари ҳаво бир қадар муътадил эди. Аммо кунлар кескин совиб, кучли қор ёға бошлаганда амир Қаршидан чиқиб, Бухорога йўл олди. Шу кеча шамол, момоқалди роқ, бўрон бўлганлиги туфайли кўп кишилар йўлдан адашиб, ҳалок бўлдилар. То Хожа Муборак⁸¹ манзилига етгунча 33 пиёда аскар йўлдан адашиб, совуқдан ҳалок бўлди. Уларни фақат жасадлари олиб келинди.

Бу банда (Аҳмад Дониш — Қ.Й.) ҳам дўстлари билан жон хавотирида йўл аломатларига қараб, адашмасдан манзилга етдик. Икки соатлар чамаси ўзимизга турар жой топишга уриндик. Қаерга бормайлик, саройгами, ҳовлигами сарбозлар чиқиб: “Бу жой Фалончи ўнбошиники, Фалончи юзбошиники, ҳозир келиб қолади”, дер ва ҳеч кимни бу ерда тўхташига йўл қўймас эдилар. Ўртоқлардан баъзилари улар билан тортишиб ёқама-ёқа бўларди. Мен эса ўзимни четроққа олиб, амирни “жаҳонгир бўлсин” деб дуо қилардим. Саҳарга яқин бир нонфуруш бизнинг аҳволимизга раҳми келиб, қишлоқдан ташқарида бир ҳовлини кўрсатди. Биз ўша ерда тўхтадик. Унга икки-уч дирҳам бердик. Вазирнинг қабридан торроқ, амирнинг бахтидан қорароқ уйда ўша тунни ўтказдик.

⁸¹ Қашқадарё вилояти, Муборак тумани ҳудудида жойлашган Муборак Марвазий зиёратгоҳи назарда тутилмоқда.

Эрталаб отларимизни қор уюмлари тагидан топдик. Амирни дуо қилиб, отларга миндик. Мен бир ҳазилкаш дўстимдан сўрадим: “Қиёмат куни амирдан Шаҳрисабздан чиққач, аскар тинч манзилига етиши учун нега ўша куниёқ Бухорога бормадинг, ахир ҳаво очиқ эдику? Нега қаҳратон қиш куни чиқиб, халқни қийноққа ва ўлимга маҳкум этдинг?” деб сўралса, қандай жавоб берган бўлар эди? Дўстим айтди: “Амир шундай жавоб қилган бўлар эди: Ҳа, шундай бўлган эди. Мен Қаршига кириб, Муҳаммад Фуломни қушбеги этиб тайинладим. Ўғлига чорва закотини бердим. Фалончини қози қилдим. Фалончини раис қилдим. Шунинг учун Бухорога боришимиз кечикди”. Мен эътироз билдириб, дедим: “Эй, золим, бу ахлатни Қаршида еган эдинг. Бухорода есанг, нима ўзгарарди?” деб сўрасаларчи, “Амир: “Мен билганни сизлар билмай-сизлар”, деб жавоб берар эди”, деди дўстим. Мен давом эттириб: “Агар унга: “Сен шунчалар ақлсиз экансан. Нега давлат ишларида ҳеч ким билан маслаҳатлашмайсан?”, десалар-чи?” дедим. “Қабул қилмас эди. Ҳайдаб чиқарар эди ва “Халқ менга хушомад қилавериб, мени гумроҳга айлантирди”, деярдди”, деди.

Мен дўстимга: “Мен ҳам, сен ҳам шу жамоадан-ку!” десам, “Мен унинг туфайли азоб тортиб юрганлигим учун буни ҳеч қачон қабул қилмайман”, деди.

Бир сўз билан айтганда, амир Музаффар замонида Бухоро ободонлигида катта тушкунлар юз берди. Мамлакат таназулга юз тутди. Кўпчилик экинзорлар сувсизликдан қуриди. Чунки Бухоро суви руслар тасарруфига ўтиб қолган эди. Аксар деҳқонлар туманлардан Сирдарё бўйидаги русларга қарашли ерларга кўчиб ўтдилар. Амалдорлар-солиқ йиғувчиларнинг жабр-зулми кучайиб кетганлигидан султонга тегишли ерлар экилмай қолди.

Бир куни қози маҳкамасида икки киши ер-сув масаласида ўзаро жанжаллашмоқда эди. Бир деҳқон бошқа-

сидан юз дирҳам қарзини талаб қиларди. Амин уларни сулҳга келтириш учун даъвогарга: “Ғалла экилган ерини қарз ҳисобидан олгин, бу ҳосилдор ерни қабул қил, агар у ернинг ҳосили етишса, 300 дирҳамга эга бўласан”, дер эди. У эса рози бўлмасдан: “Менга ер керак эмас, қарзимни берсин. Чунки *ушр* йиғувчи, амлоқдорга у ер ҳосилининг ҳаммасини берсам ҳам, кўнмайди. Аксинча, мени яна қарздор қилиб, исканжага олади”, деди.

Ҳақиқатан ҳам, амалдорлар, солиқчилар шудгор қилинмаган, экилмаган ерлардан ҳам *ушр* ва *хирож* талаб қилар эдилар. Деҳқонларга: “Агар бу ерга экин экилганда 100 манга тенг ғалла солиғини берар эди, ўзинг бепарволик қилдинг, энди азобини ҳам тортасан”, деб ҳийла билан турмага тортар, занжирбанд қилар эдилар.

Марҳум амир вақтида 10 000 — 15 000 танга миқдориди *ушр*, *хирож* берадиган туманлар бу даврга келиб, 100 000 танга берадиган бўлдилар. Ҳар йили кузда амир солиқ йиғувчиларни йиғиб, калтаклаб ғазаб билан ҳисоб талаб қилар эди. Солиқчи ихтиёрида қандай мулки бўлса амир уни хазинаси учун тортиб оларди: Шу сабаб улар қўлларига нимаики илинса, хазинага тортар эдилар.

Кунлардан бир куни марҳум амир даврида қозикалон давлат манфаатларини кўзлаб: “Фалончи пилла бозорида 6000 танга ижара пули бераяпти, Фалончи эса 12 000 танга бермоқчи, ижозати олий бўлса, ўшанга ҳужжатлаб берилса, амир хазинаси фойдасига бўлар эди”, деди. Марҳум амир жаҳли чиқиб: “Пилла бозорида танга экишмайди. У одам ортиқчасини фуқаролар молидан олади, хазинани кўпайтираман деб уни харом пул билан булғайди. Хазина *раият* молидан адолатсиз йиғилгани ҳисобига тўлганидан кўра бўш тургани маъқул”, деди.

Ҳозир эса ўша бозордан хазинага 100 000 танга берадилар. Шундан ками билан 50 000 дирҳами тарозидорлар, ижарага берувчилар ўртасида тақсимланади.

Бир деҳқон шундай ҳикоя қилди: “Мен Гиждувондан икки ярим сир миқдорда пилла олиб келдим. Унинг пулига рўзғор учун зарур бир нечта нарса олишни мўлжаллаган эдим. Бозорга кирганимдан молимни бир нечта тарозида тортдилар. Икки-уч жойда амина ва тағжойи олдилар. Мен, шу тариқа, молимни ярим нархига, ярим оғирликда сотиб, 10 танга эгаси бўлдим, холос. “Ўзим ҳам бу ўғриларнинг тарозиси палласида йўқолиб кетмайин” деб қўрқиб, орқамга қарамай қочдим”.

Шу тариқа, хазинага тўпланган дирҳамлар расвогарчилик, масхарабозликка сарфланарди ва бирон дирҳам ҳам ўз эгасига бориб етмас эди.

Бир куни амир ҳарамидаги суюкли хотинларидан бири қиз туғди. Бешиги, туваги, сумагига 3 000 тилло харажат қилинди. Ҳафталик бўлиб, бешикка боғлангунга қадар 50 000-60 000 дирҳам сарфланди.

Фарзандли бўлган аёл аслий⁸² бўлмай, бир неча туркман ва савдогар аҳлининг тасарруфида бўлган чўри эди. Амирнинг назарига тушиб, ҳарамнинг бонусига айланган эди. Ҳарамда бир неча эркакларни кўриб, бир неча йиллардан кейин ҳомилали бўлди. Бола ерга тушмасдан⁸³ аввал у “соҳибқирон”, “амирзода”, “жаҳонгир” бўлади, деб айтила бошланди. Унга тиллаю нуқрадан бешик буюрдилар. Унинг либоси, палоси учун бахмалу кашмир матоларидан тўп-тўп йиртиш қилдилар. Марварид тақилган зардўзи чопонлар тиктирдилар. Бир гуруҳ аёллар қушбегининг уйида кийим, тўн тикиш, қирқиш билан машғул эди. Салтанат аҳли унинг бешиги, сумагини зар бўёқлар билан безади.

Мунажжимлар ҳам “туғилажак бола ўғил бўлади”, у “жаҳонгир бўлади”, деб башорат қилди.

⁸² Зодагон, зоти тоза.

⁸³ Туғилмасдан.

Аммо ҳомила қиз бўлиб туғилди. Шунга қарамасдан, Бухорода дору-с-салтанатда бир ҳафта давомида улкан тантаналар бўлди. Шаҳарлик аёлларга ҳар куни уч ман гуруч, бир неча ман холва ва шакар тарқатилди. Ҳамма шарафли саркардаларнинг хотинлари тўп-тўп таъзимда бўлиб, султон саройига совғалар, ҳадялар олиб борар, эвазига ҳар хил егуликларга эга бўларди. Уч кунгача султон аркига кириб бўлмасди. Хотинлар, ўйинчилар, найрангбозлар кўринишхона⁸⁴ ва арк ичидаги йўлакларда сайр қилар, доира чалар, ашула айтарди. Ҳамма лаганбардорлар, оқсоқоллар жоме масжидда писиб ўтирарди.

Кечқурунлари амирнинг ўзи хиромон юриш қилиб, бўйи ўн беш, эни ўн газ, ойнаванд катта зал уйга — аёллар олди-га киради. Уйнинг тўрт томонида ҳам бегона, ҳам маҳрам аёллар ўтирарди. Уйнинг бўйига яраша дастурхон ёзилиб, турли ноз-неъматлар ва ширинлик тўкилган. Амир ўртага ўтириб олиб, хотинларнинг даражасига мувофиқ турли егулик, ширинликларни кўрсатиб, “Бу Фалончига, бу Фалон хотинга” деб инъом қиларди. Ходимлар эса олиб бориб, ўша хотин олдига қўярди. Бу уй орқасидаги майдонда турли ашулачилар ашула, дoston айтар эди. Улкан томошалар ташкил этилиб йигиту қизлар ўйнар, хотинлар доира чаларди. Амир вақти-вақти билан дирҳамлар тўла халтачани қўлга олиб, супага чиқиб, улар устига сочар эди. Хотинлар тангани қўлга киритиш учун ташландилар, баъзиларининг ковушлари йиртилди, айримининг боши ёрилди. Баъзисининг бошидан рўмоли, дўписи ерга тушди. Шўру ғавғо кўтарилди. Амир бу ҳолдан шоду масрур, хандон бўлди. Замон эса унинг устидан, ҳолидан куларди.

Турон мамлакатини бошқариш хотинлар даражасидан паст одамнинг қўлига ўтса-я?! Узига лозим топган бу ишлар, аслида, уй бекалари вазифасига киради. Асло амирга муносиб эмас. Мусулмон амирининг қабоҳат, разилликларини хотиржам кузатувчи кўз қайда бор!?

⁸⁴ Амирнинг махсус қабул қилиш хонаси.

Хуллас, олтин бешик амирнинг, нуқра бешик доялар хонаси қўйилди.

Ғоҳиша ва ёмон аёллар ҳар куни эрталаб амир саройидан ортган нону ҳолваларни халталарини тўлдириб олиб кетар эдилар. Лекин муҳтож одамларга бир лукма ҳам бориб етмас эди. Ҳаммаси қўшмачи хотин-халажлар ва уларнинг яқинлари от, сигирларга хизмат қилиб келганлар ком⁸⁵ига кетар эди. Гуломнинг хизматини мамлакат бошқарувига баробар деб қарар эдилар. Амир атрофидаги юқори мансаб, амалларга тайинланганлар шаҳар вазири уларнинг котиблари ҳисобига киритмас эдилар.

Амир замонида кенг тарқалган янги русумлардан яна бири Наврўз байрамини нишонлаш бўлди. Қуёш Балиқ бўржининг ўртасига етганида байрамга тайёргарлик ишлари бошланиб, дорбозлик, кўзбўямачиларга керак бўлган асбоб-ускуналар жамланарди. Савр ойининг ўрталарида қишлоқлар ва шаҳар атрофидаги аҳолини тўплашга буюриларди. Ҳунармандларни зўрлик билан шаҳардан ташқарига ҳайдашарди. Туни билан машғалалар ёқиш, ашула айтиш, рақсга тушиш, кўзбўямачилар чиқиши бошланарди.

Ажабланарлиси шунда эдики, шайхларни муридлари билан байрамга таклиф этар эдилар. Улар давра қуриб, Мавлави маснавийсини ўқир, бошқа жойда Қуръон тиловати, хатми салавот қилар эдилар. Шу ернинг ўзида масхарабозлар даврасида бемаъни, уят сўзларни айтишар ва кофирлар лафзида гапириб, одамларни кулдиришарди.

Уламолар, саййидлар, раислар, муҳтасиб, аълам ва охунд даврасида икки шахс — шаҳар қозиси ва раис қиёфасида бошларига қўй ичакларини ўраб, мода эшак устига тескари ўтириб, халқнинг шикоят услубини тақлид қилиб, қозикалон олдида бир-бирига савол берар эди: “Раис ҳазратлари баччавозликни ман қилганлар. Сизнинг ҳукмингиз қандай?”

⁸⁵ Оғиз.

Уламолар бу саволдан кулар, завқланарди. Раиснинг ўзини (тақлидчини) эшакка тескари ўтказдилар. Кейин эшак думига илгакли арқон боғлаб, раис (актёр) бўйнига ташлаб, унинг қўлини орқасига, оёғини эшакнинг қорнига маҳкам боғлаб қўйдилар. Бош қозининг олдида икки одам бир соқоли чиқмаган бола ҳақида баҳслашмоқдалар: “Бу бола мендан минг танга олган. Бу одам эса унга зўрлик билан эгалик қилмоқчи ва бизнинг муносабати-мизга раҳна солмоқда”. Тақлид қилувчи раис: “Бор, бу бола сеники”, деб ҳукм чиқарди. Бошқаси бошқа томондан келиб, худди шундай даъвони қилди. Тақлид қилувчи яна: “Бор, бу бола сеники”, деди. Шу ҳолатда ҳар икки даъвогар қўлларида қўйнинг бир бўлак талоғини ушлаб туришарди. Бошқа киши қўлидаги сув тўла идишни мода эшак кетидан кўтариб юрди. Икки нафар даъвогар тақлид қилувчи раисдан нафратланиб: “Сен ўзи қандай ҳукм чиқардинг?” деб талоқ билан идишдаги сувни уриб, сўнг эса эшак орқасига шундай қаттиқ урдиларки, бечора эшак лабини қимирлатиб, бу базмни эгаларини ва иштирокчиларини лаънатлади. Маъраканинг эгалари ва кўпчилик иштирокчиларига бу томоша маъқул келарди, аммо бу қарғишлар уламоларнинг қулоғига кирмас эди. Шу вақт талоқ билан тақлидчи раис оғзига шундай урдиларки, шапалоқнинг овози анча жойга етиб борди. Бу ҳолатдан энг олдин кулган раиснинг ўзи бўлди. Ҳамма уламолар кулдилар. Томоша қилаётганлардан ҳеч бир киши бу аҳмоқликка индамас, “ижрочилар ҳам, томошабинлар ҳам Аллоҳнинг лаънатига учрасин”, демас эди.

Бошқа томошада хотинлар кийимини кийиб олган бир эшак ва бесоқол йигитча туя устидаги кажавода ўтириб, йиғинга кириб келишди ва уламолар кўз ўнгида турли жирканч сўзларни айтишди. Ҳамма завқ билан томоша қилар, қулоқ солар, табассум қилар ва бундай байрамона кунларда эркак ва аёллар аралашиб кетган эди.

Баъзида зодагон аёллар эркак кийимида юрарди. Бу ерда бузуқлик бозори, қимор ўйинлар, ҳақоратомуз сўзлар авжида эди. Ҳар бир пастқам ерда, девор тагида, панароқ жойда севишганлар ўз истакларига эришар эди. Раиснинг ўзи қиморбоз ва бузуқларни ҳимоя қиларди.

Девон муншиси⁸⁶ шундай ҳикоя қилади: “Бир куни ёнимдаги қўриқчим муҳим бир ишни бажариш учун чиқиб кетди. Бирон соатлардан кейин қайтиб келиб, нақл қилди: “Бели боғланган, қишлоқи этигини кийган бир мўйсафидни кўрдим. Мендан: “Муфтийхона қаерда?”, деб сўради. Мен кўрсатдим. Чол сўради: “Амирнинг машғулотлари қаерда бўлади?” “Мана бу боғда”, дедим. Шу вақтда дорбоз арқон устида юрар, сурнай ва катта ноғора довул садоси кўкка бўй чўзган вақт эди. “Амир бу боғда бўлганида хотинлари қаерда бўлишади?” сўради чол. Унга шу боғда туришлари айтилди. У: “Амир қандай қилиб бегона эркакларнинг бақир-чақирлари ҳарамсаройига эшитилишига сабру тоқат қилади?” деб сўради. Мен унинг бу саволига ҳеч қандай жавоб қайтара олмадим. Чол давом этиб: “Мен Ваганзи туманидан бир муҳим иш билан келиб, хабар келтиргандим, деди. Биз чўлда яшасак ҳам, хотинларни ёпинчиқда сақлаш унча қаттиқ талаб қилинмаса ҳам, бегона эркакларнинг уйга кириши ва ҳатто уларнинг овозини хотинларимиз эшитишини ҳам истамаймиз”.

Чол қўлимдан тутиб фикрини давом эттирди: “Сен ҳушёр йигитга ўхшайсан. Менинг хотиримга бир ҳикоят келди. Сенга уни айтиб бериб, сўнг ўз йўлимга кетаман. Аёзни султон Маҳмудга сотмоқчи бўлишди. Султон қулнинг баҳосини сўради. Аёзнинг хожаси бу қулнинг баҳоси минг динор бўлиб, ундан камига сотмаслигини айтди. Султон эътироз билдирди: “Девонамисан? Бозорда бундай хизматкорнинг баҳоси ўн динор. Сен нима деб валдираяпсан?”. Аёзнинг хожаси: “Бу гуломнинг уч хунари

⁸⁶ Амирнинг шахсий котиби.

бор ва у шу жиҳатлари билан барча озод кишилардан устун туради. Майли, султон унинг истеъдодини синаб кўрсинлар. Имтиҳондан ўтса, шу нархга олиши ва олмаслик ўз ихтиёрларида”, деди. Султон: “Қандай истеъдодлар эгаси?” деб сўради. Хожаси: “1. Бу ғулом жавҳар⁸⁷ни яхши танийди. 2. Отларни яхши ташхис қилади. 3. Одам моҳиятини яхши аниқлайди”, деди.

Султоннинг қўлида хушранг зумрад бор эди. Уни ташхис қилишни ғуломга ҳавола қилди. Аёз тошни қўлига олиб, яхшилаб текшириб, аниқ фикрини айтди: “Яхши тош, аммо нуқсонли бор. Ичидаги бўшлиқда қурти бор”. Султон уни синдириш учун вазирга берди. Вазир бир нодон ғуломнинг гапига кириб, нафис жавҳарни синдириш ҳайфлигини айтди. Аёз: “Султоннинг сўзи пурқиммат дуру жавҳардур, арзимаган тош учун қимматбаҳо дурни синдириш ярамайди⁸⁸”, деди. Вазир хижолат бўлиб қолди. Аёз тошни кўтариб урди. Ҳақиқатан ҳам, унинг ичидан кичкина қурт чиқди. Аёзнинг довяораклиги ҳам, ўзи ҳам султонга маъқул тушди. Султон ғулом учун сўралган пулнинг берилиши, хожасига эса тўн кийдиришни буюрди. Кейин Аёзга отхонага бориб отларни зотдор, зотсизга ажратишни амр қилди. Аёз отхонага бориб келиб отхонада биронта ҳам зотдор от йўқ барчасида нуқсонлар бор”, деди сўнгра: “Агар рухсат бўлса, сипоҳларнинг отларидан танлайман”, деди. Кейин ташқарига чиқиб, бир фурсатдан кейин ориққина, аммо ҳаракатчан отни олиб келди. “Бу асл, зотдор от, тарбияланса, чопқир бўлади”, деди. Султон сўради: “Неча кунларда унинг фазилатлари намоён бўлади?” “Агар унга ўзим қарасам, бир ойдан кейин”, деди Аёз.

Отни, бир ой тарбия қилингандан кейин, олиб келдилар. У барча отлардан ҳар жиҳатдан ғолиб чиқди.

⁸⁷ Қимматбаҳо тош, олмос.

⁸⁸ Султоннинг сўзи бу каби тошлардан қимматлиги таъкидланмоқда.

Бир куни султон: “Менинг хулқ-атворим ҳақида ўйлаб кўрдингми? Мен кимман ўзи?” деди. Аёз: “Ўйладим, аммо икки шарт бажарилгандагина айтаман: аввал, бу мажлисдан ҳамма чиқиб кетсин. Кейин, менинг қонимдан кечилса”, деди. Султон қабул қилиб, ёзма равишда тасдиқлади ва ҳаммани мажлисдан тарқатиб юборди.

— Мен сизни султонлар эмас, балки новвой, нонфурушлар хонадонидан деб гумон қиламан.

Маҳмуд ажабланиб сўради:

— Бу сўзларни қандай далилга асосланиб, айтаяпсан?

— Дастурхончи дастурхон ёзганида амирнинг кўзи нонда бўлади. Ноннинг орқа-олдини текшириб, унинг бугдойини таърифлайди. Бу сифат фақат новвойлар табақасига хос.

— Агар мен бу ҳолни текширсам-у, бундай бўлиб чиқмаса, сенга қандай жазо берай?

— Қандай жазо тайинлаш амирнинг ихтиёрида.

Султон онаси олдига кириб: “Тўғрисини айтинг, менинг отам ким? Тўғрисини айтмасангиз, акс ҳолда, сизга нажот йўқ”, деди. Онаси:

— Отанг Сабуктегин бир неча марта қизли бўлганимдан кейин, таъкидлаб, яна қиз туғсам, ҳарамдан ҳайдалишимни айтди. Сен туғилаётган оқшом яна қиз бўлишидан кўрқиб, “Худо сақласин” деб шаҳарнинг қаерида ўғил туғилса, менга олиб келишларини тайинладим. Шундай бўлдики, мен яна қизли бўлдим. Ўша кеча сарой новвойининг хотини ўғилли бўлди. Ўша сенсан. Мен қизни сенинг ўрнингга юбордим, сени эса саройга олиб келтирдим. Ҳозир менинг қизим новвойининг уйида, — деди.

Султон таажжубланиб, Аёзнинг зийраклигига офаринлар айтди. Ўз синглисини эса новвой уйдан саройга келтирди”.

Чол ҳикоясини тугатиб, қўшимча қилди:

— Менинг назаримда, бу амир⁸⁹ Насруллоҳнинг ўгли эмас. Эҳтимол, отаси раққос, ҳикоячи ёки кўзбўямачи бўлса керак. Акс ҳолда зотли одам ҳеч қачон шундай разолат, бемаъни машғулотларга берилмаган бўларди. Султон бу бемаъни ишлар, ўйинларга бош бўлмас, аксинча, уларни ман қилган бўлар эди. Мен ўз даъвойимдан воз кечдим. Султоннинг фоҳишабозлигига муроса қилиб юрган жохил муфтийнинг олдига ҳеч қачон арзи дод билан бормайман”, — деб уйига қайтиб кетибди.

Умуман, амир Музаффар замонида ислом тўла заифлашди, шариат ҳокимият оёғи остида топталди. Пасткаш, кул ва номуносиб барча мансабу амалларни эгаллашди.

Диний ишлар ва давлат бошқарувида шундай тартибсизлик вужудга келдики, ҳеч кимда: на бадавлатда, на фуқарода тинчлик, хотиржамлик йўқ эди.

Шунинг учун Аллоҳ таоло амирни рус давлатининг хизматкори, ходими, лаганбардорига айлантириб қўйди.

Хоразм таслим бўлиб (1873), руслар Урганчга бостириб кирганда амир ғайридинларнинг отларини ем ва сув билан таъминлаш ташвишини ўз зиммасига олишга мажбур бўлди. Ҳамма қўниш ва тўхташ жойларига ғалла ва нон етказиб берди. Русларнинг босқинчиликлари, ғалабаларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлади. Шу тариқа, қисқа муддатда ўз истакларига эришмоқчи эди, аммо бир умрга шарманда бўлиб, замон китобига ўзининг қора номини қолдирди.

*Бу дунёда шундай яшагинки, ўлганингдан кейин,
Дўстлар қайғудан ўз бармоқларини тишласин.*

Амирзода⁹⁰ рус давлатига тинчлик ва омонлик билан борганида (1869) элчининг аҳмоқлиги ва ҳимматининг пастлиги туфайли қўли бўш, тарвузи қўлтиғидан тушиб қайтди. Амирзода йўлда зерикканидан Қуръон тиловат қилиб, умид билан дерди: “Мен қандай қилиб отам олдига бораман?”

⁸⁹ Амир Музаффар.

⁹⁰ Бу ерда Амир Музаффарнинг ўгли Абу-л-Фатҳ назарда тутилмоқда.

Шояд, Тошкент губернатори менга вилоят бериб, қўлимни бўш қайтармаса”. Бир куни амирзода мендан Қуръонга қараб фол очишни сўради. Бу оят чиқди: **“Бирор шаҳарни ҳалок қилишни истасак, ундаги маншат аҳлини (итоат этишга) буюрамиз ва улар итоатсизлик қилишгач, у шаҳар (аҳолиси) устига (азоб ҳақидаги) сўз муқаррар бўлур. Бас, биз уни вайронага айлантируرمىз.”**⁹¹

Амирзода мендан оят мазмунини изоҳлашимни сўради. Мен: “Нима истайсиз? Ростини айтайми ёки сизни мамнун қиладиган таъвил айтайми?” дедим.

— Тўғриси айт.

— Отанг, из икки-уч марта ғайридинлар билан учрашганда қочганлар. Бухоро халқи хавф остида қолган. Сизлар борига қаноат қилишларингиз, ортиғини талаб қилмасликларингиз керак эди. Бўлмаса, ҳаммангиз исёнчига айланиб қоласизлар.

— Қандай қилиб?

— Худованди карим оятининг мазмуни шундаки, ҳар сафар биз бирон шаҳар ёки қишлоқни ҳалок ёки хароб қилмоқчи бўлсак, бу ишни бажаришни шу қишлоқ, шаҳарнинг ҳокими, қозиси, ҳарбий сардори, зодагонлари қўлига топширамиз. Кейин бу вилоят мулкдорлари амалга, ҳокимиятга интилиб, ҳаёт лаззатларига берилиб, сусткашликка юз тутар, бузилишлар тузатилмас эди. Шундан кейин, бу қишлоқни, унинг аҳолисини жазолаш ҳақидаги ваъда қонуний тус олади. Шундан кейин, қишлоғу шаҳарлар шунчалик хароб бўладики, ғайридинларнинг уларни эгаллашига имконият яратилади. Баъзида диндан қайтганлар, ўша қишлоқда яшовчиларни ўлдиришга хоҳиш уйғотамиз. Кейин шуни билингки, эй шаҳзода, губернаторнинг вилоятларни қайтариб беришига умид қилиш беҳуда орзу. Агар Бухоро икки-уч кун сизнинг ҳукмингизда бўлса, шуни ўзи катта бахт, бунга шукр қилиш керак.

⁹¹ Қуръони карим. Исро сураси, 16-оят.

Ҳақиқатдан ҳам, биз Тошкентга келганимизда губернатор озроқ майиз, ёнғоқ бериб шаҳзодага жавоб берди. Бу орада шаҳар одамларининг аҳволи кундан-кунга ёмонлашмоқда, қашшоқлашиш томон юз тутмоқда эди. Ҳар бир касбда ва ҳар бир ишда камчилик, нуқсонлар, бепарволик кузатиларди. Сабаби, бозорларда назорат йўқолди, тарози ва ўлчовларда ўғрилиқ кучайди. Дарёда сув кам эди. У ўз вақтида келмас эди. Душмандан хавфсираб ҳар бир қишлоқда жойлашган қалъага озик-овқат юбориларди. Атрофдан нон ва ғалла келтириш етарли эмас эди. Йўллар хавфсиз бўлмагани учун узоқдаги вилоятларга товар ва матолар юбориш тўхтаган эди.

Бир марта Қуръони каримдаги *“ (Ер юзида) бирор қишлоқ (шаҳар аҳли) йўқки, Биз уларни қиёмат куни (келиши)дан илгари ҳалок қилувчи бўлмасак ёки уларни қаттиқ азоб билан азобловчи бўлмасак. Бу ҳукм Китобда (Лавҳу-л-маҳфузда) битилгандир, ”*⁹² оятини ўқиганимдан кейин “Самарқанд христианларнинг ўлдирилиши туфайли бузилса, Бухоро очлик ва қийинчиликдан ҳалок бўлади”, дедим.

У вақтларда бу ўлкада христианларнинг изи ҳам йўқ эди. Самарқанд ғайридинлар қўлига ўтгандан кейин бу огоҳлантириш ўзини оқлай бошлади. Лекин руслар халқлар ўртасидаги низоларни бартараф этиш ва тартиб ўрнатиш баҳонасида бу ҳақда кенгашган бўлсалар-да, қирғинбарот қилмадилар. Туркия, Фарангистон, Ҳиндистоннинг қаршилиги, кураши туфайли қулай вазият вужудга келмади.

Янги асрда дунёни ўзгартирувчи биронта шахс пайдо бўлмаса, руслар хавфсиз ҳолатга тушсалар, улар бундай буйруқни албатта имзолайдилар. Агар бу юз йилликда дин ва давлатда янгиланиш содир бўлса, бу башорат ўз кучини йўқотади.

⁹² Қуръони карим. Исро сураси, 58-оят.

Бухорога очарчиликнинг келиши аён бўлиб қолди. Агар руслар Зарафшон сувини ўзлари учун ишлатсалар, Бухорога сув етиб келмайди. Ҳозирги вақтда Самарқанд каналларининг сони ўн иккитадан йигирма саккизтага етди. Кўплаб чўл ва водийларда экин экиш, иморатлар қуриш буюрилган эди. Мен бир марта баҳорнинг аввалида, айтишга далилим бўлганлигидан амирга ёзма мурожаат қилиб: “Бу йил ёмғир камроқ бўлиши кутилмоқда. Иссиқ кунларда сув танқислигидан Аллоҳ асрасин. Самарқанд сувига ишониб хотиржам ўтириш ярамайди. Агар ижозати олий бўлса, Бухородаги етти туман ерларининг ҳар танобидан икки тангадан *жул*⁹³ йирилса, йирилган тангадан икки *лак*⁹⁴ ини сарфлаб Карки ва Калиф ноҳияларидан ўтадиган Амударё сувини Қарши, Бухоро, Миёнколга олиб келиш мумкин. *Жулдан* қолган пуллар умумий ободончиликка сарфлаш учун амир хазинасида қолар эди”, деб ёздим. Амир: “Бухоро подшолари Амудардан сув олмаган, аксинча, унинг оғзини боғлаган. Чунки, Аллоҳ кўрсатмасин, душманларнинг кирдикорлари ёки тошқин натижасида сув Бухорони хароб қилади. Амударёдан сув тортиб келиш маслаҳати масаланинг тўғри ечими эмас”, деб жавоб ёзди. Мен эса бунга жавобан: “Бундай хавотир асоссиз”, деб жавоб ёздим.

Фараз қилайлик. Каналимиз қуйилиш жойини Карки қаршисига деб мўлжалласак сув тошқини бўлади деб фараз қилинганда ҳам, у Қаршининг ғарбидан ва Қоровулхона тақирлари (Когон яқинида) ва Мамажўғротидан ўтиб, чўл ва қум орқали Нарзам ва Чоржуй яқинидан оқиб яна Амударёга қуйилади ва Бухорога ҳеч қандай зарар етказмайди. Агар Калифдан сув тортилса, у вақтда Хузур дарёси қайтиб Миёнколга етиб боради.

⁹³ Фавқулодда вазиятлар учун йиғиладиган солиқ тури.

⁹⁴ Юз минг.

Бундан ташқари, сув мансабини тошу цемент билан мустаҳкамлаш, қоровул тайинлаш ёки биронта қўрғон одамларига сув ҳолатидан хабардор бўлиб туриш топширилиши мумкин.

Орадан бир кеча ўтди. Амир яна: “Биз Амударёдан сув олсак, руслар нега Амударёдан сув олаяпислар, биз берган сув қаноатлантirmаяптими деб сўраса нима деб жавоб берамиз?” деб ёзди. Мен: “Руслар бундай демайди. Руслар бу вилоятларни эгалламоқчи бўлсалар, сувсиз ердан сувли ер яхши-ку! Биз русларга бундай дейишга ҳақлимиз: “Сен берган сув бизга ўз вақтида етиб келмаяпти. Иссиқ кунларда бизнинг экинларимиз сувсиз қолмоқда. Натижада, вилоят ушри ва хирожини ололмаяпмиз” дедим. Амир жавобида: “У⁹⁵ мени тинч қўймапти, яхшиси, салом бериб, бирон нарса сўрасин. Бундай сўзлар билан арз қилмасин”, дебди. Шундан кейин менда амирга бундай масалалар билан арз қилиш ҳафсаласи йўқолди.

Бир марта император пойтахтига элчилар қаторида борганимда Бухоро суви ҳақида губернатор билан мунозара қилдим: “Император бизга мурувватли, дўстона муносабатда бўлгани учун сен ҳам бизга дўст бўлиб, Самарқанд сувини тенг иккига бўл: ўн-ўн беш кун Бухорога, шунча вақт Самарқандга ташла. Ундан ташқари, булоқ ва коризларнинг кўплиги туфайли Самарқанд аҳолисининг сувга эҳтиёжи нисбатан камроқ, аксинча, Бухорода жавзо ва саратон ойларида хатто ҳайвонларни суғоришга ҳам сув бўлмайди. Экинларни суғоришни гапирмаса ҳам бўлади”. У жавобида шундай деди: “Самарқанд дарёсининг суви ўзига зўрға етади. Мен Бухорога Сирдарёдан сув келтиришни ўйлаяпман. Ҳозир менда бундай имконият йўқ, лекин, албатта бу муҳим тадбирни амалга ошириш борасида имзо қўйдираман”.

⁹⁵ Аҳмад Дониш.

Мен губернатор сўзларидан “Бухорони буйсундирган заҳоти унга қаердан бўлсин сув келтираман” маъносини уқдим. Мен ўз сўзимда қатъий туриб олганимдан безор бўлиб: “Хотиржам бўл, мен Самарқанд ҳокимига ҳар йили сувингизни истаган маромда, вақтида етказиб бериш тўғрисида хат ва фармон юбораман”, деди.

Дарҳақиқат, биз Тошкентга келганимиздан кейин ҳоким: “Менга Бухоро сувини сиз айтган миқдорда ва вақтида юбориш тўғрисида фармойиш бўлди. Сиз ўз амирингизга билдиринг, у дарё бўйида доим турадиган одам юборсин. У бу ишни назорат қилсин ва сувдан ўз улушини олсин”, деди.

Аммо афсуски, бу ҳақда амирни хабардор этсамда, бу муҳим ишга давлатсаройдан ҳеч ким тайинланмади.

Тасодифан ўша йили ёнгарчилик кўп бўлиб, Бухоронинг сувга бўлган эҳтиёжини бутунича қоплади. Аммо кейинги йили иссиқ кунларда дарёда сувнинг камлиги, унинг ўз вақтида етказилмаганлиги ва амирнинг аҳмоқлиги туфайли экинлар сувсиз қолди. Амир керак муддатда ўз улушини оладиган одамни юбормади, бу одам Бухорога ажратиладиган сув миқдорини аниқ ва ойини белгилаши керак эди. Шу билан русларнинг эътироз билдиришига баҳона пайдо бўлди. Чунки ўтган йили ивирсиб қолганликлари сабабли, келаси йили ҳам ўз улушларини талаб қила олмадилар. Бухоро суви ҳисобга олинмади. Бухоронинг кўп туманлари хароб бўлди. Амалдорларнинг жабр-зулмидан кўп одамлар ўз қишлоқларини ташлаб Ғазали ва руслар эгаллаган ерларга кўчиб кетдилар ва ер, сув эгасига айландилар.

Бундан ташқари, ҳоким золим бўлса, адолат ва шариатдан узоқлашса, у доим ўз ҳаёти, мулки, ҳокимиятидан ваҳимада, қўрқувда яшайди. Ҳеч кимга ишонмайдиган, бадахлоқ бўлади.

Амир шахват ғалаба қилганидан ҳар қандай ахлоқий, илоҳий таъқиқлардан узоқлашди. Унинг табиатини қўрқув, ваҳима эгаллади. Давлат хавфсизлигини қишлоқ ва даҳларга аскарлар юбориш ёки жамоани Қуръон тиловати ёки дуолар билан ҳимоя қилиш мумкин деб ҳисоблади. Шу сабабларга кўра, ғалла ва бошқа маҳсулотларнинг нархи ўзгарувчан эди. Ҳар икки ҳафтада аскарларнинг чиқиши муносабати билан ҳарбий аслаҳа ва юк-анжомларни ортиш учун одамларнинг оти, араваси ва туяси олинарди. Шу сабабга кўра, одамлар ўз уловларини ижарага беришни истамас эдилар. Чунки жуда кўп ҳолларда ижарага берилган оту туялар эгаларига қайтарилмас ёки уларга оғир юклар ортилиб, кўпол муомала қилинар, еми, сувига эътибор берилмаслиги туфайли юк ортилган уловларнинг кўпчилиги ҳалок бўларди. Шунинг билан бир қаторда, биронта аскар ҳайвонлар ёллаш ва сотиб олиш учун пул сўрай олмас эди. Саркардалар эса хазинадан бирни икки қилиб олар ва ўз қоринларини тўйдиришга сарфлар эдилар.

Шу сабабларга кўра пойтахтда бир пуд буғдой нархи баъзида қирқ тангага ва ундан зиёд баъзан эса йигирма танга бўларди. Ёғнинг нархи эса баъзида саккиз танга, баъзида ўн олти танга бўларди. Ҳар сафар от, туяларни аскарларга ижарага олсалар, Бухорога ғалла, дон келтириш йўли ёпилар, одамлар фарёд қилишар, лекин уларнинг доду фиғонини ҳеч ким эшитмас эди.

Мен қулай фурсат топиб, амирга бир неча марта: “Мингта туя сотиб олиб, бир-иккита доруға ва карвончиларга топшириш зарур. Уларни бўш вақтларида сарой эҳтиёжи учун ғалла, кўмир, ўтин келтиришга жалб қилиш, ортиб қолган маҳсулотларни бозорда сотишлари мумкин бўлади, бу эса фуқароларга ҳам, хазинага ҳам фойда келтиради”, деб арз қилдим. Ҳар куни туяларда саройга юқори баҳоларда ғалла, кўмир ўтин олиб келишдан бирон маъно борми?! Менинг айтганимдек бўлганида эди, хазинага ҳам

ижтимоий харажатларни амалга ошириш учун маблар кирар ва бу фуқаролар аҳволини яхшилашга хизмат қилар эди. Таассуфки, подшолик тахтида ўтирганларнинг биронтасига бу таклиф маъқул тушмади.

Бир сафар амирга: “Рус аскарлари тўрт гилдиракли араваларга эга. Бир от тўрт ман ёки ундан ортиқ юкни тортиши мумкин. Ҳар бир аравага тўрт кишини бириктириш, ҳар бири навбат билан миниши, аравани бошқариши мумкин. Агар тўрт юзта шундай арава тайёрланиб, сарбозхонага берилса, тўпхонадаги мутасаддилар аравага биттадан от ажратсалар, аскарлар тинч сафар қилишлари мумкин эди. Шунда от ва туяларни ижарага олишга ҳожат ҳам қолмас, фуқаро мулкига зарар етмас, нархлар ҳам ошмас эди”, дедим. Бу таклиф ҳам ҳокимият томонидан қабул қилинмади ва табиийки, ҳеч ким маъқулламади.

Одамларнинг яшаши қийинлашди, ҳамма касбу коринқирозга юз тутиб, халқ ўртасида барака йўқолди. Кечакундуз “Илоҳим, ҳазрат жаҳонгир омон бўлсинлар!” деб дуо қилар эдилар.

Шундай қилиб, бу шаҳар халқининг тартиб ва кенгаш ипи узилди. Ҳар ким бошқасидан бир нарса кутар, лекин тополмас эди. Аскарларга хотиржамлик, камбағалларга хавфсизлик, бойларга фаровонлик етишмасди. Ҳар бир киши кўзини катта очиб, мамлакат ва динда янгиланиш бўлишини кутарди. Лекин бунинг аломатларини кўрмасди. Ҳар ким давлат ва миллатни янгилашга уринмасин, ҳеч қандай самара бермас эди.

Амир Музаффар оламдан ўтгандан кейин унинг ўрнига валиаҳд Абдулаҳад ўтирди. Руслар очикдан-очик Бухоро ва унинг атрофларига ҳукмронлик қила бошладилар. Ўтган амир мамлакатни русларга бериб қўйган бўлса-да, уни яширин, пинҳона қилган эди. Янги ўтирган амир эса мамлакатни ошкора таслим қилди. Ҳеч қандай янгилик юз бермади. Аммо башоратчилар, ақл идрокли кишилар амир

Музаффардан кейин кимки давлат бошига келса, тахтга ўтирса, асрни янгиловчи бўлади, дину давлатга нур ва раванак келтиради, мамлакатда тартиб ўрнатади, дер эдилар.

Йўқ, йўқ! Ҳамма фикр ва хаёллар бир зумда тарқаб кетди. Эй, воҳ! Яхши бўлмади — ёмон бўлди. Агар аввалги амир ашула ва рақс, мусиқа ва масхарабозлик, кўзбўямачиликни ривожлантиришда янгилик киритган бўлса, кейинги амир аҳмоқлар, бемаънилар, ифлослар бозорини жонлантирди. У бу дунёда ейиш, ичиш ва уйқудан бошқа нарсани тан олмади. Агар отаси асосан нокасларга илтифот кўрсатиб, баъзан яхшиларга яримта бўлса-да, нон берган бўлса, ўғли ўша яримта нонни ҳам бермай қўйди.

Башоратчилар миллат ва давлатни янгилаш учун Яратгувчи шаҳар ва қишлоқларни золимнинг ғазаби билан хароб, бошқани эса адолати билан обод қилишини таъкидлардилар.

Камбағал ва деҳқонларнинг жабр-зулм кўришларига авваламбор ўзлари сабабчидирлар. Чунки улар биринчи золимга индамадилар. Шу сабаб ўрнига иккинчи золим келди. Қисқаси, золим ўрнига золим, одил ўрнига одил келади.

Бухоро давлатини бошқариш амир Абдулаҳад ихтиёрига ўтгандан кейин, у золимликда отасидан ҳам ошиб тушди. Шу сабаб энди бу давлатда фуқаро ва раият аҳволининг яхши бўлиб кетишини кутиш амри маҳол эди. Мамлакатда фисқу фасод янада авж олди ва ҳозирда улар бошига гулгула, мусибат тушиб, бахтсизлик ва офат эшик қоқиб турибди. Бу воқеалар мана шу даврга хос хусусиятлардан бири бўлиб қолди. Зийрак одамлар буни жамиятнинг барча соҳаларида кузатиши мумкин...

Шундай қилиб, бу сатрлар муаллифи учинчи марта император пойтахтига сафарга (1874) боришга мажбур бўлиб қолди. Унгача қуруқ нону сув билан тинчгина яшаётган эдим. Россия Хоразм устидан (1873) ғалаба қилгани-

дан кейин фуқаро ва сипоҳни ўз томонига оғдириб олиш учун Кеш⁹⁶ вилоятига кетган амир Музаффардан Қушбеги номига “Фалончини⁹⁷ Россияга борувчи элчиларга ҳамроҳ қилиб юборилсин”, деган муборак нома келди. Элчилар юбориш зарурат юзасидан лозим топилди. Чунки ўша кезде Самарқанд ҳокимидан “император тўй қилар экан. Фурсатдан фойдаланиб, дўстлик изҳор қилиб, элчи юборилса, ҳурмат бажо келтирилган бўлади. Бу тўйга ҳамма мамлакатлардан кишилар келади” мазмунидаги хат келди. Натижада, Муҳаммад Қушбеги мени оту анжом билан таъминлади ва шитоб билан султон олдига юборди. Шаҳрисабзга бориб, мадрасада тўхтадим ва саломлашиш учун ўрдага бордим. У ерда ҳеч кимда элчилик сафарига қизиқиш аломатини кўрмадим. Икки-уч кун эрталаб, кечқурун сарой атрофида гангиб юрдим. Ҳеч ким менинг ҳолимни сўрамасди. Амир ҳам кўп қатори менга ним қараш қиларди. Сухбатдошларимдан бирига: “Элчи бўладиган ким? Мен унинг ёнида бўлишим керак”, дедим.

- Ҳозиргача маълум эмас, қулоққа эшитилаётган гапларга қараганда, Россияга ё Яхшибек Додхоҳ, ё Исомиддин Тўқсабо ёки Нажмиддин Ҳожа Мир Асад юборилар экан.

Тўртинчи куни камина қаттиқ зерикканидан олий даргоҳга ариза ёздим, унда “олий фармонга мувофиқ бу муборак манзилга келдим. Отимни мадраса ҳожатхонаси олдига боғлаб қўйганимга уч кун бўлди, ўзим эса мадрасада омонат ўтирибман”.

Миш-мишларга кўра сафарга юборилувчилар номзоди учта эканлиги маълум бўлмоқда. “Марҳамати олий бўлса, улардан қай бири ҳушёр, дадил ва пулни қисилмай сарфлайдиган бўлса, ўша элчи бўлсин. Лекин нодонлик, фаҳмсизликда уларнинг ҳаммалари баробар”, деб ёздим.

⁹⁶ Ҳозирги Шаҳрисабз.

⁹⁷ Бу ерда Аҳмад Дониш назарда тутилмоқда.

Амир буни ўқиб чиққач кулиб юборди ва деди: “Хасисликда буларнинг уччаласи ҳам баробар, бошқасини танласинлар”. Шундан кейин Абдулқодирбек додхоҳ элчи қилиб тайинланди. У хушёр, дадилроқ эди. Шундан кейин мен сафар учун лозим бўлган нарсалар рўйхатини тақдим этиб, уларни тайёрлаб қўйишни айтдим. Элчига сафарга тайёргарлиги учун минг танга, бу сатрларни муаллифига ҳам минг танга тайинладилар. Биз Шаҳрисабздан чиқиб, Самарқандга равона бўлдик.

Кетишимиздан аввал қўлимизда император номига ёзилган хат бўлиши лозимлиги, биздан бирон нарса сўрасалар шу хат мазмунига мувофиқ жавоб беришимиз шартлигини айтдим. Шундай бўлса-да, хат мазмунини бизга ишонмадилар ва ҳатто хомаки нусхасини ҳам бермадилар.

Бу сафарда қийинчиликлар камроқ бўлди. Чунки бу элчи билан болалиқдан таниш эдим. У хушмуомала оҳангда: “Бу сафарда сен элчисан, мен сенинг фуқароингман. Менинг одамларим сенинг одамларингдир. Бу сафарнинг яхши-ёмон бўлиши сенга боғлиқ, кимга нима хоҳласанг бериш ва ман қилиш сенинг ихтиёрингда”, деди. Элчи бу сўзларни маст қилувчи ичимлик таъсирида карахтлигидан айтди ва фикрини тугата олмасдан пинакка кетди.

Аммо ростлик ҳолатида олмоқ, бермоқ, ман қилмоқ, ҳады қилмоқ масалаларида ҳеч ўйлаб-нетиб ўтирмай ҳукм чиқарар эди. Дирҳам бериш керак жойда динор берар, қаерда бир динорни тежаш керак бўлмаса, ҳеч нима бермасди. Қисқаси, шу расволик, бемаъниликда Оренбургга боргунча элчининг йўл харажати тамом бўлди. Бухоро савдогарларидан яна ўн минг танга олиб, Петербург томон йўл олдик. Йўлда Туркистон вилоятларига руслар томонидан тайинланган ҳокимлар бизни таъзиму ҳурмат билан кутиб олар, зиёфатлар қилиб жўнатар эди. Элчи уларга инъом, эҳсон қиларди, Петербургга етгунча ҳамма пуллар сарфланиб тугади. Бизларни бу ерда ораста, беа-

тилган уйга жойлаштирдилар. Бизнинг кундалик қилинадиган харажатларимизни амалга ошириш учун катта бир амалдор тайинланди. Ҳамма зарурий нарсалар ҳар кун муҳайё қилинар ва дафтарга ёзиб қўйиларди. Ҳали Тошкентда эканлигимиздаёқ бизга вазирлик мансабдори, Федоров фамилияли киши бириктирилган эди. Унинг ёнига яна икки кишини қўшишди, улар бутун йўл давомида биз билан бирга бўлдилар. Кечқурунлари бизни ресторанларга, кундузлари давлат хазинахонасига, чорбоғлар, ажойиб подшоҳ саройларига сайр қилдиран анвойи таомлар ва ичимликлар, мевалар етказиб берар эдилар. Бизнинг суҳбатларимизни таржима қилиб туриш учун вазирот котибларидан Қозимбек номли таржимон тайинланди. У аввалги сафаримизда ҳам бизга хизмат кўрсатган ва менга кўп дўстлику меҳрибонлик кўрсатган эди. Бу йигит зеҳли, билимдон эди. Табиатимиз ўхшаш бўлганлигидан менга чин дилдан боғланиб қолди.

Қозимбек келиб мен билан яхши сўрашиб, элчи олдига кирди. Бир соатча гапиришиб бўлгандан кейин, ташқарига чиқиб, менинг олдимга келди ва деди :

— Ўтган сафар элчи бўлиб келган хомкалланинг номи нима эди?

— Абулқосим додхоҳ.

— Бу кишининг номи нима?

— Абдулқодир додхоҳ.

— Бу элчилардан муддао нима?

— Менинг хабарим йўқ, эҳтимол амирнинг хатида император қизининг тўйи муносабати билан табрикнома ёзилгандир.

— Аввалги элчи нодон эди, лекин кўп гапирар эди. Буниси ҳам нодон, ҳам камгап экан. Сизнинг мамлакатингизда шунча одамдан бошқаси топилмадими? Бу элчи аввалгисидан ҳам баттарроқ-ку! Нима, амирингиз ақллини жоҳилдан ажрата олмайдими?

Эртасига элчи амир хатини олиб келиб деди: “Амири-миз бу хатда валиаҳд шахзодалардан бири подшоҳ хизматида бўлишини истайман”, деб ёзибди. Буни подшоҳга таржима қилиб бердим. У: “Бухоро амирининг фарзандлари кўп бўлса, биз қайси ўғлини назарда тутганини билмасак. Жавоб тайёрлашни Кауфман зиммасига юклайман у амирнинг келадиган валиаҳд ўғлини аниқлаб берсин”, деди.

Уша вақтда Туркистон генерал губернатори⁹⁸, касаллигига қарамасдан, подшоҳ байрамида қатнашиш учун Петербургда эди. Шунда мен хатни олиб ўқидим ва у амирнинг сўзи билан ёзилганини кўрдим, мендан хижолат ва уялмаслик учун уни пинҳон тутган экан. Унда фоҳишаю енгилтабиат аёллар, бесоқол йигитларга айтиладиган ғоят кўп хушомад сўзлар, иборалар ишлатилган экан. Хат асосан “Сенинг олдинга келмоқчи ва итоат қилмоқчи эдим, лекин элу улус ва уламолардан қўрқаман. Шунинг учун фарзандларимдан бирини ҳузуринга юбораман. У сенинг хизматингда бўлиб, тузумни ўргансин ва охир оқибат, валиаҳд бўлсин” мазмунида эди.

Бу пайтда Козимбек биздан ажралиб, Кауфман ҳузурига йўл олди. Подшоҳ Кауфманга топшириқ бериб деди: “Петербургдан кетганингдан кейин Бухоро амирига валиаҳд бўладиган ўғлингни пойтахтга, тузумни ўрганиш учун юбор”, деб хат ёзиб юбор. Кауфман таъзим билан бош эгиб қабул қилди.

Бир куни таржимон элчи олдига суҳбатлашиш учун келди ва менга: “Подшо байрами яқинлашмоқда, барча давлатларга хабар юборилган. Муборакбод қилиш, бахт тилаш учун подшоҳлар келмоқдалар. Дабдабали зиёфатлар, базмларга тайёрланишмоқда. Сен подшонинг қизи ва куёви номига тўй куни санаси таъриhini ҳам кўрса-

⁹⁸ Генерал Кауфман назарда тутилмоқда.

тиб, бир шеър ёзсанг. Мен таржима қилиб, подшоҳга кўрсатсам. Подшоҳ албатта хурсанд бўлади ва элчиларингга катта иззат-ҳурмат кўрсатади”, деди-да, энгашиб, секингина қулоғимга яна деди: “Шунда элчидаги баъзи бемазагарчиликларни хаспўшлаган бўласан”. Мен рози бўлдим. Аммо йўл чарчоғи ва макон ўзгариши туфайли руҳиятим ёмонлигидан шеър ёзадиган ҳолатда эмас эдим. Таржимон ҳар сафар кўрганда “нима қилдинг, нима ёздинг?” деб сўрар, ёзганларимни кўрсатишни талаб қиларди. Мен “яхши, яхши” деб ўтардим.

Унинг қисталанг қилишини кўриб, “мени имтиҳон қилиб, қобилиятимни синамоқчи”, деб ўйладим. Ноилож, қиз билан куёв исмини сўрадим.

- Йигитнинг исми Альберт, асли фаранг, Ҳиндистоннинг Калкутта подшоси Викториянинг ўғли. Келин императорнинг қизи. Ўз чиройи билан унга бутун жаҳонни равшан кўрсатади. Подшоҳ қизининг исми Марям, қисқача, Мари.

Шом ва хуфтон намози орасида тўққиз ҳарфни тўққиз байт бошида келтириб, қўлига бердим. Шеър шу мазмунда эди:

“Парижлик Патенинг қомати сарв,

Чехраси зухра юзидек, табассум этганда,

Этакларга оғздан дур тўкиларди.

Қулоқ остидан қўнғироқ зулфи ажиб товланиб,

Сунбул гул тароватининг обрўсини тўқарди.

Унинг дийдорини кўриш ажаб кайф бағишлайдики,

Унинг ҳар бир нигоҳида жон кафтига май тўкиларди.

Унинг майин овози ошиқлар қулоғига гоҳ саъва,

Гоҳ булбул садоси каби етарди.

Азим Петербургдан Америкага сафар қилганида,

Ҳамма ёқдан гул-гулалли нолалар эшитиларди”⁹⁹.

⁹⁹ Т.Жалилов ва А.Ҳакимов таржимаси.

Таржимон бу бахшида шеърни таржима қилиб, подшога киритди. Подшо жуда хурсанд бўлиб, таҳсинлар айтди ва ўз номи ёзилган нақшли, ораста безалган оғирлиги уч мисқол¹⁰⁰ келадиган 34 та олмос қадалган узук совға қилди. Шундан кейин, доим қизи билан извошда ўтириб кетаётган бўлса, қизига мени кўрсатиб, илтифот қилар, мен ҳам таъзим қилардим.

Таржимоннинг қистови билан бағишлов шеърини ёзаётган куним, шеър атрофига нақшу тасвир тушираётган вақтимда элчи олдимга кириб: “Нима қилаяпсан?” - деб сўради. “Козимбек айтган бағишлов шеър”, дедим. Ўқиб кўриб, ранги ўчди ва қаттиқ ғазабланди. Унинг маломат кўзи билан қарашига қараб мендан уч сабабга кўра жаҳли чиққан деган мулоҳазага келдим: 1. Сен мусулмонсан: нега ғайридинларни мақтадинг? 2. Сен табиатан хасиссан, шу баҳонада, улардан бирон нарса ундирмоқчисан. 3. Агар амир эшитса, жаҳли чиқади.

Шу сабаб унга: “Мен бу ишим учун узр сўрайман ва шунга мажбур бўлганимни билиб қўйинг. Мен уни таржимон Козимбекнинг талаби билан бажардим. Бундан ташқари, зарурат бўлганда насронийни таърифлаш ҳеч қандай ножўя ҳаракат ҳисобланмайди. Ишнинг самараси ва фойдаси ҳақида гапирадиган бўлсак, аввало, у сен ва амиринг фойдаси. Менга эса ҳеч қандай нафи йўқ. Шунинг учун жаҳлинг чиқиши ўринсиз”, дедим. У: “Бундан мен ва амирга қандай фойда бор?” деди.

“Масалан, агар менинг шеърим учун бир дирҳам берсалар, сенга ўн дирҳам берадилар. Агар менга ўн дирҳам берсалар, сенга юз дирҳам берадилар. Ўз давлатимизга қайтганимиздан кейин бу дирҳамлар амирга қайтарилади”.

Бу қадар исбот ва далиллар Мир додхоҳни қониқтирмади ва мен турган дала ҳовлидан чиқиб кетди. Тўю томошалар тугаган куни туннинг тасвири, бағишлов шеъри ва

¹⁰⁰ 10-15 грамм.

олган совғам тўғрисида амирга мактуб ёздим. Элчи “мен билан аразлашиб қолгандан кейин амирга шикоят ёзаяпти”, деган хавотирда “ёзганини кўрсатсин” деб ҳар замон одам юборар эди. Хатни ёзиб тамомлагандан кейин “почтага ўзи ташласин”, деб қўлига бердим. Хатни ўқиб чиқиб, дарҳол мен яшаган хонага келди ва елкамга катта бир зарчопон ташлаб, қаттиқ кечирим сўради. “Мен билмасдан сенга қўполлик қилибман, мен амир эшитиб, хафа бўлади сен эса буни пинҳон тутаяпсан, деб ўйлабман”, деди.

Подшодан сўзларни яшириш ярамайди, Сизнинг ҳам бундай қилишингизни истамайман. Сизни кечирдим. Мен сизни тушунаман, чунки сиздай бўлиб ўтганман. Мен сиздай эмасман, сиз ҳам мендай бўла олмайсиз.

Рус подшоси менга таъриф доирасидан зиёд иззат кўрсатди: салтанат мажлисларига таклиф этди, ҳамма элчилардан юқорига ўтқазди, томошахоналарда ўз ўриндигига яқин ердан жой берди, кўп инъомлар қилди, ниҳоят, тўй тантаналаридан кейин жавоб берди.

Тўй байрамларда, тантаналарда, иморатлардан олган таассуротларимни “Наводир ул-вақоеъ” да назм ва наср шаклида кенг шарҳлаганман. Кимда хоҳиш бўлса, бу ҳақдаги маълумотларни ўша асардан билиб олиши мумкин.

Самарқанд рус ҳокимиятига тобе бўлганлиги сабабли Зарафшон сувининг катта қисми унинг атрофига, шу вақтгача экилмаган ерларга сарфланар, Бухоро учун эса кам қолар эди. Мен элчига, ҳар сафар Кауфман билан учрашганида Бухоро учун сув талаб қилиши, Самарқанднинг дарёдан ташқари кўплаб булоқ ва бошқа манбалари борлигини, Бухорода эса ҳатто ёзнинг уч ойида қудуқларда ҳам сув бўлмаслигини алоҳида таъкидлашини сўрадим. Бинобарин, Самарқанд дарёсининг суви доим тенг тақсимланар эди. Шунга кўра, уч кун Самарқандга, шунча вақт Бухорога ёки уларнинг ҳар бирига бир ҳафтадан муҳлатда чекловсиз юборилар эди.

Хар сафар губернаторни Петербургда учратганимизда элчини эринмасдан Бухоро суви ҳақида гапиришга ундардим. У (губернатор): “Ҳақиқатдан ҳам Зарафшон суви Самарқандга сарфланмоқда, чунки мен кўпроқ экин экиш, иморатлар қуришга буюрганман. Бухоро суви ҳақида ҳам ўйлаганман. Вақти келиб Сирдарёдан сув тортаман”, деди. Бу сўзлар замирида “Мен Бухоро тахтини эгаллагунимга қадар сизларни оч ва сувсиз сақлаб тураман”, деган маъно ётарди. Мен: “Нега Амударёдан сув келтирмайсизлар?”, деб сўрадим. У жавоб берди: “Қарши ва Қорақўл атрофидаги ерларни мустасно қилганда Бухоронинг кўп ерлари Амударёдан сув ичади”. Мен ундан: “Сирдарёнинг қаеридан сув тортмоқчисизлар?”, деб сўрадим. У: “Чиноз ва Иштихон тоғлари шимолий ён бағирларидан Бухоро туманларининг ҳаммасига сув тортиш мумкин”, деди.

Мени ҳормай-толмай тинимсиз сув ҳақида эслатаверганимдан безор бўлиб, Петербургда қайтаётган вақтимда менга илтифот билан мурожаат қилиб деди: “Хотиржам бўлинг, давлат кенгаши мажлисидан кейин менга сувни Бухоро ва Самарқанд учун тенг тақсимлашга рухсат берилди. Мен Самарқанд губернатори Абрамовга, сиз билан учрашганда у сувни сиз истагандек тақсимлашини буюрдим”.

Бу вақтда бизларнинг қайтишимизга ижозати олий бўлиб, Тошкентга келдик. Губернаторнинг қайтиши, совға-саломлар ва подшоҳ табриги келгунча икки ойга яқин Тошкентда қолдик ва мен Тошкентдан кетгунча ёзишни йўлда бошлаган “Рисолаи низомия” асаримни тугатдим.

Мен амирга ҳозир руслар билан душманлик, адоват йўли ёпиқ, имконияти борича рус ва ўзбек унсурлари уйғунлашган тартиб ўрнатиш кераклигини ёзиб юбордим. Кейинчалик, вазият ўзгариб, очиқ тўқнашувлар содир бўлса, заруриятга мувофиқ иш тутилади, ҳозир эса дўстона хушмуомалалик билан бўйсуннишдан бошқа илож йўқ, деган фикр билдирдим.

Бизлар Тошкентдан чиқиб Самарқандга келдик. Самарқанд ҳокими Абрамов бизни илиқ кутиб олди ва хабар қилди: “Менга губернатордан чопар келди. У дарё сувини сиз таклиф қилгандек Бухоро ва Самарқанд ўртасида бир-неча кунлаб тенг тақсимлаш тўғрисидаги фармонни келтирди. Дарёда сув бўлганда бу тақсимот қатъий бўлиши керак, шунинг учун бу ҳақда амирга ўзларингиз етказинглар. У ҳурматга лойиқ, муўтабар бир кишини юборсин, унинг иштирокида ва бу ишни яхши биладиган одамлар ёрдамида сув тақсимлансин”.

Шундай бўлдики, ўша вақт сув сероб бўлиб, қирғоқлардан тошиб Бухорогача келди, кўп экинзорларни ювиб, йўлларни сув босди. Бизлар шу вақтда Кеш вилоятида бўлган амир ҳазрати олийларига хабарнома юбордик. Бу хабарномага ҳеч қандай жавоб бўлмади ва ҳеч ким юборилмади.

Куз ҳам келди. Сув кескин камайиб, сув танқислигидан қурғоқчилик бўлиб, шу куз ҳосил нобуд бўлди. Бечора амир яна сув солиғи йиғишга фармон берди. Юз минг тангага яқин маблағ йиғилди. Бухорога сув юборишларини сўраб Самарқанддаги сув бошқарувчиларига илтимос қилиб, пул совға-саломлар юбордилар. Бу ҳокимиятнинг ақли ноқислигини яққол кўрсатар эди.

Ақлли одам қилган ишни жоҳил ҳам қилади,
Лекин кечикиб, кўп маломатлар билан қилади.

Самарқанддан чиқиб Шаҳрисабзга келганда амир билан учрашишга муяссар бўлдик. Мен рус ҳамроҳим билан элчихонада қолдим. Амирнинг мендан таъби хира ва норозидек эди, чунки мен давлатхонага воқеликни хушомадсиз ёзган эдим. Амир бир неча кун менга илтифот қилмади, мени сезмасликка солди. Ниҳоят Бухорога бораётиб, Қаршига етганимизда мени ўз олдига чақириб, бир соатлар чамаси руслар билан муносабат ва сафарнинг амалий натижалари ҳақида сўради. Мен нима бўлган бўлса, яширмасдан ҳаммасини айтиб бердим. Мен: “Олий ҳаз-

ратлари хатларида ўз ўғилларидан бирини ҳарбий ишни ўргансин, тахт вориси бўлсин деб подшо хизматиغا юбориш хоҳишини билдирибдилар. Бу хатга жавоб бериш Кауфманга топширилган. Олий ҳазратларига Кауфман нима деб ёзганларидан ва бу илтимосга қандай жавоб берилганидан хабарим йўқ”, дедим. Амир ҳаммасини батамом инкор қилди: “Мен бундай деган эмасман, Кауфман менга ҳеч қанақа хат юборган эмас. Мен: “Бу ишдаги асосий хатоимиз унинг муҳокамасиз, кенгашсиз ўтказилганидадир. Ворис тайинлаш, унга ҳарбий ишларни ўргатиш тартиби, давлат ишлари бутунлай изга тушган, бу масалада бизда ҳам Россия, Эрон ва бошқа мамлакатларда жорий этилганидек, тартиб ўрнатилганда мақсадга мувофиқ бўлар эди. Уларда агар давлат бошлиғининг икки ёки ундан ортиқ ўғли бўлса, уларнинг ҳаммасини сарбозликка қабул қилиб, ҳарбийча кийинтириб, казармага жойлаштирадилар. Шаҳзодалар оддий сарбозлардан қобилиятларига мувофиқ фарқ қиладилар. Қайси бири ўз билими ва истеъдоди билан ажралиб турса, подшонинг хоҳиши билан эмас, балки давлат кенгашининг қарори билан валиаҳд этиб тайинланади. Агар олий ҳазратлари шаҳзодаларнинг бирортасини меросхўр қилиб белгиласа-ю, бошқалари тартиб нима эканлигини билмаса, улар тартибсизлик пайтида ҳукмдор бўлишлари мумкин. Шунда шубҳасиз “Тартибнинг ўзи нима?” “Меросхўр ким?” деб сўрашади. Ҳеч ким валиаҳдга итоат этмайди, натижада, безовталик галаёнлар, фиску-фасод бошланади”, дедим.

Бир сўз билан айтганда, бечора амир бу илтимоси билан ўзига хос марҳамат кутаётганига ишора қилмоқчи эди. У русларга ёзган хатидан ҳеч қандай натижа чиқмаса ҳам, ўзини ўта даражада итоаткор, ҳар қандай буйруқни бажаришга тайёр эканлигини кўрсатмоқчи бўлди.

Амир “сенга хизмат қилиш иштиёқим шунчалик юқорики, ҳатто ўз фарзандимни юбормоқдаман. У сенга

мендек хизмат қилади” демоқчи эди. “Руслар бу сўзларни етарли даражада кечирим сўраш деб билиб ва бошқа ҳеч нима талаб қилмайдилар” деб ўйларди.

Тартибга одатланган халқларнинг давлат ишларида сўз ва амал баробарлиги сабаб руслар томонидан қайси ўғилнинг ўзларига хизматга юборилиши ва кимнинг ворис этиб тайинланиши ҳақида сўров хати келди. Амир чор-ночор ўғилларидан бирини белгилашга мажбур бўлди. Уни кўп миқдордаги совға-саломлар билан элчи этиб тайинланган Исомиддин тўқсабо ҳамроҳлигида ҳарбий иш ва тилни ўрганиши учун император пойтахтига юборди.

Шундан кейин меросхўр — валиаҳд тўғрисида қатъий талаб қилинган хат келди. Иккинчи марта амирнинг бошқа ўғли Абдулаҳадхон вазир Остонақулбий қушбеги бошчилигидаги мартабали амалдор ҳамроҳлигида совғалар билан юборилди. Сафар вақтида фақир Бухоронинг бир туманига қози этиб тайинланган эдим, шу сабабли менинг боришим қолдирилди.

Амир ўз яқинлари билан суҳбатларнинг бирида: “Мен Фалончини Россияга элчиларга ҳамроҳ қилиб юборган эдим. Охир-оқибат у менга маслаҳат берадиган бўлиб қолди. Шунинг учун уни бундан кейин юбормайман”, дебди.

Мен эса: “Бу олғирларга хизмат қилишни истамайман”, дедим. Шундай қилиб, Абдулаҳадхон валиаҳд сифатида пойтахтга борди. Подшо бир неча бор уни меҳмонга, турли зиёфатларга таклиф этди. Кейин эса амирзодага бир неча давлатлар элчилари ҳузурда темирўл, телеграф ўтказиш, рус аскарлари ва савдогарлари учун черковлар қуриш, боғу чорбоғ, ер, иморатларни сотиш ва сотиб олиш, хуллас, ҳаммаси йигирма бир банддан иборат расмий қозоғга қўл қўйдириб, муҳр бостирди.

Шундай қилиб, у Бухорони русларга топшириб, орқага қайтди. Амир ўз қилмишидан пушаймон бўлиб, тўрани

бир неча кун ўзига яқинлаштирмади. Охири, айрим вазир ва амалдорларнинг тавсияси билан валиаҳд Карманага, ўз қароргоҳига қайтариб юборилди. Бу вақт амирнинг ўзи Қаршида касал бўлиб ётган эди.

Бухоро ва унинг атрофида даҳшатли вабо тарқалди. У Қаршидан бошланган эди. Икки-уч кун ичида бутун аҳолини қириб ташлади, кейин Бухоро ва унинг атрофига тарқалиб, ярим миллионга яқин киши ҳалок бўлди. Аксар қишлоқлар бўшаб, бузилиб кетди. Ривоятларда вабо халқнинг орасида бузуқлик, зинони ҳаддан зиёд кўплиги, озиқ-овқатнинг қимматлиги, подшоларнинг қилмишлари адолатсиз, нобоплигидан пайдо бўлади деб таъкидланади.

Ҳақиқатда, бу икки ҳукмдор даврида бошқаришдаги тартибсизлик, беқарорлик, ҳокимларнинг ўз амалини суистеъмол қилиши туфайли озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи доим юқори эди. Шариат қонунлари издан чиқди, сув камайди, давлат ишларида назорат йўқолиб, шахвонийлик, бузуқлик бозори авжига чиқди.

Фоҳишалар, ёш йигитлар билан узлуксиз ичкилик-бозлик, бузуқлик бозорлар ва унинг атрофида ҳукмронлик қиларди. Лўлиларнинг айланиб ўйнашлари учун палос тўшалар эди. Ғайриқонуний жирканч бу бемаъниликлар одамлар томонидан маъқулланарди.

Қаршида амир касалланди, амирнинг яқинлари—амалдорлар ва сарбозларнинг кўпчилиги ушбу касалликдан Қаршида вафот этди. Баъзи касаллар Бухорога қайтиб, шу ерда вафот этишди. Амирнинг ўзи ҳам Бухорога қайтди ва ўн беш кун ҳушсиз ётди. Охири у ҳам хунук ҳолатда подшолик тахтини гўр тахтига алмаштирди ва тақдир белгилаган жойга қайтди. Ҳукмронлигининг йигирма олти йили давомида ўйин-кулгу, роҳатга берилиб ўтказган умри, тўплаганлари, ўн беш кун ичида қайтариб олинди ва жон олувчи Азроилга ҳушсиз ҳолатда қийналиб жонини берди.

Амирликдаги тартиблар ва амир Абдулаҳад салтанати замонидаги баъзи воқеалар

1885 йил жума, сафар ойининг тўртинчи куни эрта-лаб валиаҳд амир Абдулаҳадни Карманадан Бухоро Аркига келтирдилар. Вилоятлардан келган зодагонлар, аъёнлар муборакбод қилдилар. Амир Абдулаҳад ҳам отаси давридаги давлат тузумини маъқул топди. Ашула, рақс ва бузуқлик отаси давридагидан ҳам авж олди. У буни ўзи учун албатта қилиниши керак бўлган иш деб билди. Ақлли, қобилиятли одамларга эътибор бермади, муҳим давлат ишларини аввалгидек паст одамларга топширди. Илм ишларини қозикалонга, ҳарбий саркардалар ва сипоҳларни тайинлаш, бўшатишни отасининг қули бўлган Дурбинбий қушбегининг ихтиёрига, Бухоро вазирлигини ўз ғуломи жоҳил Шоҳмирзо Иноққа топширди. Рус амалдорларининг давлат ишларига аралашуви, ўз манфаатларини ҳимоя қилиши кучайди ва ҳеч кимда уларга қарши чиқиш учун журъат йўқ эди. Уларнинг барчалари “садоқатлимиз” дейишдан нарига ўтмасди. Рус амалдорлари йўлларда мусулмонлардан олдинда отлиқ юрар, мусулмонларни таҳқирлар, менсимас, камситар эди. Вазирнинг одамлари устига-устак олдинда чопиб, пиёда ва отли мусулмонларни “четга чиқ, четга чиқ!” деб йўлдан ҳайдар эди.

Шу даврда Мамажуғрот тепаликлари этагида жойлашган Когон қишлоғи темир йўл ўтказилиши ва Россиядан келтирилган бир неча фабрика ва корхоналар қурилиши муносабати билан бағоят кенгайиб кетди. У ерда рус сипоҳлари, савдогарлари, оддий одамлар жамланди. Янги шаҳар пайдо бўлди деса, бўлади. Черков, ўйинхона қурилди. Когондан Бухорога темир йўл тортилди. Бухоро, шу тариқа, тўлалигича Россияга тобе бўлди ва бу ҳақда бошқа давлатларга ёзма маълум қилинди.

Бухоронинг руслар томонидан бўйсундирилишининг асосий сабаби бу давлат аҳолисининг нодонлиги ва тартибсизлигидир.

Амир тахтга ўтириш учун Карманадан Бухорога келгандан кейин Россия пойтахтига элчи юбориш масаласида машварат уюштирди. Бу пайтда мен Наҳрипайда қози вазифасида эдим. Ўша ердан: “Подшо тахтга ўтиргандан кейин юборилса, маъқул бўлади, чунки бу ой тахтга ўтқизиш учун қулай эмас. Бу иш ой янгилангандан кейин амалга оширилса, мақсадга мувофиқ. Унгача сафар асбоблари ҳам муҳайё бўлади, элчи ҳам муқаррар бўлади. Мен замон талабига мувофиқ келадиган ёрлиқ лойиҳасини маҳкамага юбораман. Шунга мувофиқ хат ёзсинлар”, деб хат ёздим.

Мен бу ишни дўстларимдан бири менга Россия пойтахтига Бухоро элчисига ҳамроҳ қилиб юборилишим хабарини бергани туфайли қилгандим.

Менинг хатим саройга етиб келган куни тахтга ўтириш воқеаси содир бўлди. Шундан кейин, Остонақул қушбеги элчи этиб тайинланди. Мендан юбориладиган хатнинг ҳатто қўлёзмасини ҳам сўрамадилар. Элчини кўп совға-салом, армуғон билан юбордилар. Амир аввалги элчиликларда бўлган тартибни тасдиқлади ва элчиларни зудлик билан сафарга жўнатди ва бу билан бирварақайига бутун мамлакатни қўш қўллаб топширгандай бўлди.

Аслида, рус императорига қуйидаги мазмунда хат ёзиш керак эди: “Мен яқинда тахтга ўтирдим. Ҳозиргача вилоят аҳолисининг аҳволидан воқиф эмасман. Сен билан қандай шарт бўйича келишган бўлсак, ўшанга собит ва муқаррар амал қиламан. Агар менга ўн иккидан йигирма йилгача муҳлат берсанг, вилоятларнинг пасту баландини, яхши-ёмон ҳолларини ўрганиб, сен билан тузилган шартнома ва битимларни тўла бажараман. Ҳозир ўтганлари-

мизнинг¹⁰¹ бепарволиги туфайли вилоятлар сувсизликдан хароб бўлган. Чунки Самарқанд суви сенинг эҳтиёжларингга ишлатилмоқда. Бизнинг фуқаролар эса оғир аҳволга тушиб қолган. Улар *ушр* ва *хирожни* тўлашга қийналмоқдалар, амалдорлар панжасига тушиб қолмоқдалар. Бунинг устига, ҳукмдорларнинг бепарқлиги ҳам кучайган. Бизга бир неча устод сув мутахассислари керак. Улар (муҳандис-ирригаторлар - муҳаррир) Аму ёки Сирдарёдан бизга сув етказса.

Яна бир масала, бизнинг вилоятларимизда маъдан¹⁰²лар кўп. Уларни очсин. Шу билан фуқаролардан сипоҳлар учун олинадиган солиқлар камаяр эди. Шунингдек, аскарларимизда тартиб йўқ, ёмон қуроолланган. Уларнинг қурол-аслаҳалари яхшиланса, уларга таълим берса ва бошқалар”.

Бунинг ёзишдан мақсад шуки, тахтга ўтириш жараёнида қилинган илтимослар шубҳасиз қабул қилинар ва шу билан Бухоронинг Россия томонидан истило қилинишини бир неча йилга кечиктириш мумкин эди. Лекин бунинг тушуниш учун уларда ақл қайда?!

Байт:

*Ақлли қиладиган ишни аҳмоқ ҳам қилади,
Лекин бир неча шармандаликлардан кейин.*

Ер юзининг тўртдан бирида машҳур мудофаа қуроллари, машҳур султонлари туфайли Туркистон мамлакатлари устидан ғолиб келган ислом устунларидан ҳисобланган Бухоронинг урушсиз, қаршиликсиз таслим бўлиши чет давлатлар учун ақл бовар қилмайдиган ҳодиса бўлди. Шунинг учун газеталарда бу ҳақда ёзилган хабарлар ёлғон эканлиги бот-бот тақрорланарди.

¹⁰¹ Бундан аввалги амирлар назарда тутилмоқда.

Шу сабадан русларда хорижий мамлакатларга Бухоронинг Россия томонидан эгалланган эканлигини очиқ-ойдин намоёиш этиш учун Бухоро амирини зиёфатга меҳмон тариқасида таклиф қилиш зарурияти туғилди.

Амир тахтга ўтиргандан кейин Россия пойтахтига боришга тайёргарлик кўра бошлади ва совға, туҳфалар учун 45 миллион рус тангасини сарфлади. Ўзи билан бирга борадиган ҳамроҳларини танлаш вазифасини қозикалонга юклаб, унга дастхат ёзиб берди. Қозикалон ҳар бир табақадан ўзи билган икки-уч кишини танлади. Улар мирза, савдогар, ҳунармандлардан иборат эди.

Мен уларнинг сафига кириб қолишдан хавотирландим.

Амирнинг ниятини таҳқиқ қилиш учун қўлимга қалам олдим ва арз ёздим: “Менга маълум бўлишича, амир жаноблари Россия сафарига боришга қарор қилибдилар. Бу шукроналик ва хайрли сафардир. У сипоҳ ва раиятни ҳимоя қилиш учун ҳам зарур. Албатта, сафардан қайтгандан кейин “Россияга итоатим ҳақида халқ нима деркин”, деган ўй-фикр сизни қийнамасин. Русларнинг аҳоли яшайдиган ҳамма ерларда зафар қучиши ҳақида илоҳий китобларда кўп ёзилган. Бу китобларда христианларни бундан бир неча йиллар илгари қирғин қилганликлари учун Самарқанд вайрон бўлиши битилган. Аллоҳ таоло бу шаҳарда “малласоч”¹⁰³ларнинг ҳукмронлигини ўрнатди. Бошқа ҳеч кимнинг эмас. Аллоҳ нимани хоҳласа, шу бўлади. Шунинг учун рус давлати билан муроसाю битимга келиш зарур.

Ким ўзидан кучли душман билан олишса,

Ўзига зиён келтиради.

¹⁰² Ер ости бойликлари.

¹⁰³ Руслар назарда тутилмоқда.

Россиянинг қўли ҳамма давлатлардан юқори келгани, Самарқанд ва Бухоро унга Истанбулдан муҳимроқ бўлганлиги учун бу сафаротда Россиядан нима сўрамасинлар, албатта қабул қилади. Фақат Самарқандни сўрасаларгина, айрим баҳоналар билан рад қиладилар, аммо Пайшанба ва Каттақўрғон вилоятларини талаб қилиш мумкин. Бу талабни асослаш учун “Бизнинг аскарларнинг ойлик ҳақи ўзимизнинг даромаддан қопланади. Сен бизга берган туманлардан келадиган *сеяк*¹⁰⁴ солиғи сенга тегади”, десак, албатта қабул қиладилар”.

Подшо билан яккама-якка учрашганда кўрсатиши ва имзо чектириши, учун шунга ўхшаш яна бир неча талабларни хатимга илова қилдим. “Агар бундай қила олмасалар, маҳкамага юборсинлар. Давлат ишларига мутасадди вазир имзо қўйсин. Буни ҳам қилиш мумкин бўлмаса, рус вазирлари қўл қўйиши учун почта орқали юборсинлар”, деб ёздим.

Менимча қуйидаги талаблар қўйилиши лозим эди:

1. Самарқанд рус давлатига қўшилгандан кейин Бухоронинг сув таъминоти нуқсонли бўлди. Чунки у ернинг мутасаддилари, ҳокимлари Самарқанд сувини иморатлар, *зироат*¹⁰⁵га сарфламоқдалар. Сувнинг учдан икки қисми у ерда сарфланади. Қолган бир қисмигина, у ҳам бўлса, баҳорги, ёзги экинлар қуриганда Бухорога етиб келади. Шунинг учун, бир билимдон одам юборсалар, Аму ёки Сирдан бизга сув тортсалар. Шунда бизнинг экинларимиз нобуд бўлмас эди.

2. Юртимизда анвои ширин мевалар шу қадар кўпки, май ойидан ноябрь ойигача одамлар, ҳайвонлар *талаф*¹⁰⁶идан кейин ҳам ортиб қолади. Агар Бухорода бирон новвот

¹⁰⁴ Даромаднинг учдан бир қисми билан тўланадиган солиқ тури.

¹⁰⁵ Деҳқончилик, экин-текин ишлари.

¹⁰⁶ Истифода этиши, сарфлаши, истеъмол қилиши.

ёки қанд фабрикасига асос солинса, Бухоронинг қанду новвоти етти иқлимга борар эди. Бу Бухоро давлатига катта ёрдам бўлар эди.

3. Мамлакатимиз савдогарлари катта харажатлар қилиб, Россия вилоятларига жун олиб борадилар. У ердан эса мовут (жумладан солдатлар кийими учун) олиб келадилар. Агар Бухорода мовут фабрикаси қурилиб, бу ердаги ҳайвонлар жуни мовутга айлантирилса, ҳамма хорижий мамлакатларга ушбу нарсалар кўп миқдорда етказиб бериларди.

4. Мовароуннаҳр шаҳарлари атрофида кўпдан-кўп тоғларда ҳисобсиз маъданлар бор. Шунинг учун бирор маъдан илмининг билимдони келса-ю, мазкур маъданларни очса, бу ишга водий, тоғлик жойларда хоҳлаган миқдорда мардикор-ишчиларни жалб қилиш мумкин. Бу эса, ўз-ўзидан, ҳар икки давлатга каттадан-катта манфаат келтирар, фуқаро, раиятга ёрдам бўлар, уларнинг турмуши яхшиланарди.

5. Бундан ташқари, тил биладиган муаллим, тўп ва тўфанг қуювчилар, ҳарбий ишни биладиганлар ҳам зарур.

Юқоридаги каби талабларни келтириб, қўшимчалар, тўлдиришлар, ўзгартиришлар киритиб, амирга етказдим. Аммо бу мактубнинг қабул қилинганлиги ёки рад этилганлиги хусусида жавоб олмадим. Шунда бу сафарда иштирок этмаслигимни англадим.

Ҳақиқатан ҳам, амир бир ҳафтадан кейин темир йўл орқали Россияга равона бўлди. Хоҳлаган кишилари: хизматкорлар, малайлар, айрим савдогарлар, шунингдек, амирлардан Баротқулбек додхоҳ, Остонақул ички ишлар вазири ва Дурбин қушбеги кабиларни ўзи билан олиб кетди. Бу сафар икки-уч ой давом этди. Энг кейин кетиб, ҳаммадан олдин қайтган котиблардан бири мен билан учрашди ва узоқ суҳбатлашдик.

Котибдан: “Мен амирга илтимоснома ёзиб берган эдим, унинг нима бўлганини билмайсанми?” деб сўрадим.

У менинг аризамни Остонақул вазирнинг қўлида кўргани ва унинг “Фалончи мамлакат ва давлат салоҳияти ҳақида ариза ёзган экан. Афсуски амир уни тақдим этишдан чўчиди, у руслар меҳмоннавозликда бизларга ўта эътиборли бўлдилар. Агар биз бу муддаони изҳор қилсак, ранжиши, иш чаппасига айланиши мумкин. Шунча қилган мулозаматимиз ва тобелик изҳор қилганларимиз ҳам бекор кетади” мазмунида гапирганлигини айтди.

Умуман, бу сафардан минг миллион рус тангасида фойда кўрмоқчи эдилар. Аксинча, жабр-зулм билан терилган юз миллион рус тангасига тенг пулни сарфлаб, зиён билан орқалари ҳўл, икки қўллари бурунларига тиқиб қайтдилар.

Гап шундаки, бу мамлакатда амирнинг маслаҳатлашиб иш юритиши жорий этилмаган ва шу сабаб қандай ишга қўл урсалар, зиён ва зарар билан тугарди.

Бу сафар иштирокчиларининг бирортаси ҳам амир поездга ўтиргунига қадар Россияга боришини билмаган. Шу сабаб улар тайёргарликсиз, қишки кийимларсиз йўлга чиқдилар. Уламо ва умаро¹⁰⁷ дан бирон кимса “ҳазинада эгасиз мол йўқ, бунча маблағни қаерга олиб кетаяпсиз, ундан қандай баҳраманд бўлмоқчисиз, унинг манфаати нимадан иборат?” деб сўрашга журъат қила олмас эди.

Бу талаф бўлган маблағни солиқчилар раият молидан жабр-зулм билан йиғиб, амир хазинасига етказдилар. Лекин бутун экин майдонларини нобуд қилдилар. Бухоро атрофида Гиждувондан ташқари обод қишлоқ қолмади, шаҳристонлар тиканзорга айланди.

¹⁰⁷ Амирлар.

Амирнинг ҳукмдорлиги даврида қилган хориж сафарларидан яна бири Тифлисга бўлган. Бу обод шаҳар Кавказнинг жанубида Арманистоннинг шимолида жойлашган. Илгари у Туркияга бўйсунар, ҳозир эса Россияга тобеъдир. Бу сафарнинг сабаблари ҳақида халқ орасида бир неча қарашлар машҳур. Улар:

1. Тифлис ҳокими тўй қилаётган эди, унга барча хокимлар жумладан Бухоро амири ҳам таклиф этилди. Бу тўйга амирни таклиф қилишдан мақсад эса хориж давлатларига Бухоронинг Россияга бўйсунишини маълум ва машҳур қилиш эди.

2. Шиаларнинг фикрича, “Бухоро амири, молия ва адлия вазири ва тўпхона амири ўзимиздан — шиалардан экан.”. Бу сафарда амир Насриддиншоҳ билан учрашади ва Бухоронинг Эронга қўшилган, деб ҳисоблашлари учун у билан дўстлик иттифоқ шартномаси тузади”.

3. Амирда яширин касаллик — яра бўлиб, рус шифокорларининг маслаҳатига кўра Тифлис атрофида жойлашган Айн-ун номли шифобахш булоққа бориб, у ерда ҳамма яра ва жароҳатларидан фориг бўлмоқчи экан.

Шу муносабат билан, амир ҳеч кимга маслаҳат ва машварат қилмай кимни хоҳласа, шуни олиб, оташ аравага миниб, жўнаб кетди. Фақат беш ойдан кейингина қайтиб келди. Бу сафарга ҳам жуда кўп маблағ сарфланди. Амир мазкур сафарни ўзининг тўққизинчи йил¹⁰⁸ бошқаруви даврида амалга оширди.

Амир Абдулаҳад тахтга ўтиришининг биринчи йили¹⁰⁹ да икки дўстим мен билан учрашишга келди. Уларнинг келишига қўлимдан келганича тайёргарлик кўрдим. Биз

¹⁰⁸ 1894 йил.

¹⁰⁹ 1885 йил.

турли мавзуларда суҳбатлашдик. Дўстларимнинг бири бухоролик олим, бошқаси уструсоналик (ўратепалик)¹¹⁰ сипоҳ бўлиб, тасаввуф йўлига кирган эди. Гап мавзуси ўша замондаги тартибсизликлар, инқилобий ҳолатлар ҳақида бўлди ва булар замоннинг бузилишига, хароб бўлишига олиб келиши тўғрисида гаплашдик. Меҳмонларимнинг ҳар бири яқин орада кўрган тушларини айтиб берди.

“Мен ҳориган шерни ғалати кўринишдаги ёвуз ҳайвонлар қуршовида кўрдим. У иморатлари тўкилиб, вайронага айланаётган шаҳар кўчалари бўйлаб югуриб борарди. Мен ўз манзилимни йўқотиб, уйимни ахтариб, оёқ яланг ҳар томонга чопардим. Кейин ёвуз ҳайвонлар шер устидан ғолиб келиб, уни парчалаб, гавда бўлаклари ва ичак-чавоқларини ҳар томонга тортиб кетишганларини кўрдим”, деди биринчи суҳбатдошим.

Бошқаси ҳикоя қилди: “Мен куннинг ярмида¹¹¹ масжиддан чиқар эканман осмон чўққисидagi тўлин ой ўқдай ерга қулади. Унинг ёнида бошқа юлдуз ҳам бор эди. У тўғри элчихона устига келиб тушди. Мен ёнимдагиларга бу ҳодисани айтиб бердим. Улар эса содир бўлган воқеани ўз кўзлари билан кўриш учун ўша томонга югуриб кетдилар”.

Тушлар қисматдан келиб чиқиб дунёда бўладиган ўзгаришлар далили сифатида хизмат қилишини эътиборга олиб ҳар биримиз ваҳимага тушдик. Биттаси: “Бу кунларда барчанинг қўлида қурол бўлиши, душманга қарши курашга чиқиши керак”, деса, бошқаси (ой билан боғлиқ туш кўргани): “Тақдирда белгиланганини қурол билан қайтаришнинг имкони йўқ”, деди.

¹¹⁰ Уструсона ҳозирги Жиззах вилояти, шунингдек Тожикистоннинг шимоли-ғарбий қисмини қамраган тарихий вилоят.

¹¹¹ Пешин намози назарда тутилмоқда

Тақдир ўз қанотини ёзганда,
Оқиллар ҳам кўр ва кар бўлиб қолади.

Энди эса қуйидагиларни ҳикоя қилишимиз лозим: Қўқон ва Фарғона орасидаги ерлар харобага айлангандан кейин, қипчоқлар ғалаба қозониб, Фарғона ҳокимиятини эгаллади. Мусулмонқул қипчоқ Қўқон амирларини қамаб, қувғин ва қатл қилгандан кейин салтанат тахтига ўтирди. Қўқонга тобе барча вилоятларга, Тошкентдан Хўжанд ва Ўратепагача ўз қабиласидан ҳокимлар тайинлади. Қўқонда қолган илгариги бошлиқларнинг ҳаммасини йўқотиш чораларини кўрди. Оддий фуқароларни ҳам шаҳардан қувғин қилди. У ерларни қипчоқлар эгаллади ва барча давлат ишларини улар ўз қўлларига олдилар.

Ўша вақт мен Ўратепада эдим. Қипчоқлардан бир муддат ҳокимлик қилган Шерали додхоҳ даврида бир гуруҳ деҳқонлар ва кўчманчилар жамоаси ўртасида ҳосилдор ер майдони учун хусумат пайдо бўлиб, улар ҳоким олдига бордилар. Ҳар қайсилари ўз манфаатлари нуқтаи назаридан келиб чиқиб ўз машғулотида келадиган фойда ҳақида гапирар эдилар.

Кўчманчилардан бири деди: “Бизнинг ҳар биримиз шунча миқдорда мол ва чорвага эгамиз. Улар шу саҳро ўтию сувидан истеъмол қилади ва биз ҳокимият хазинасига шунча миқдорда чорвадан *савоим* солиғи тўлаймиз”.

Деҳқонлар вакили деди: “Агар бу ерлар бизнинг қўлимизда бўлиб, экин эксак, хазинага шунча миқдорда ушр ва хирож тўлар эдик”.

Ҳоким бу масалани ҳал қилишни шарият ҳукмига ҳавола қилди. Кўчманчилар масалани ўз фойдаларига ҳал эта олмадилар. Ҳоким бу ерларнинг деҳқонларга берилиши тарафдори эди. Чунки унинг хазинага фойдаси кўпроқ

тегар, бундан ташқари, ҳоким деҳқонлардан икки-уч минг танга пора ҳам олган, ерни уларга беришга ваъда қилган эди. Ўз-ўзидан, кўчманчилар ҳам қадрдон ерларини ташлаб кетишни исташмасди.

Икки томон ҳам муҳр босилган ривоят, далиллар рўқач қилишар эди. Бир куни ҳоким катта дабдаба билан уламою умаролар билан шу ерга келди. Ишни тўғри ва тинч йўл билан ҳал қилиш учун катта машварат уюштирилди. Унда эл ва улуснинг улуғлари тўпланди. Мен ҳам навкар сифатида ўша ерда эдим. Ҳар икки томондан чақириқ, бақириқлар эшитиларди. Ҳеч нимага келиша олмаганларидан кейин ҳаммалари ишни шарият асосида ҳал қилинишини талаб қила бошладилар. Бу сўзлар амирлар ва зодагонларга етиб борди. Шунда нодон ҳоким: “Шарият-шарият дейсизлар. Шарият нима ўзи? Гап шу — ер хазина фойдаси учун деҳқонларга берилади. Кўчманчилар сув ва яйловларни бошқа жойдан изласин”, деди.

Уламолар, ҳурматли кишилар муаммони ижобий ҳал этишда ҳар икки томоннинг ўзаро ён босиши зарурлиги ҳақида қанчалик гапирмасинлар, ҳоким уларга қулоқ солмади. Шунда олдинда — ҳокимга яқин ўтирган икки киши — Ҳайдарқул ва Умарқул ўрниларидан туриб: “Баландпарвоз сўзлар айтаяпсан. Димоғдор бўлиб кетибсан, шариятни пастга ураяпсан. Бундай манманлик туфайли бутун дунёни сув босган. Сенинг пасткашлигинг туфайли халқ тубсиз жарга қулайди. Биз ишончли одамлардан эшитганмиз, агар ҳокимият шариятни забун тутса, воқеалар уни ер юзидан супуради ва ҳалокатга етаклайди. Ҳокимларнинг шундай сифатлари давлатнинг тубанлашуви, тўнтарилишига олиб келганига тарих гувоҳлик беради. Келажакда сенга хизмат қилишдан воз кечамиз ва навкарлик вазифасини зиммамиздан соқит қиламиз”, деб

этакларини қоқиб, мажлисдан чиқиб, шаҳарга кетишди. Ҳамма йиғилганлар қаттиқ ҳаяжонга тушишди. Ҳокимнинг кўнгли хижил бўлди.

Мажлис яқунланмасдан тугади. Ҳамма тарқаб кетди.

Мен шу икки йигитга қўшни бўлган ҳовлига кирдим. Улар гамгин, паришон холда ўтириб йиғлардилар. Мен уларга тасалли бердим: “Ҳокимнинг гапидан ранжиманг”. Улар: “Бир кишининг касофати минг кишига тегади. Ҳоким балога гирифтор бўлса, сенга қандай тинчлик бўлади?! Бу ерда биз мусофир эканмиз сен эса бизга қўшни экансан бизни ҳимоя қилишинг керак. Қипчоқ жамоаси табиатан тубан ва калтафаҳмдир. Ҳозир улар истиқлол тараддудиди. Фитна кўзғатиб, уни эплотмай қолишлари, мағлубиятга учрашлари мумкин. Ақлли ва тадбиркор кишиларнинг маслаҳатисиз ҳокимиятни сақлаб қолиш ва мустақилликни мустаҳкамлашни тасаввур этиб бўлмайди. Ҳозир кўчманчи чўпонлар буйруқ берувчилардир. Улардан эса муҳим давлат ишларини ҳал этишни кутиш мумкин эмас. Уларнинг ҳаммаси жанжал, фитна, ғавғо қилиб, қон тўкишдан бошқа нарсани билмайдилар”, деди.

Ҳақиқатан ҳам, бу воқеалардан ўн кун ҳам ўтмасдан Мусулмонқул фармоннома ёзиб, “нома олинган замон ҳоким ўз одамлари, кўчлари билан Қўқонга келсин. Сизга алоҳида илтифот кўрсатилади. Фалон куни пойтахтга ҳокиму умаролар йиғилсинлар, уларга давлат топшириқлари бор”, деб Фарғонанинг ҳамма жойларига хат юборди. Сўнгра “айтилган кунда ҳамма қуролланган бўлиши керак. Қўқон мансабдорлари, фузалою аслзодалари зиёфатга чақирилсин, ҳаммаси тифдан ўтказилсин, кейин, шаҳар маҳаллаларига бориб, ҳамма фуқаролар ушланиб, асир олиниб қувгин қилинсин, улар ўрнига шаҳарни қипчоқлар билан тўлдирилсин,” деб қарор қабул қилинди.

Аммо бу воқеа содир бўлишидан илгари кенгаш аъзоларидан бири Қўқон амирлари Аҳмад парвоначи ва Ёқуб мингбошига қипчоқлар бу шаҳар халқига қарши мақр ишлатмоқчилиги хабарини етказди. Улар эса бу ҳақида аҳолини огоҳлантиришди. Амир саройига чақирилган ҳар бир кишида яширин қурол бўлиши кераклиги таъкидланди.

Султон саройида қипчоқларнинг барча амирлари қилич ва қалқон билан қуролланган ҳолда ўтирганларида Аҳмад парвоначи ва Ёқуб мингбоши серҳашам кийинган ҳолда кириб келдилар ва ўтирмасдан: “Бу кучук¹¹² галаларини уринглар”, деб фармон бердилар. Ким бирга келган бўлса, қиличларини олиб, қипчоқ амирларини ура бошладилар. Қипчоқ амирлари “нима гап ўзи, нима бўлаяпти, бахайр, бахайр!” деб қўлларига тиф олишга ҳам улгурмасдан, қилич, ўқ ишлатмасдан ўтирган жойларида қоринлари ёрилиб, бошлари кесилиб, жаҳаннамга юборилди. Энг биринчи ўлдирилган киши Ўратепа ҳокими Шерали додхоҳ бўлди. Амирликнинг кенгаш хонаси девори тагида қорни ёрилган, ичак-чавоғи осилган ҳолда минг азобда абадий ётадиган жойга кетди. Қилич ва қалқон ҳам уни ажалдан сақлай олмади.

Оқибат шундай эди: Мусулмонқул ҳам бу ҳодиса вақтида қўлга олиниб, Таммуз (июль — И.Қ.) оғи давомида қуёшда сақладилар ва у азоб-уқубатда ҳалок бўлди. Ҳаммаси бўлиб, пойтахт ўрдасида беш мингга яқин, вилоят ва қишлоқларда, болалару хотинларни ҳисобламаганда, етти мингга яқин қипчоқ ўлдирилди. Сахро ва қишлоқларда қипчоқни кўрсалар, ўлдирдилар. Кимнинг қипчоқ эканини билсалар, ўша заҳоти қатл этдилар. Бир ой мобайнида хотинлар ва болаларни тўп-тўп қилиб ҳайдаб, ерга ётқизиб, устига сомон сепиб, устидан от ва ҳўкизларни ҳайдаб ўлдирдиларки, бу диёрда қипчоқ аҳлидан ҳеч ким қолмади. Қочиб улгурганлар ҳам чўлу биёбонлар, тоғларда саргардон бўлиб, бўри ва қоплонларнинг емига айланди.

¹¹² Ит.

Маълум вақтдан кейин бўри ва ёввойи чўл итлари одам гўштига шунчалик ўрганиб қолдики, маҳалла ва қишлоқларга ҳужум қилиб, одамларни ўғирлай бошлади.

Қипчоқлар қирғин қилингандан кейин Умарқул ва Ҳайдарқулдан бошқа тирик жон қолмади, деса бўлади. Улар шариатга ишонар, қалбдан севар, эътиқоди кучли эди.

*“Тиз бутун дунёни қимирлата олади,
Лекин Аллоҳ хоҳламаса, ҳеч нима ўзгармайди”,*

деб айтилган-ку!

Бу икки одам нажот топиб, хавф-хатардан қутилиб, Ўратепага қайтдилар.

Улар шаҳарга келганларидан кейин воқеа-ҳодисаларнинг тафсилотини бирма-бир айтиб бердилар. Мен: “Бу балодан қандай қилиб жон сақлаб қолдингиз?” деб сўрадим.

Улар: “Бутун элат билан ҳоким бошчилигида Қўқонга келганимизда ҳеч ким бизга эътибор бермади. Ҳеч ким бизни танимади. “Булар қипчоқ эмас”, деб адашдилар. Биз ўзимизни қўқонлик қилиб кўрсатдик. Қипчоқларнинг уйи, маҳаллаларига кириб, асбоб-аслаҳалар, егулик нарсалар олар эдик. Хавфсизлик мақсадида бу томонларга йўл олдик ва барча хавф-хатардан қутилиб қолдик. Сен ҳам жазо олиш хавфи бўлсада, бизни яширишинг керак”, дейишди.

Бу вақтда Қўқон амири Абдурахмон девонбегини Ўратепа ҳокими этиб тайинлади. Мен¹¹³ унинг олдида бориб, Умарқул ва Ҳайдарқул диний эътиқодининг софлиги, мақсадларининг поклиги ҳақида ҳокимга гувоҳлик бердим. Ҳоким уларга амал берди ва ойлик белгилади.

Шу аснода пойтахтдан “қипчоқ бўлганни йўқотсинлар, оссинлар” деган буйруқ келди. Шаҳарда узоқ йиллардан бери яшаётган тўрт нафар қипчоқ амалдор бор эди. Ҳоким:

¹¹³ Асар муаллифи Аҳмад Дониш.

“Мен уларга дўст ва шафқатлиман”, деб маҳкамага келишларини сўради. Келганларидан кейин уларнинг бошларини кесишни буюрди. Кейин оёқларини арқон билан боғлаб, шаҳар бўйлаб судраб, Чорсуга келтириб ташладилар. Шу сабабли бу икки қипчоқ йигити хокимнинг иноятига қарамасдан ҳамма вақт жон хавфида яшади.

Шу орада Ёқуб мингбоши Қашқарга бориб, зўрлик билан ҳокимиятни эгаллади. Бу икки қочоқ унга қўшилдилар, ундан унвон, давлат топдилар ва чавгон¹¹⁴ соҳибига айландилар. Шундан бироз кейин Ёқуб мингбоши салтанат тахтини тобут тахтига айлантиргач¹¹⁵, улар яна Қўқонга қайтдилар. Қудрат ва бойликка эга бўлиб, тинч яшай бошладилар. Уй эгаси¹¹⁶нинг ҳурмати йўқлиги туфайли ҳеч ким билан сўзлашиш ва ҳеч нима талаб қилиб бўлмас эди. Шаҳарда ҳокимият ўта заиф эди. Шундан кейин улар руслар томонидан Қўқон амирларидан деб қабул қилиниб, амал ва мартабага эга бўлдилар.

Қипчоқ амирларининг табаррук шариятимизга беадабликлари туфайли мансабдорлар ва уларнинг ўринбосарларининг ҳаммаси тифнинг шафқатсиз қурбонига айландилар. У икки нафар соф имонли киши оммавий қиргиндан ўтгиз йил ўтган бўлса ҳам, тирик (1878), қавмнинг бошлиғи, эл-улуснинг оқсоқоллари, иззат-икромда, уй-жойли, энг муҳими, ҳукумат хизматида эди.

Умарқул ва Ҳайдарқул мени ҳам унутмадилар. Бир куни менга: “Сен нужум қоидаларини биласан, дунёда қандай ҳодисалар кутилаётганини текшириб кўриб, бизга айтсанг”, дедилар.

¹¹⁴ Спорт тури.

¹¹⁵ Вафот этгач.

¹¹⁶ Бу ерда Қўқон хони назарда тутилмоқда.

Мен уч марта астрология қоидаларига мувофиқ бу вилоятларда нималар содир бўлишини имтиҳон қилдим. Уч марта ҳам Меркурий таъсирида Марс Сатурнга қарама-қарши жойлашган эди. Астрология қоидаларига мувофиқ бундай жойлашув айниқса, амирлар ва мулкдорлар ҳукмронлиги учун буюк мусибат аломатидир. Келажақда тирик қолганлар, хусусан, амирлар, мулкдорлар томонидан зўрлик билан хазинага йиғилган бойлик кофирлар ва гуноҳкорлар мулкига айланишига шоҳид бўладилар. Ҳукмдорлар, охир-оқибат, ўз бошларини дорда қолдирадилар, амирлар ва юқори мансабдорлар эса хор-зор бўладилар. **“Яна Аллоҳнинг ўзи билади”**.

Юлдузларнинг жойлашишига қараганда, Мовароуннаҳрда ҳокимият бу тоифа қўлида қолмайди. Ажойиб ўзгаришлар, буюк тўқнашувлар содир бўлади. Марснинг Сатурнга қарама-қарши туриши, Юпитернинг Меркурийга яқинлашиши бу ислом халқларининг диний эътиқодларини сустлашувидан дарак беради. Дунёнинг ҳамма мамлакатларида сохтакорлик ва ишончсизлик ва ёлғонни кучайтиради. Дунёда кутилаётган ғалаёнлар ўттиз олти йилдан иборат бир даврда ўз ривожини топади. Ҳокимиятнинг ҳолатига қайси замондан қаралмасин, Мовароуннаҳрда ислом динининг инқирозга юз тутгани кўриниб турибди.

Аҳмоқ амирлар, нодон олимлар, уқувсиз ҳарбий саркардаларнинг мавжудлиги бунга етарли далилдир.

Бошқа белгиларнинг кераги ҳам йўқ. Агар бундан кейин ҳам шариат ишларига шундай бефарқ қараш давом этса, хавф айтганимиздан икки марта кўпроқ ортади, деб ўйлайверинг. Бунга ажабланмаса ҳам, бўлади. Илоҳий талабларни бузган бу мамлакат ҳукмдорларидан нима кўрдик ўзи?! Улардан кейин келадиганлардан нима ҳам кутиш мумкин?! Улар устига осмон ағдарилиши керак эди, аслида.

“Ахир улар олдиларидаги ва ортларидаги (атрофларидаги) нарсаларга — осмону заминга боқмайдиларми?! Агар Биз хоҳласак, уларни ерга юттириб юборурмиз ёки устларига осмондан парчалар туширурмиз!”¹¹⁷”

Минг афсуски, бу асрда эшитадиган қулоқ, кўрадиган кўз қолмади. Ўзинга маълум бўлганларни ёзишдан, ўқишдан, йиғлашдан бошқа илож қолмади. Ҳар сафар бу ҳақда (амир, ҳоким ва сарой мутасаддилари — Й.Қ.) эшитсалар, бангилик ва нашавандликдан ёки савдойилигидан ҳосил бўлган хаёлпарастлик бўлса керак, деб қарар эдилар.

Мен бир неча марта ҳокимлар, сарой амалдорларига: “Менинг айтганларим нужум илмига мувофиқ юлдузлар жойлашишидан маълум бўлди”, деб етказдим. Улар эса жавоб бермадилар — сукут сақладилар. Ёки сўзларимга аҳамият бермадилар. Шундан кейин Абу-л-Маоний¹¹⁸нинг “Тил бизнинг танимиз сирига маҳрам бўлолмайди” деган шеърига мувофиқ “ҳеч кимга ҳеч нима демаслик керак экан” деган хулосага келдим.

Барчамиз “ҳазрати амир”, “жаноби вазир” деймиз. Аммо улар молга ўхшайди. Улар молдан-да бадтарроқ тентирайди. Агар шариат қонун-қоидаларига тўла амал қилинса, улар лавозимидан ҳар соатда бир неча марта ҳайдалиши керак.

Адолатга асосланган бошқарув — Аллоҳнинг амри. Адолатга хилоф, зулмга асосланган бошқарув бевосита иблис ҳукмида бўлади.

Энг ажабланарлиси, бу сўзлар ушбу разилларнинг муҳрларида ўйиб ёзилган. Улар бу муҳрони ҳар куни юзлаб буйруқ ва йўриқномаларга босадилар, лекин унинг мазмунига бирон марта ҳам назар ташламайдилар. Бу каби

¹¹⁷ Қуръони карим. “Сабаъ” сураси, 9-оят.

¹¹⁸ Мирзо Бедилни шу лақаб билан атаганлар.

инсонларнинг ҳукми қуйидаги шеър мазмунига мувофиқ келади:

Бу жаҳон ўлаксага ўхшайди,
Унда минг-минглаб қарғага ўхшаганлар бор.
Улар тирноқлари билан тирнайди,
Бошқалари тумшуғи билан йиртади.
Охири, ҳаммаси учиб кетади,
Оқибатда, ҳаммасидан ўлимтик қолади.
Эй, Аллоҳим! Исломни, мусулмонликни мустаҳкамла,
Бетавфиқ, зиндиқ¹¹⁹ларни дўзах олови билан қуйдир.

Адолат ва ҳақиқат излаган келажак авлод менинг ёзганларимга назар ташласа, албатта, фақирнинг сўзлари ҳақиқат эканлигига ишонч ҳосил қилиб, менга раҳмат айтадилар.

¹¹⁹ Диндан қайтган.

Мундарижа

Сўзбоши.....	3
Муқаддима	9
Амир Дониёл замонида амирлик тузумининг хароблиги ва амир Шоҳмуроднинг салтанатни бошқариш тарзи	18
Амир Ҳайдар салтанати замонидаги баъзи воқеалар	29
Амир Ҳайдарнинг ўлими ва амир Ҳусайн ва амир Умарнинг салтанати замони	31
Амир Насрулло салтанати замони ва унинг мамлакатдорлик тарзи	32
Амир Музаффар салтанати замонидаги баъзи воқеалар, унинг ҳаёт тарзи, мамлакатни бошқариш усуллари	35
Амирнинг вақтичоғлик қилиши.....	87
Амирликдаги тартиблар ва амир Абдулаҳад салтанати замонидаги баъзи воқеалар	124

Аҳмад Дониш

**Рисола ёхуд манғитлар хонадони
салтанатининг қисқача тарихи**

«Ўзбекистон миллий энциклопедияси»
Давлат илмий нашриёти
Тошкент — 129, Навоий кўчаси, 30-уй.

Рассом *Асқар Ёқубжонов*
Дизайнер *Отабек Ёқубов*

2013.25.11 й. да босишга рухсат этилди. Қоғоз бичими 84x108¹/₃₂.
7,56 шартли босма табоқ. 5,80 нашриёт-ҳисоб табоғи.
Адади 1000 нусха. Баҳоси шартнома асосида. 41 — буюртма.

“Irap Yo‘li Poligraf” босмахонасида чоп этилди.
Тошкент шаҳри, И.Мўминов кўчаси, 9-уй.

**“Ўзбекистон миллий энциклопедияси”
Давлат илмий нашриёти
нашр этади**

Абу Райҳон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар (“Ал-осор ал-боқия ан ал-қурун ал-ҳолия”). Тузатилган ва тўлдирилган нашри, масъул муҳаррир тарих фанлари доктори Ашраф Аҳмедов. Адади 1000 нусха.

Берунийнинг ушбу йирик энциклопедик асарида Ўрта Осиё халқлари, яҳудий, юнон ва бошқа халқларнинг ижтимоий, маданий ва илмий ҳаёти тарихи, урф-одатлари ва бошқа жиҳатлари, шунингдек, Ўрта Осиёнинг араблар томонидан истило қилинишига доир маълумотлар берилган. Унда олимнинг табиий фанларнинг турли соҳаларига оид кашфиётлари ўз ифодасини топган.

Асар XIX асрнинг иккинчи ярми — XX аср мобайнида немис, инглиз, рус тилларига таржима қилинган. Китобнинг араб тилидан ўзбек тилига таржимаси 1968 йилда Тошкентда Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институти томонидан Берунийнинг “Танланган асарлари” туркумида (1-жилд) 3000 нусхада нашр этилган. Бугунги кунда ушбу асарга эҳтиёж жуда катта. Буни эътиборга олиб нашриёт бу ноёб асарнинг янги нашрини чиқаришни режалаштирди. Асар илмий ходимларга, тадқиқотчиларга, умуман маданий ва илмий меросимиз билан қизиқувчиларга муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Ундан кенг китобхонлар ҳам фойдаланишлари мумкин.